O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2005 йил, **8** июль, жума № **58** (2102).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **8** июля, **2005** год, № **58** (2102).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена свободная

Ҳарбий хизматни ўзининг касби, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи деб биладиган, бутун ҳаётини Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга бағишлаган ўғлонларимизнинг оғир хизматини қадрлаш, уларнинг туну кун тиним билмасдан ўз касбий маҳоратини ошириш йўлида қилаётган машаққатли меҳнатини эъзозлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ислом КАРИМОВ

ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4-5 июль кунлари Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб, Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.



Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тузилганига кўп бўлгани йўқ. Лекин 2001 йилдан буён ўтган қисқа вақт давомида у ўзининг самарадорлигини тўла намоён этди ва жаҳон ҳамжамиятининг эътиборига тушди. 2002 йили Санкт-Петербург шаҳрида ташкилотнинг асосий таъсис ҳужжати – Хартияси қабул қилинди. 2004 йилда Пекинда унинг Котибияти, Тошкентда эса Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) доимий фаолият кўрсата бошлади.

ШҲТнинг асосий вазифалари хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдир. Шу йўналишлардаги ҳамкорлик изчил ривожлантирилмоқда. 2020 йилгача бўлган даврда кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни кўзда тутувчи дастур қабул қилинган, террорчиликка, экстремизм ва айирмачиликка қарши биргаликда кураш тўғрисида битим имзоланган.

(Давоми 2-бетда).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

ТАМАДДУН БЕШИКЛАРИДАН БИРИ

Тарихдан маълумки, қадимда зўравон босқинчилар ўзга бир мамлакат устидан ҳукмронлик қилмоқчи бўлсалар, энг аввало, шу юрт халқларининг миллий маданиятлари, урф-одатлари, анъаналари «илдизига болта урганлар», тарихий меросидан айиришга ҳаракат қилганлар ва оқибат натижада, ўша халқни, миллатни маънавий жиҳатдан заифлаштирганлар, чунки маънавий заифлашган, ўзлик туйғуси ва ғуруридан узоқлашган халқни «бошқариш» осон бўлган.

Мустақилликнинг бошларидаёқ биз миллий мафкура заруратини ҳис этдик. Бу эҳтиёжни янада теран англаб етишимизда Ўзбекистон Президентининг «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин», деган сўзлари жуда аҳамиятлидир. Дунёда турфа хил давлатлар мавжуд экан, уларнинг ҳар бирида ўз манфаатларига хизмат қиладиган ғоялар, фикрлар, нуқтаи назарлар бўлиши табиий ҳол. Бинобарин, Марказий Осиёда вужудга келган мустақил янги давлатларнинг ҳам ўз қарашлари, ғоялари, таъсир воситалари бўлиши зарур. Бу ғояларнинг муштараклиги эса ниҳоятда муҳим.

Мустақиллик шароитида ўтган вақт мобайнида миллий маънавият ва қадриятларга ёт ғояларга қарши олиб борилган ғоявий курашдаги самараларни кўриб турибмиз. Демак, минтақа давлатларида мустақилликнинг дастлабки даври бесамар ўтгани йўқ. Шу билан бирга, замоннинг шиддат билан ўзгариши одамлар тафаккурининг ҳам тез ўзгариб, ўсиб боришига таъсир қилаётгани янги долзарб вазифаларни ҳал этишга ундамоқда.

(Давоми 4-бетда).

МИНТАҚАДА ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДА

Президент Ислом Каримовнинг Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти саммитида сўзлаган нутқи

Муҳтарам давлат бошлиқлари!
Муҳтарам саммит иштирокчилари!
Хонимлар ва жаноблар,

Аввало, бу ерда ҳозир бўлган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари етакчиларига, Ҳиндистон, Эрон, Мўғулистон ва Покистон делегациялари раҳбарларига, нуфузли халқаро ташкилотлар вакилларига самимий ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга ва, шунингдек, кўрсатилган меҳмондўстлик, ушбу Саммитнинг юксак савияда ташкил этилгани учун Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев жанобларига миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Ўтган даврдаги ишларни сарҳисоб қилар эканмиз, шуни эътироф этмоқчиманки, ШҲТнинг ишчи ва ижрочи органлари шаклланиши ва фаолият кўрсата бошлаши, ШҲТ тарафидан ҳал этилиши зарур муайян мақсад ва вазифалар янада аниқ ва равшан белгилаб олиниши баробарида унинг халқаро обрў-эътибори ва жозибаси тобора ошиб бормоқда.

Бугунги кунда ШҲТ халқаро ҳамкорликнинг қудратли институтига хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг, халқаро терроризм, сепаратизм ва экстремизм, наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва ташиш каби замоннинг энг қалтис таҳлика ва таҳдидларига қарши курашнинг кучли омилига айланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

КАМОЛНИНГ КАМОЛИ

Кураш ўзбекнинг қадимий ва миллий спорт ўйинларидан бири ҳисобланади. Бугун миллий курашимиз жаҳон миқёсида ҳалол спорт тури сифатида тан олиниб, кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Айни дамда кураш билан шуғулланувчилар сони нафақат Европа ва Осиё минтақасида, балки океанорти мамлакатларида ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Эсингизда бўлса, 1998 йилда илк бора кураш бўйича Жаҳон чемпионати республикамиз пойтахтидаги «Жар» спорт мажмуасида ўтказилганда ўзбек ўғлони капитан Камол МУРОДОВ олтин медаль ва Президентимиз совғасига муносиб кўрилган эди. Бугун эътиборингизга миллатимизнинг ушбу алпмонанд ўғлони билан бўлган самимий суҳбатимизни ҳавола этамиз. У айни пайтда Мудофаа вазирлигига қарашли МҲСКда хизмат қилиб, ҳарбийлар спортига ўз ҳиссасини қўшиб келаётир.

– Камол ака, келинг, болалик хотираларингизни ёд этиб, спортга илк қадамингиз ҳақида тўхталсангиз?

– Менинг болалигим пойтахтдан анча олисда бўлган Бухоро вилоятининг Олот туманида ўтган. Ўзига хос табиий иқлимга эга бўлган туманимиз у қадар катта бўлмасада, инсонларининг меҳнаткашлиги, тиришқоқлиги, самимийлиги, қатъиятлилиги сингари фазилатлари билан ажралиб туради. Болалигимда айнан ана шундай инсонлар тарбиясини олдим. Туманимиз яна ўзининг курашчи полвон ўғлонлари билан ҳам машҳурдир. Бу ерларда миллий спорт туримиз азалдан тараққий этган, десам хато бўлмайди. Ҳар бир бола борки, ёшлигидан кураш билан шуғулланади. Бунинг учун қишлоқда шароит йўқ, деб ўйларсиз. Асло ундай эмас. Қишлоқларнинг барча мактаб спорт залларида кечқурунги кураш тўгараклари фаолият юритади. Бу каби тўгараклар болаларнинг турмуш юмушларига ҳам халал бермайди. Чунки қишлоқ болаларининг кундуз куни тўгаракларга қатнашишларига ҳамиша ҳам вақтлари бўлавермайди.

Наврўз ҳосил байрамлари, бешик ва суннат тўйлари курашсиз ўтмайди. Бу халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган одат. Мана шундай спорт ўйинларида эса янги-янги бўлажак чемпионлар шаклланиб, ўз маҳоратларини тоблашади.

(Давоми 4-бетда).

РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Парламент юқори палатасида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат – ҳарбий хизматнинг алоҳида тури» деган мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди. Бу тадбир Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган бўлиб, унда иштирокчилар фуқароларнинг мамлакатимиз Қуролли Кучлари резервида ҳарбий хизматни ўташлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг ижро этилиши масалалари юзасидан унинг катта аҳамиятга эга эканлигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда ўзаро фикр алмашдилар.

●

Пойтахтимизда хорижий мамлакатларда таълим олган ёш мутахассисларнинг III илмий-амалий конференцияси бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур анжуман икки кун давом этади. Унда хорижда таълим олган ёш мутахассислар, олим ва педагоглар иштирок этмоқдалар.

●

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Бош прокурор Р.Қодиров бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримовнинг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясига йўналтирилган қарор ва фармонлари ижросини тўлиқ таъминлаш ва бу соҳадаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини янада кучайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

●

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг навбатдаги мажлиси ўтказилди.

●

Пойтахтимиздаги «Intercontinental» меҳмонхонасида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг V қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой ишида мамлакатимизнинг барча минтақаларидан сайланган делегатлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси, партия Марказий Кенгаши аъзолари, жамоат бирлашмалари ва ташкилотларининг марказий идоралари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

●

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки стадионида умумтаълим мактаблари битирувчиларининг «Истиқлол умидлари-2005» фестивали бўлиб ўтди. Тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамда Ўзтелерадиокомпания томонидан ташкил этилди.

(Матбуот хабарлари асосида тайёрланди).

Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги олдидан

АДОЛАТ ОФТОБИ

1. МУСТАҚИЛЛИК БИЛАН ҲАМНАФАС

Азизлар, мана, ўн тўрт йилдирки, юртимизда АДОЛАТ ОФТОБИ—ИСТИҚЛОЛ нур сочиб турибди. Бу нурдан мен, сиз, у – ҳур Ўзбекистонимизда истиқомат қилаётган барчамиз баҳраманд бўлиб келяпмиз. Нафақат баҳраманд, балки ўн тўрт йилки, шу нур билан яшадингиз, яшадим, юрагингиздан ўтказдингиз, ўтказдим.

Қувонмай бўладими, бугун МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ўн тўрт ёшда!

Шодланмай бўладими, бугун ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ўн тўрт ёшда.

Қувончим ўн тўрт ёшда! Қувончинг ўн тўрт ёшда! Қувончимиз ўн тўрт ёшда!

Шундай ёзаяпман-у, аммо бир андишам бор: Истиқлол берган, Истиқлол келтирган қувончни рақамлар билан ўлчаб бўлурми? Ҳурриятнинг завқ-шавқини «олтиндан тарози-ю, олмосдан тош» билан тортиб бўлурми? Қучоқласак, қучоқ-ка сиғадими? Шодлигимизнинг поёни борми?

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ҚУВОНЧИ АСРЛАРГА ТАТИЙДИ!

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ҚУВОНЧИ УМР БОҚИЙДИР!

Аслида, бизни адолатга, эркка, озодликка етмиш уч йил ташна қилган совет иттифоқи узоқ яшамаслиги аниқ эди, барибир бир куни барбод бўлиши тайин эди.

(Давоми 3-бетда).

Муштарийларимизга

ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР

Ҳарбий бўламан, офицерлик касбини эгаллайман, деган ёшларимиз учун ҳаяжонли дамлар бошланди. Нафақат улар учун, уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари учун ҳам. Нега деганда, айни кунларда олий ҳарбий билим юртига ўқишга кириш учун ҳужжат топширган абитуриентлар тиббий кўрикдан, ўз танлаган соҳаси бўйича суҳбатдан ўтказилиб, жисмоний тайёргарлиги синаб кўрилянти. 10 июль куни давлат тест синови топширишади, натижалар 15 июлда маълум бўлади.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан бу йил олий ҳарбий билим юртларига қабул илгаригига қараганда анча барвақт ўтказилмоқда. Бундан кўзланган мақсад аниқ: биринчидан, шу соҳага талабгорлар ўртасида рақобатни кучайтириб, энг муносибларни танлаб олиш бўлса, иккинчидан, айрим сабабларга кўра, ҳарбий билим юртига кира олмаганлар ўз омадларини мамлакатимиздаги бошқа олий ўқув юртларига киришда синаб кўришлари мумкин бўлади. Шу боис ҳам, бу йил мамлакатимиздаги олий ҳарбий билим юртлари ҳар йилгига қараганда абитуриентлар билан гавжум.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Куч билим ва тафаккурда!»

Кўнглида ҳарбий бўлишга иштиёқ уйғониб, шу мақсадда ҳарбий билим юртларига ҳужжат топширган ҳар бир ёш учун ҳарб илмини пухта эгаллаб, етук офицер бўлиши, Ватан ҳимоячилари сафидан жой олиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Таъкидлаш жоиз, бугуннинг офицери бўлиш шарафли ва шу билан бирга ўта масъулиятли ҳам. Офицерлар Қуролли Кучларимизнинг етук мутахассисларидир. Юртбошимиз, ҳукуматимиз Ватан ҳимоячиларига чексиз ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиб турибди. Фикримизни яқинда матбуотда эълон қилинган Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳам исботлаб турибди. Бундай ғамхўрлик ва эътиборга муносиб бўлиш зарур. Муносиб бўлишлик эса ҳарбийларимиздан билим, маҳорат ва куч талаб қилади.

ТАҲРИРИЯТ

К нашим читателям

ВОЛНУЮЩИЕ МГНОВЕНИЯ

Для тех юношей, которые мечтают стать военными, овладеть профессией офицера, наступили волнующие дни. Не только для них, но и для их родителей и родственников. Ведь в эти дни абитуриенты, сдавшие документы для поступления в высшие военно-образовательные учреждения, проходят медицинский осмотр, собеседования по выбранной специальности, проверяется их физическая подготовленность. 10 июля они сдают государственные тестовые испытания, результаты которых будут известны 15 июля.

Как известно, по инициативе нашего Президента в этом году прием в высшие военно-образовательные учреждения проводится намного раньше, чем в предыдущие годы. Поставленные цели ясны: во-первых, усилить конкуренцию среди претендентов и выбрать из них самых достойных, во-вторых, те, кто по разным причинам не сможет поступить в высшие военно-образовательные учреждения, смогут испытать свое счастье и попробовать поступить в другие высшие учебные заведения страны. Именно по этой причине в этом году в высших военно-образовательных учреждениях страны особенно большой поток абитуриентов.

Для каждого молодого человека, кто в душе пожелал стать настоящим офицером и занять достойное место в ряду защитников Родины, созданы все необходимые условия.

Надо подчеркнуть, что сегодня стать офицером – это честь и в то же время большая ответственность. Офицеры – высококлассные специалисты Вооруженных Сил, мастера своего дела. Президент страны и правительство уделяют большое внимание и проявляют постоянную заботу о защитниках Родины. Этому есть подтверждение в опубликованном Постановлении Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах обеспечения социальной защиты военнослужащих Вооруженных Сил Республики Узбекистан». Нужно быть достойным такого внимания и заботы. А для этого от военнослужащих требуются знание, умение и высокий профессионализм.

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

2 ЗА СТРОКОЙ ПОСТАНОВЛЕНИЯ ПРЕЗИДЕНТА
ЛЬГОТ СТАНОВИТСЯ БОЛЬШЕ

3 БУГУННИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ
ВАҚТИДА БАЖАРИЛГАН ВАЗИФА

9 СЎРОВНОМА
ДИЛДАН МУЛОҚОТ

10 ТВОЙ ИНТЕРЕС
ҲАФТА ГЎЗАЛИ

ЗА СТРОКОЙ ПОСТАНОВЛЕНИЯ ПРЕЗИДЕНТА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг белгиланган тартибда тураржой билан таъминланмаган ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг контракт бўйича хизмат қилаётган, амалдаги сарф-харажатлар (коммунал хизматлар ҳақи бундан мустасно) доирасида тураржой билан таъминланмаган оддий аскар, сержант ва офицер таркиблари ҳарбий хизматчиларига тураржойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун:

Тошкент шаҳрида – энг кам иш ҳақининг тўрт бараваригача миқдорда;

Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида – энг кам иш ҳақининг уч бараваригача миқдорда;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарлари, туманлар марказлари ва аҳоли пунктларида – энг кам иш ҳақининг икки бараваригача миқдорда ҳар ойлик пул компенсацияси тўловлари белгилансин.

Оила аъзолари уч киши ва ундан ортиқ бўлган тақдирда ҳарбий хизматчиларнинг ушбу пул компенсацияси миқдорлари 50 фоизга оширилади.

2. Белгиланснинки, Қуролли Кучларнинг ҳарбий хизматчиларига ҳар ойлик пул компенсацияси тўловларининг ушбу нормалари жорий этилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати бюджетининг ҳар йили тасдиқланадиган параметрлари доирасида амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев): бир ҳафта муддатда Молия вазирлиги (С.Раҳимов), Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига тураржойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартибини белгиласин;

уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига тураржой билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун киритилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг котиби Р.Мирзаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 30 июнь.

ЗАБОТА РЕАЛЬНАЯ, ДЕЙСТВЕННАЯ

В Постановлении «О дополнительных мерах обеспечения социальной защиты военнослужащих Вооруженных Сил Республики Узбекистан» заложен огромный политический и социально-экономический потенциал, ведь оно не просто затрагивает, а кардинально решает одну из важнейших, болевых проблем социальной защиты военнослужащих.

Принятым документом определено, что повышается размер выплаты денежной компенсации за наем (поднаем) жилья военнослужащим по контракту рядового, сержантского и офицерского состава Вооруженных Сил Республики Узбекистан, не обеспеченным жилыми помещениями, в пределах физических затрат (исключая оплату коммунальных услуг):

– до 4 минимальных размеров заработной платы в городе Ташкенте;

– до 3 минимальных размеров заработной платы в городе Нукусе и областных центрах;

– до 2 минимальных размеров заработной платы в других городах, районных центрах и населенных пунктах Республики Узбекистан.

При этом в постановлении указывается, что при наличии 3 и более членов семьи указанные размеры денежной компенсации увеличиваются на 50 процентов.

Для меня, как человека военного, прошедшего путь от курсанта до полковника, с многочисленными за время его прохождения переездами, сменой военных гарнизонов, а значит, каждый раз с возникновением жилищных неудобств, эта проблема глубоко понятна. Она несет в себе не только материальную сторону, но и психологическую. Ведь наличие жилья формирует у военнослужащего деловой настрой на службу и, если хотите, уверенность в завтрашнем дне. У семейного военнослужащего она создает здоровый нравственный климат в семье. Поэтому не будем кривить душой, а скажем от всего сердца – спасибо руководству республики. Это большая и своевременная поддержка военнослужащих со стороны государства, истинная забота об их социальной защищенности.

Во что это выльется? Думаю, ответ ясен. У меня, например, получилось так, что я очень долгие годы, и уже будучи в отставке, поддерживал связь с армией. Стоит оказаться среди военнослужащих, как ты попадаешь в атмосферу крепкого, отлаженного порядка и деловитости, свойственных только армии. И тебя охватывает радостное чувство: за этой силой можно быть спокойным: ничто тебе не страшно – ни происки террористов, ни земные катаклизмы, ни информационные атаки недругов. Убежден, после ввода в действие этого постановления наша уверенность в надежности армии возрастает неизмеримо, потому что оно прибавит ответственности и уверенности в действия солдат, сержантов и офицеров в решении задач боевой готовности, бдительности и укрепления воинской дисциплины.

Не могу не подчеркнуть, что это постановление главы нашего государства с удовлетворением встречено не только теми военнослужащими, которые подпадают под его действие, а всем нашим народом. И это естественно, потому что в нашей стране нет такой семьи, чья судьба прямо или косвенно не была бы связана с рождением, становлением и совершенствованием нашей национальной армии, армии независимой Республики Узбекистан.

Сегодня наша армия – плоть от плоти народа, предмет нашей гордости. И потому она у нас окружена подлинной всенародной любовью и заботой.

Всему миру известно, что нашими помыслами, нашим приоритетом и предметом постоянной заботы являются мир и стабильность, гражданское и межнациональное согласие. Это связано с глубоким пониманием нашим народом сущности военной службы, сложностей ратного труда военнослужащих и той ответственности, которую они несут перед обществом и государством за надежную защиту своей Родины, ее территориальной целостности, мирного труда народа от происков международных террористов, религиозных экстремистов и иных напастей.

Постановление Президента от 30 июня – это реальное и яркое проявление заботы нашего государства о своих вооруженных защитниках, заботы действенной и широкомасштабной. Опираясь на эту заботу, мы сегодня располагаем уникальными возможностями для решительного повышения качественных параметров боевой и общественно-политической подготовки, бдительности и боевой готовности. А также для всемерного повышения эффективности воспитательной работы, создания в воинских коллективах здоровой нравственной атмосферы и дальнейшего укрепления воинской дисциплины, организованности и правопорядка в частях и подразделениях.

А.КУРГАНОВ.

ЛЬГОТ СТАНОВИТСЯ БОЛЬШЕ

Принятое постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан о повышении размеров компенсационных выплат за поднаем жилья военнослужащим, не обеспеченным квартирами, с большим воодушевлением встречено в воинских коллективах.

— Нами уже получены необходимые нормативные документы для расчетов производимых выплат,— говорит заместитель начальника финансовой службы Ташкентского военного округа подполковник Аскаржон Норматов. — Исходя из них, отданы соответствующие распоряжения в финансовые службы воинских частей и учреждений нашего округа, исполнение которых находится под строгим контролем.

Лейтенант Роман Дудчик был одним из тех молодых офицеров, которые приятно удивились, узнав о принятом на столь высоком уровне решении.

— Сами понимаете, жилье в столице стоит немалых денег, поэтому такую сумму сразу не одолеть, — говорит лейтенант. — А выплачиваемых сейчас денег не хватает на покрытие и половины реальных расходов за аренду квартиры. Поэтому эта существенная прибавка очень порадовала. К тому же просто приятно осознавать, что государство постоянно заботится о вооруженных защитниках Родины. В ответ на такую заботу необходимо с еще большим энтузиазмом стремиться к росту боевой выучки и воинского мастерства.

К мнению сослуживца присоединяется и капитан Исроил Исмоилов: «Нелегкий ратный труд человека в погонах всегда высоко оценивался в независимом Узбекистане. Забота главы государства об укреплении оборонной мощи нашей Родины просто обязывает нас еще более самоотверженно служить Отечеству на вверенных участках служебной деятельности, максимально повысить свой вклад в успешное претворение реформы Вооруженных Сил».

С одобрением отзываются о такой заботе руководства страны о защитниках Родины и военнослужащие по контракту. Военные профессионалы имеют большое количество льгот и преимуществ согласно принятому недавно Закону о статусе военнослужащих-контрактников. Данное постановление правительства страны существенно улучшило материальное благополучие данной категории.

— Для нас дорого внимание, которое оказано на столь высоком уровне, — говорит младший сержант по контракту Закир Абдукадыров. — Народ независимого Узбекистана, уверенно строящий светлое будущее, с большой надеждой смотрит на нас, защитников Родины. Нам создаются все необходимые условия для повышения профессионального мастерства и боевой выучки. А теперь к вопросам укрепления учебно-материальной базы и обновления вооружения и техники добавилась и забота об улучшении социально-бытовых условий.

Майор А.НУРОВ.
Фото **В.ЛЬВОВА.**

МИНТАҚАДА ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Минтақанинг жуда бой ресурсларидан фойдаланишга қаратилган савдо-иқтисод, транспорт-коммуникация ва гуманитар соҳалардаги ўта йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг ва, айтиш мумкинки, катта миқёсдаги имкониятлар очилмоқда.

Фикримизча, бугун Остона шаҳрида имзо чекиладиган ҳужжатлар, биринчи галда, ШҲТга аъзо давлатлар бошлиқларининг декларацияси ташкилот олдида турган вазифаларни ечиш йўлида яна бир муҳим босқич бошланаётганидан далолат беради.

Биз Ҳиндистон, Покистон ва Эрон давлатларига Шанхай ҳамкорлик ташкилоти қошида кузатувчилик мақомини бериш ҳақидаги қарорни маъқуллаймиз.

Ишончим комилки, бу қарор, аввалги саммитда Мўғулистонга кузатувчи мақоми берилгани каби, ҳеч шубҳасиз, ШҲТ имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради, унинг дунё ҳамжамиятидаги роли ва аҳамиятини янада оширади.

Ҳурматли давлат бошлиқлари!

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, бугун муҳокама этилаётган масалаларга бевосита алоқадор ва менинг назаримда принципиал жиҳатдан муҳим аҳамиятга молик айрим ҳолатларни қайд этиб ўтишни истардим.

Биринчи. Марказий Осиёнинг айрим мамлакатларидаги ва бутун минтақадаги мавжуд аҳволнинг тез ўзгариб туриши ҳамда вазиятни издан чиқарадиган таҳдидларнинг сақланиб қолаётгани, бундай хавф-хатарлар ортида турган кучларнинг имконият ва ресурслари айни минтақада яшаётган халқлар тақдирини ўйлаб қайғурадиган барча давлатлар ва одамларда ташвиш ва хавотир уйғотмасдан қолмайди.

Умуман олганда, минтақадаги мавжуд вазиятни стратегик жиҳатдан ноаниқ бир ҳолат ва ўз ечимини кутаётган мураккаб зиддиятлар тугуни, деб таърифлаш мумкин.

Кейинги пайтларда рўй берган воқеаларда пировард мақсади минтақадаги кучларнинг сиёсий ва иқтисодий мувозанатини ўз фойдасига ўзгартириш ва минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган, узоқни кўзлайдиган катта стратегик пинҳона режанинг фақат айрим қирраларигина намоён бўлди.

Иккинчи. Хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан янги таҳдидларнинг кўламигина эмас, балки қўйилган геополитик мақсадларга эришишнинг маъно-мазмуни, восита ва услублари ҳам, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хослиги ва ундаги мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда, тубдан ўзгариб бораётганига эътибор қаратиш жоиз.

Бу кучларнинг турли экстремистик ва айирмачи тузилмалар билан қўшилиб бораётгани, шунингдек, ашаддий диний ташкилотлардан, гарчи ўзлари бошқа вазиятда уларни террористик ташкилотлар рўйхатига киритган бўлса-да, ўз мақсадлари йўлида фойдаланишдан ҳам тоймаётгани билан боғлиқ фактлар ҳам жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди.

Бу уринишлардан кўзда тутилган пировард мақсад минтақада «бошқариладиган беқарорлик» вазиятини келтириб чиқариш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни бузиш ва ўзлари хоҳлаган тараққиёт моделини зўрлаб тиқиштиришдан иборатдир.

Учинчи. Наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва ташиш региондаги вазиятни издан чиқарувчи тажовузкор кучга, халқаро терроризмнинг моддий таянчига айланиб бормоқда.

БМТ маълумотларига қараганда, Афғонистонда кейинги йилларда кўкнори экиладиган ер майдони сатҳи ва героин ишлаб чиқариш миқдори тобора кўпайиб бормоқда. Наркотик моддалар ишлаб чиқариш саноатлашган асосда йўлга қўйилган.

Таассуфки, Афғонистонда турган хорижий қуролли кучлар контингенти бу жараёнга заррача бўлсин амалий таъсир ўтказмаяпти.

Буларнинг барчаси минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигига нисбатан кун сайин ортиб бораётган хатарли таҳдидни бартараф этиш учун курашда ШҲТга аъзо бўлган мамлакатларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш билан боғлиқ ишлар аҳволини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Сўзимнинг якунида Андижонда фожиали воқеалар юз берган оғир дамларда Ўзбекистонни, ўзбек халқини қўллаб-қувватлаган Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси раҳбариятига, бошқа давлатлар ва инсонларга бугун яна бир бор самимий миннатдорлик билдиришни ўз бурчим, деб биламан.

Эътиборингиз учун ташаккур.

2005 йил 5 июль.

ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кузатувчилар ШҲТ фаолиятида ҳамкорликка қаратилишини эътироф этадилар. ШҲТнинг ишчи органлари ҳам, уларда ишловчи ходимлар ҳам кўп эмас. Котибият ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ташкилотнинг узлуксиз фаолиятда бўлишини таъминламоқда. ШҲТ саммитлари ҳам йилига бир марта бўлиб ўтади.

ШҲТнинг олий органи Давлат раҳбарлари кенгашидир. Ҳукумат раҳбарлари, Ташқи ишлар, Иқтисодиёт ва савдо вазирларининг кенгашлари олий даражадаги учрашувга пухта ҳозирлик кўрилишини таъминлайди ва амалий тавсияларни ишлаб чиқади. Хавфсизлик кенгашлари котиблари ва миллий мувофиқлаштирувчилар ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган.

Бинобарин, бугунги кунда етук халқаро ташкилотга айланиб, фаолият доирасини кенгайтираётган, ўзи қамраган улкан минтақадаги кўплаб муаммоларни ечишга қодир бўлган ШҲТ ҳақли равишда халқаро ҳамжамият эътиборини тортмоқда. 2004 йилнинг декабрида у БМТ Бош ассамблеясида кузатувчи мақомини олди. 2005 йилнинг апрелида ШҲТ билан АСЕАН ҳамда МДҲ ўртасида ўзаро англашув меморандумлари имзоланди. Булар ташкилотнинг халқаро майдондаги фаоллиги, жаҳонда у билан ҳамкорликка қизиқиш ортиб бораётганидан далолатдир.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Остона саммитида ШҲТнинг дадил одимларига юқори баҳо берилди ва айни пайтда уни шиддат билан ўзгариб бораётган сиёсий ва иқтисодий вазиятларга мослаштириш зарурлиги таъкидланди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов ва Қирғизистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Қурманбек Бакиев иштирок этди.

Саммит қатнашчилари янги таҳдидларга қарши биргаликда курашиш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорлик механизмларини янада такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ислом Каримов Марказий Осиё минтақасида турли таҳдидлар ҳамон сақланиб турганига, улар янги шакл ва қиёфа касб этиб бораётганига тўхталиб, террорчилик, экстремизм ва айирмачилик, қурол-яроғ ва наркотикларнинг ноқонуний савдоси уюшган трансмиллий жиноятчилик каби иллатларга қарши курашишда хавф-хатарнинг олдини олишда ШҲТ кучли мувофиқлаштирувчи муассаса бўлаётганини қайд этди.

Учрашувда ШҲТ доирасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Айниқса, транспорт коммуникациялари, нефть-газ конларини ўзлаштириш, сув-энергетика захираларидан фойдаланиш соҳаларида ҳамкорликни фаоллаштириш кўп томонлама манфаатли эканлиги таъкидланди.

Президентлар ижтимоий-маданий алоқалар мажмуини ҳам кўриб чиқдилар. Эътироф этилганидек, ШҲТга аъзо мамлакатлар фан-техника, жумладан, юқори технологиялар, таълим, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт, сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик кўламини кенгайтириш учун барча имкониятларга эга.

Музокара давомида ШҲТнинг сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий салоҳиятини тўла ишга солиш, мавжуд имкониятларни аниқ мувоффақиятларга айлантириш чора-тадбирлари юзасидан фикр алмашилиб, миллий мувофиқлаштирувчиларга, ташкилот ҳузуридаги кенгашларга тегишли топшириқлар беришга келишиб олинди.

Президентлар Ҳиндистон, Покистон ва Эроннинг ташкилотда кузатувчи мақомини олиш тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқдилар. Умумий келишувга биноан, мазкур уч мамлакатнинг мурожаатларини қониқтиришга қарор қилинди.

Таъкидламоқ жоизки, Президентларнинг бу қарори ШҲТ воситасида курраи замин аҳолисининг қарийб ярмини ўзаро яқинлаштириш, кўплаб халқлар ва мамлакатлар ўртасида янги асосдаги ҳамкорликни қарор тортиришга хизмат қилади. Ҳиндистон, Покистон ва Эроннинг улкан иқтисодий салоҳияти, катта инсоний захиралари яхши маълум. ШҲТнинг бу мамлакатлар билан бевосита алоқада бўлиши ташкилотнинг имконият доирасини янада кенгайтириши шубҳасиздир. Эслатиб ўтамиз, ташкилотнинг ўтган йилги Тошкент саммитида Мўғулистонга худди шундай кузатувчи мақоми берилган эди.

Мажлисда ШҲТга раислик Хитой Халқ Республикасига ўтди. Демак, ташкилотнинг галдаги саммити Хитойда бўлади. Маълум қилинганидек, Президентлар ШҲТ фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгашига Котибиятнинг ролини ошириш бўйича келгуси саммит учун таклифлар ишлаб чиқиш вазифасини топширишга ҳамда унинг раҳбари лавозимини ШҲТ Бош котиби деб ўзгартиришга келишдилар.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида Президентлар ШҲТни ривожлантириш масалаларига оид қарашларини, таклиф ва мулоҳазаларини баён қилдилар. Ташкилотнинг ўтган йили Тошкент саммитида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишнинг бориши, Ўзбекистон пойтахтидаги Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ҳамда Пекиндаги Котибиятнинг ўтган даврдаги фаолиятига доир ҳисоботлар кўриб чиқилди. ШҲТ Ҳукумат раҳбарлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Иқтисодиёт ва савдо вазирлари кенгашининг, шунингдек, хавфсизлик кенгашлари котиблари ва миллий мувофиқлаштирувчиларнинг саммит арафасида ўтган учрашувлари якунлари бўйича тайёрланган ҳисобот ва таклифлар муҳокама этилди. ШҲТнинг Минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш жамғармаси ва Ишбилармонлик кенгашини ташкил этишни жадаллаштиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мажлисда Мўғулистон Президенти Намбарин Энхбаёр, Эроннинг биринчи вице-президенти Муҳаммад Ризо Ориф, Покистон Бош вазири Шавкат Азиз, Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Натвар Сингҳ раҳбарлигидаги ушбу мамлакатлар делегациялари кузатувчи сифатида иштирок этди.

Президент Ислом Каримов саммит қатнашчилари эътиборини хавфсизлик масалаларига қаратди. Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, бугунги ўзгарувчан вазият, турли таҳдидларнинг ҳамон сақланиб турганлиги ШҲТ аъзоларида, айниқса, Марказий Осиё давлатларида безовталик уйғотмаслиги мумкин эмас. Ҳозир Марказий Осиёда стратегик ноаниқлик ҳукм сурмоқдаки, бу айрим бузғунчи кучларга вазиятни издан чиқариш учун қўл келиши мумкин.

Иккинчидан, хуружларнинг шакл-шамойили, усул ва услублари, улар фойдаланадиган воситалар ўзгариб бормоқда. Хориждаги айрим марказлар Марказий Осиёда «бошқариладиган беқарорлик»ни юзага келтириш ниятида радикал кайфиятдаги оқим ва тўдаларни ишга солятти. Гарчи, Афғонистон ёки Ироқдаги бундай гуруҳлар террорчи сифатида эътироф этилса-да, Марказий Осиёдагиларининг хатти-ҳаракатларини изоҳлаш масаласига тамомила бошқача ёндашилмоқда.

Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликка катта таҳдид солаётган яна бир хавф наркобизнеснинг ривожланиб бораётганидир. Афғонистонда етиштирилаётган гиёҳванд моддалар миқдори йилдан йилга ошиб бормоқда. Мамлакатда оғуфурушлик саноатлаштирилган. Лекин халқаро майдонда бу муаммога эътибор кам.

Хавфсизлик масалаларини муҳокама этиш чоғида бу муаммоларни эътибордан четда қолдирмаслик, уларга яхлит бир муаммо сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Ислом Каримов ШҲТ аъзолари сафида БМТ Хавфсизлик кенгашининг икки доимий аъзоси борлиги, ташкилотнинг ичил ва жадал тараққиёти унинг улкан салоҳиятидан далолат эканлигини таъкидлади.

Ҳар бир мамлакат бирор ташкилотга қўшилар экан, аввало, ўз манфаатини кўзлайди. ШҲТга манфаатлари ўзаро уйғун мамлакатлар аъзо бўлиб кирган. Шу боис унинг салоҳияти катта.

Музокаралар якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг декларацияси қабул қилинди. Президентлар ШҲТга аъзо мамлакатлар ўртасида террорчиликка, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураштаги ҳамкорлик концепциясини ҳамда ШҲТга аъзо давлатларнинг МАТТ ҳузуридаги доимий вакиллари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорларни ҳам имзоладилар.

Остона сафари давомида Президент Ислом Каримов ХХР Раиси Ху Цзиньтао ҳамда Мўғулистон Президенти Намбарин Энхбаёр билан учрашди. Мулоқотлар чоғида икки томонлама муносабатларга ШҲТ доирасидаги ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шундай қилиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг яна бир саммити тарих саҳифаларидан жой олди. Нуфузи ортиб, фаолият доираси кенгайиб бораётган бу ташкилот дунёнинг энг катта минтақаларидан бирида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг, иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим омилига айланиб бормоқда.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
(«Халқ сўзи» газетасининг 2005 йил 7 июль 130-сонидан олинди).

Абитуриент-2005

ВСЕ РЕШИТСЯ ПОСЛЕЗАВТРА...

10 июля во всех высших военно-образовательных учреждениях пройдут государственные тестовые испытания для абитуриентов



— Особенностью нынешнего набора является увеличение числа поступающих к нам из воинских коллективов, — говорит ответственный секретарь приемной комиссии Ташкентского высшего общевойскового командного училища (ТВОКУ) майор Рохатилла Рахматиллаев. — Наличие у многих из отслуживших срочную службу кандидатов Рекомендаций из воинских частей дает им право на предоставленные правительственными решениями льготы.

Члены комиссии внимательно изучают представленные кандидатами документы, при необходимости связываются с воинскими частями, давшими Рекомендации, чтобы получить еще дополнительную информацию об абитуриенте.

А вот рядовой Шавкат Искандаров служит в этом воинском коллективе — солдат проходит срочную службу в подразделении обеспечения учебного процесса училища. Младший сержант по контракту Жахонгир Хасанов закончил Школу подготовки сержантов Ташкентского военного округа и проходит службу в одной из частей округа. И Шавкат, и Жахонгир надеются стать курсантами ТВОКУ. У обоих за плечами имеется опыт воинской службы, на них надеются их боевые товарищи, которые верят в счастливую звезду этих ребят.

Врач-отоларинголог приемной комиссии Шакир Мавлонов, как специалист, не скрывает удовольствия, осматривая прибывшего из Алтынсайского тумана Сурхандарьинского вилоята Аскарали Хайриллова. Как и все абитуриенты, парень крепко сложен, никаких проблем со здоровьем не испытывает. Ведь недаром он родом из кишлака Алпамыш – здесь растят настоящих богатырей!

Вот и председатель медицинской комиссии училища подполковник медицинской службы Саиб Муродалиев лестно отозвался об отобранном отделами по делам обороны контингенте.

— Твердо проводимая в нашей стране политика оздоровления нации дает свои положительные результаты, — говорит он. — Отрадно видеть и то, что объявление нынешнего года – Годом здоровья – отразилось самым наилучшим образом на этих юношах.

А тем временем прошедшие медицинский осмотр ребята активно знакомятся с курсантами, расспрашивают их о порядках в училище. Курсанту третьего курса Шавкату Норбоеву есть чем поделиться с абитуриентом Бахтиером Базаровым. Хотя и Бахтиеру есть о чем рассказать своему новому другу – парень отслужил срочную в Пограничных войсках, то есть представление об армейской жизни имеет самое непосредственное.

Судьбе было угодно так распорядиться, что курсант повстречал в рядах абитуриентов не только новых, но и старых друзей. Например, с Борисом Пардаевым они вместе закончили в 2002 году специализированный военный лицей в Самарканде. Шавкат выбрал ТВОКУ и поступил, а вот Борису не удалось поступить в Чирчикское высшее танковое командно-инженерное училище. И он на сей раз решил пойти по стопам товарища.

Кстати, среди тех, кто в этом году решился поступать в это военное училище, есть и парни, прошедшие месячные сборы в мобилизационном призывном резерве (МПР). Например, Бекзод Баймурадов отважился на выбор полной тревог и забот профессии офицера именно после сборов в МПР.

Что ж, ждать этим молодым людям осталось совсем немного. 10 июля будут проведены государственные тестовые испытания, которые и назовут лучших из лучших, кому будет доверено продолжать славные воинские традиции наших Вооруженных Сил. Об этом абитуриенты узнают 15 июля.

Майор А.АЙНАТДИНОВ.
Фото **К.СЛАВИНА.**

НАВСТРЕЧУ 14-й ГОДОВЩИНЕ НЕЗАВИСИМОСТИ

НЕЗАВИСИМОСТЬ – НЕ ДАР НЕБЕС

Мы стоим у порога 14-й годовщины независимости. Независимая Родина. Независимый курс развития. Суверенитет. Свобода. К этим понятиям мы уже давно привыкли. Они стали неотъемлемой частью нашей жизни, менталитета. А независимая Родина открыла перед нами все двери и все дороги. Мы привыкли к независимости, как к навсегда данному нам благу, и с легкостью воспринимаем все, что с ней связано.

Но давайте немного отвлечемся от событий сегодняшнего дня и бросим ретроспективный взгляд на пройденные годы. И что мы увидим? Уже в последней четверти XX века история как-то незримо, исподволь подвела к иному пониманию мира и вынесла два безапелляционных вердикта: первый – оправдательный, о приоритете и преимуществах рыночной экономики, и второй – обвинительный, о неизбежности развала бывшего Союза. Основная причина того и другого – прежде всего экономическая, но и социальная – стремление народов к лучшей жизни.

Экономика и социальная сфера, нередко с беспощадной резкостью, ставят перед государствами и человеческим обществом такие проблемы, решение которых идет через слом, распад, кардинальную реконструкцию и модернизацию, через сердца людей, слом их жизненных устоев и представлений.

Так оно и произошло. Что мы имели в конце 80-х – начале 90-х годов? Социально-экономические проблемы накапливались, не решались годами. Особенно у наших сельских тружеников. На небольшом пятачке земли жило несколько поколений семей. Если учесть ухудшение жизненного уровня людей, живущих на благодатной земле, которая могла давать три урожая в год, ущемление, а кое-где и игнорирование национальных традиций и уклада жизни, засилье монополии хлопка, от которого дехканин как производитель не получал необходимого дохода, становятся ясными устремления народа к независимости, к свободе от диктата центра.

Другими словами, идея независимости вызревала в народе. А вынашивалась, обосновывалась и ставилась на реальную почву ее лучшими представителями, верными сынами народа. **И когда 31 августа 1991 года Президент Ислам Каримов провозгласил независимость страны и день 1 сентября объявил праздником – Днем независимости, – это было воспринято всем народом как важнейшее историческое завоевание, как начало нового этапа, новой эры в жизни страны, как изначальная точка отсчета нашей новейшей истории.**

Не будем забывать, что это исторически значимое событие свершилось потому, что в наших генах, в нашей крови течет заложенное самой природой свободомыслие великих предков, великих мыслителей Востока – Ибн Сино, Имама аль-Бухари, Ат-Термези, Ахмада Яссави, Джалолиддина Мангуберди, Амира Темура, Бабура, Алишера Навои. А также неугасимый дух свободы борцов национально-освободительного движения – Абдуллы Кадыри, Фитрата, Чулпана, Бехбуди, Усмана Насыра и других достойных сынов нашего народа. Их свободомыслие, честность помыслов, вера в торжество справедливости и несгибаемая воля, патриотизм и готовность пожертвовать собой за интересы народа и родную землю и сегодня вдохновляют нас на добрые и благородные дела во имя родной Отчизны.

В чем значение нашей независимости?

Во-первых, в том, что народ Узбекистана стал подлинным хозяином огромных богатств, которыми обладает наша страна. По своим природно-сырьевым ресурсам она занимает одно из ведущих мест в мире. Уже сегодня выявлено более 2,7 тысячи месторождений и перспективных рудопроявлений различных полезных ископаемых, включающих около 100 видов минерального сырья, из которых более 60 уже вовлечены в производство. Общий минерально-сырьевой потенциал оценивается более чем в 3,3 триллиона долларов США. По запасам золота наша республика занимает четвертое место в мире, по его добыче – седьмое, по производству хлопковолокна – четвертое, по его экспорту – второе, по запасам урана и меди – соответственно, седьмое и десятое.

Наша страна обладает уникальными топливно-энергетическими ресурсами. Разведанные запасы газа составляют около двух триллионов кубометров, угля – свыше двух миллиардов тонн. Имеется около 160 месторождений нефти. Разведаны 20 месторождений мрамора, богатейшие запасы фосфоритов. На территории Узбекистана имеются все химические элементы таблицы Менделеева.

Во-вторых, обретение Узбекистаном независимости позволило в кратчайшие сроки провести структурную перестройку экономики. Сегодня индустриальное лицо республики определяют такие гиганты, как Асакинский автомобильный завод, «Заравшан – Ньюмонт», Бухарский нефтеперерабатывающий и Кунградский содовый заводы, СамКочавто, реконструированный Ферганский нефтеперерабатывающий завод, Ходжабадское подземное хранилище газа, комплекс нефтяных месторождений Кокдумалака, Кызылкумский фосфоритный комбинат, разработки на Тюбеганском месторождении калийных солей, десятки новейших предприятий легкой и пищевой промышленности.

В-третьих, обретение Узбекистаном независимости и его международное признание означает, что Узбекистан отныне проводит самостоятельную внутреннюю и внешнюю политику, исходя из национальных интересов, на основе всемерного учета, сложившегося уклада жизни, традиций, обычаев и навыков народа, имеющего огромный ресурсный потенциал. События в Андижане еще раз продемонстрировали всему миру независимый курс Узбекистана в решении своих внутренних и международных проблем. При этом особо подчеркнем неординарный, самостоятельный, независимый характер действий нашего Президента в столь критической ситуации. Надо обладать недюжинными способностями и выдающимися человеческими достоинствами, быть мужественным и беспредельно любить свою Родину, чтобы вот так независимо вести себя в диалоге с политическими деятелями западного мира. Он спокойно, аргументированно, с фактами, с высоким достоинством давал достойную отповедь своим оппонентам. Эта позиция Президента одобрена и единодушно поддержана всем нашим народом.

В-четвертых, независимость создала благоприятные возможности для расцвета культуры, укрепления духовности, возрождения нетленных традиций наших великих предков, для расцвета науки, литературы и искусства. За годы независимости мы подняли к жизни огромный пласт мировой культуры, о котором ранее знали лишь единицы, возродили исторические, национальные и духовные ценности и традиции, четко определили роль и место нашей религии в духовном становлении личности и общества.

В-пятых, независимость создала благоприятные условия для кардинального реформирования системы власти, углубления демократии. За годы независимости создана принципиально новая система обустройства и управления государством и обществом, экономикой, финансами, производственной и социальной инфраструктурой. Переход к двухпалатному парламенту явился важной вехой на пути углубления демократических процессов в стране. В центре и на местах создана сильная государственная власть. В стране господствуют право и закон.

В-шестых, независимость дала нам возможность для создания собственной национальной армии, отвечающей самым высоким требованиям. Наша армия способна надежно защитить суверенитет страны, ее территориальную целостность, мирную жизнь народа. Она мобильна, хорошо вооружена и профессионально обучена. Наши военнослужащие беспредельно преданы своей независимой Родине, народу и Президенту. В оборонной безопасности, как в зеркале, находит отражение прежде всего военный потенциал страны, приумножение которого – предмет постоянной заботы руководства государства. Это наглядно показал, в частности, и недавний визит главы нашего государства в Российскую Федерацию, во время которого наряду с широким комплексом вопросов обсуждались и проблемы военного и военно-технического сотрудничества.

За годы независимости неизмеримо возросла роль Вооруженных Сил, их значение в жизни общества и государства. За последние годы значительно повысилась ответственность военных кадров за состояние боевой учебы в войсках и прежде всего за повышение профессионального и, в целом, интеллектуального уровня военнослужащих. В жизни войск как никогда возросло значение поиска, творчества, инициативы и новаторства. Командиры, штабы, органы воспитательной работы настойчиво овладевают методами анализа современной военно-политической обстановки в регионе и вырабатывают пути наиболее эффективного решения стоящих задач. Большое внимание уделяется передовым приемам и методам работы, реализации рекомендаций военной науки. Военные кадры решительно освобождаются от шаблона, условностей, готовят личный состав к решению любых задач, поставленных руководством страны, продиктованных необходимостью надежной защиты независимости, территориальной целостности страны и мирной жизни нашего народа.

Мы живем в непростое, противоречивое время, когда все большие масштабы приобретает борьба против международного терроризма, экстремизма и фундаментализма. В этих условиях наш долг и святая обязанность – постоянно повышать бдительность, наращивать изо дня в день боевую готовность нашей армии.

В этой связи как никогда актуально звучит наказ Президента Ислама Каримова: **«Прежде всего надо помнить, что независимость не подарена кем-то нашему народу... Народ добился ее благодаря жизни и деятельности его великих свободолюбивых сынов. Независимость, несомненно, – великое благо. Мы все должны быть достойны ее, защищать и беречь как зеницу ока».**

Анфим ХЛЫЗОВ.

Бугуннинг қаҳрамонлари

ВАҚТИДА БАЖАРИЛГАН ВАЗИФА

Шу йил 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни арафасида Президентимиз Фармонига кўра офицер Толибжон Камолов «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Соат миллари тез ҳаракат қиляпти. Секундлар шиддат билан минутларга айланяпти. Вақт тиғиз. Террорчилар ўрнатган соатли мина портлашига икки соат бор. Сапёрлар тили билан айтганда, жуда хавфли ҳолат. Бундай пайтларда эҳтиёткорлик билан иш тутмоқ зарур. Озгина нотўғри ҳаракат туфайли портловчи қурилма белгиланган вақтдан олдин ўз кучини намоён этиши мумкин. Натижада одамлар қурбон бўлади, уйларга зарар етади. Хуллас, даҳшатли воқеа юз беради. Аслида ана шу минани ўрнатганларнинг мақсади ҳам шу. Тинчликка раҳна солиш, осойишталикка путур етказиш. Шу йўл билан одамлар қалбида ваҳима туғдириш, қўрқув пайдо қилиш. Ўша соатли минани ўрнатган ёвуз кимсалар яна нималарни кўзлаган, қолгани ўзларига аён.

Офицер Толибжон Камолов минани зарарсизлантиришни ўз зиммасига олди. Вақт эса оз қоляпти: бир соату эллик минут. Эҳтиёткорлик билан мина ўрнатилган жойга боргунча яна икки-уч дақиқа ўтди. Шу соҳа мутахассиси Толибжон яхши билади: сапёр бир марта хато қилади, лекин бу хатони кейин тузатиб бўлмайди. Портлаш содир бўлгач...

Майли, ҳозирча портлашни бир четга қўйиб турайлик. Энг муҳими, минани вақтидан аввал зарарсизлантириш зарур. Бир соату қирқ минут вақт қолди.

Бундай чоғ нима қилиш кераклигини сапёрлар яхши билишади. Қурилманинг винтчаси, «юраги»ни суғуриб олиш зарур. Уни олиш осон иш эмас. Бирор асбоб ёки қўл теккизиб бўлмайди. Ўша «юракча»ни тортиб оладиган нарса керак. Дейлик, магнит. Лекин унутманг, магнит ҳам темир. У ҳам портлашни тезлатиб юбориши мумкин. Вақт эса кутиб тургани йўқ. Яна бир ярим соат муддат бор. Камолов роса терга ботган. Бутун танаси жиққа ҳўл. Пешонасидан гўё биров сув қуяётгандек. Шўртак тер юзидан оқиб, оғзига ҳам кирмоқда. Толибжон бир тамшаниб қўйди-да, бутун диққат-эътиборини қилаётган ишига қаратиб, эҳтиёткорлик билан ҳаракатида давом этди. Минанинг винтчасини оддий сақич билан жойидан олди. Бу воқеа мина портлашига бир соату йигирма дақиқа қолганида юз берди. Агар минани жонли махлуққа қиёс этадиган бўлсак, унинг юраги уришдан тўхтади. Даҳшатли кучини намойиш этолмасдан ўлди. Офицер Толибжон Камолов уни ўз вақтида «юраги»ни уришдан тўхтатди, йўқ қилди. Оддийгина айтадиган бўлсак, зарарсизлантирди. Ҳеч кимга зиён етмади, уй қуламади, тинчлик-осойишталик сақланди. Ғаламис кимсаларнинг ғаламис мақсади амалга ошмади.

Бу лавҳа майор Толибжон Камолов фаолиятидан бир шингил, холос. Аслида у ...

Мустақилликка эришганимиздан кейин, ўзингиз ҳам яхши биласиз, тинчлигимизни, қўлга киритаётган ютуқларимизни кўролмаётганлар, бизни танлаган йўлимиздан қайтармоқчи бўлаётганлар, турли ҳийла-найранглар ўйлаб топишмоқда. Хусусан, портловчи моддалардан ҳам фойдаланишмоқда.

– Террорчилар,– дейди майор Т. Камолов, – алюминли кукун, карбит, аммиакли селитра, маргансовка, олтингугурт, сира, дарахт кукуни, шариклар, игна, лезвия, болт, гайкадан портловчи модда сифатида фойдаланишмоқда. Улар бир нарсани яхши билиб қўйсинлар. Замонавий портлатувчи қурилмалардан ёки қўлбола портловчи моддалардан фойдаланиб, тинчликка, осойишталикка путур етказишга минг ҳаракат қилмасин, бизда етук мутахассислар, ўз касбининг устаси бўлмиш сапёрларимиз бор. Ҳар қандай портловчи моддани излаб топиш, зарарсизлантириш қўлимиздан келади.

– Мен, – дейди «Шуҳрат» медали соҳиби шартнома бўйича хизмат сержанти Учқун Тиркашев, – офицер Толибжон Камоловни ўз устозим деб биламан. Хизматда қандай муваффақиятга эришаётган бўлсам, бевосита у кишининг раҳбарлиги, таълим-тарбияси орқали эришяпман.

– Ҳарбий хизматни танлашимга, – дейди «Жасорат» медали соҳиби шартнома бўйича хизмат сержанти Маҳмуд Темуров,– устозим офицер Толибжон Камолов сабабчи. Менда сапёрлик касбига иштиёқ уйғотди. Бундан беҳад миннатдорман.

– Қуролли Кучларимиз учун, – дейди Мудофаа вазирлиги масъул ходими подполковник Ваҳобжон Расулев, – сапёр кадрлар тайёрлашда офицер Т. Камоловнинг хизмати катта эканлигини таъкидлаш керак.

Майор Толибжон Камолов қорачадан келган, бўғдойранг йигит. Бўйи бир метру етмиш сантиметр, оғирлиги тўқсон килограмм. Эркин кураш, қўл жангидан биринчи разряди бор. Энг муҳими, ўз касби сирсиноатларини пухта ўзлаштирган, ҳаракатлари чаққон ва тез. Ёши энди ўттиздан ошди. Элимизни, ватанимизни жондан ортиқ севади. Ватан ҳимоячиси, деган шарафли касбни янада улуғлашга чоғланганлардан.

Халқимиз ана шундай ўғлонлари борлигидан фахрланади.

Подполковник А. АЗИЗОВ.
Камолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.

АДОЛАТ ОФТОБИ

1. МУСТАҚИЛЛИК БИЛАН ҲАМНАФАС

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тарих ўз ҳукмини ўқиди: шундай воқеа содир бўлди.1991 йил 31 августда зулм салтанатига барҳам берилди. Ўша куни биз яшаётган муқаддас заминга, муқаддас юртга адолат қуёши балқиб чиқди. Мангуга чиқди. Шу кундан эътиборан юртимизга, Ўзбекистон деган мустақил давлатга тенглик келди, ўзаро ҳурмат, қадр келди, эркин ўйлаш, завқ билан ишлаш, ширин даврон суриш келди. Оҳ, бу кунни қанчалар соғинганмиз!

Худди ўша куни Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёноти қабул қилинди.

Бу ҳужжат – жуда катта ҳужжат. Халқимиз, давлатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга – ҳужжат. Бу ҳужжатнинг кучи чексиздир. Бу – АДОЛАТ ҳужжати! Бу – халқимизнинг қувончи, шодлигидир. Шодлиги, қувончи бўлганда ҳам энг олийсидир!

Ўн тўрт йил, тарих нуқтаи назаридан, қисқа муддат. Бироқ ана шу қисқа муддат ичида, мустақиллик йилларида мамлакатимизда асрга татигулик улкан ишлар амалга оширилди. Қайси соҳага қараманг, ўсиш, ривожланиш, олдинга қараб шаҳлам қадам ташланмоқда.

Иқтисодиётимизда жиддий муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Ғалла мустақиллигига эришдик. Ўзбекистон ўз автомобилсозлик саноатига эга бўлди. Халқимиз бунёдкорлик ишлари билан банд. Равон йўллар, мустаҳкам кўприклар, кўркам иншоотлар қад ростламоқда.

Маълумки, мудофаа соҳасидаги мавжуд ва эҳтимол тутилган таҳдидлар биздан мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини самарали ва ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, тезкор, жанговар қобилияти юксак, ҳар жиҳатдан яхши таъминланган Қуролли Кучларни шакллантиришни тақозо этарди. Бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларимиз ҳам ўз самарасини берянти. Бугунги Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилишаётган Ватанимиз ҳимоячилари жанговар шайлик, касбий маҳорат борасида ҳеч кимдан кам эмас, ҳеч кимдан кам бўлмайди ҳам.

Бироқ шу ерда эслаб ўтиш жоиз, 1991 йилнинг август ойида таҳликали воқеалар содир бўлган эди: Москвада ФҲДҚ бош кўтарди. Буни ўша воқеаларни бошидан ўтказганлар жуда яхши билишади. 1991 йил 18 август куни Москвада марказий бошқарув ва ҳарбий идораларда энг юқори лавозимларни эгаллаб ўтирган бир гуруҳ амалпараст, фитначи шахслар СССРнинг амалдаги президенти М. Горбачёвни ўз вазифасидан четлатиш учун давлат тўнтариши уюштирган ва бутун ҳокимият ФҲДҚ – Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси тасарруфига ўтди, деб эълон қилган эди.

Вазият жуда қалтис эди. Агар тўғри йўл танланмаса, халқ бошига оғир кунлар тушиши тайин эди. Ана шундай қалтис бир вазиятда Юртбошимиз тўғри йўл тутди. Аввалambor, юртимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш чора-тадбирлари кўрилди. Ҳар хил сиёсий ўйинларга қўшилмади.

«Айнан шу воқеалар ва ундан кейин бизга, Ўзбекистон олиб бораётган мустақил сиёсатга қарши биллирилган огоҳлантириш ва дўқ-пўписалар, амалда намойиш этилган тазйиқлар, бир сўз билан айтганда, – дейди Президентимиз,– Ўзбекистонни ўзи танлаган тараққиёт йўлидан қайтаришга қаратилган жиддий ҳаракатлар — миллий армиямизни шакллантириш ҳақидаги фикр ва мақсадларни уйғотишга ва бу борада амалий ишларга ўтишга сабаб бўлди, десам, ҳақиқатни айтган бўламан».

1991 йил 31 августда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 сентябрдаги Фармонига асосан Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги Қарорига мувофиқ Мудофаа ишлари вазирлигининг ҳуқуқий мақоми тузилиши ва Низомлари тасдиқланди. Бу тўғри ва ўз вақтида қилинган иш бўлди. Ана шу тўғри ва ўз вақтида қилинган иш туфайли Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги давлат ҳарбий машинаси барбод бўлишининг олди олинди ва бошқа давлатлар ҳудудида хизмат қилаётган Ўзбекистон фуқаролари бўлмиш ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш таъминланди.

1992 йил бошиданоқ ҳарбийлар учун қутлуғ келди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг шу йили 14 январдаги Қарорига мувофиқ республика ҳудудида жойлашган собиқ иттифоқ Қуролли Кучларининг барча қисмлари, ҳарбий билим юртлари, муассаса ва ташкилотлари ҳамда бошқа ҳарбий қисмлари Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олинди ва улар моддий техника ва маблағ билан таъминланадиган бўлди.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари вужудга келди.

Демак, ўзбекнинг ўз армияси пайдо бўлди!

Шу боис ҳам, 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни, деб эълон қилинди. Байрам сифатида қонунлаштирилди. Байрамлар сафига яна бир улуғ байрам қўшилди. Ҳарбийлар байрами. Ҳарбийлар кимлар? Йигитларимиз, эркакларимиз! Шундоқ бўлгач, бу уларнинг байрамидир.

Аслида, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро Ватан ҳимоячисидир. Шундай бўлгач, бу байрам бутун халқнинг байрамидир.

Азалдан маълумки, қонун бор жойда тартиб-интизом бўлади, ривожланиш бўлади, адолат бўлади. Чунки қонун давлат ва халқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади ва ҳаётга татбиқ этилади.

Шу йили июль ойида бўлган сессияда Қуролли Кучлар учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонунлар кўриб чиқилди ва қабул қилинди. Ҳарбий қасамёднинг янги матни ва қасамёд қилдириш тартиби билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳуқуқий базасига асос солинди.

Орадан ҳеч вақт ўтмасдан, декабрь ойида бўлиб ўтган сессияда давлатимизнинг Асосий Қонуни – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Конституциянинг 26-боби мудофаа ва хавфсизлик масалаларига бағишланган. Асосий Қонунимизнинг 125-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади», дейилган. Шу бобнинг 126-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларига эга», деб кўрсатилган.

Асосий Қонун билан Қуролли Кучлар ҳуқуқий базаси янада мустаҳкамланди.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Абдуғаниевич Каримов шундай таъкидлайди:

«Бугун биз яқин ўтмишимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан, миллий армиямизни барпо этиш жараёнлари Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиш тарихи билан узвий боғланган, деб айтишимиз мумкин».

Юқорида баён этилганлардан хулоса чиқариб, 1992 йил ҳарбийлар йили бўлди, десак ҳам хато бўлмайди.

1992 йилда Қуролли Кучларимиз – ўз миллий армиямиз вужудга келди.

Асосий Қонунимиз – Конституция қабул қилинди.

Қуролли Кучларимизнинг ҳуқуқий базаси яратилди.

Шукурлар бўлсинки, бугун ўзбек ўғлони, ўзбек аскари ўз армиямизда Ватаннинг ишончли посбонидир.

Шунисн қувончлики, Ўзбекистон аскари – тинчлик посбонидир! У ҳар куни ўз касбий маҳоратини фақат тинчликни сақлаш, она Ватанини ташқи ғанимлардан ҳимоя қилиш, мустақилликни янада мустаҳкамлаш йўлида оширяпти!

Юртбошимиз давлатчиликни шакллантириш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасида тўхталиб, шундай деган эди: «Миллий армия – Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ташкил этилиши миллий давлатчиликни қарор топтириш йўлидаги ғоят муҳим ютуқ бўлди».

Дарҳақиқат шундай, армиямиз – бизнинг ютуғимиз, бизнинг фахримиз, бизнинг қувончимиздир.

Подполковник Абдураззоқ ОБРЎЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Сержантлар мактаби тўрт ёшда

ПРОФЕССИОНАЛЛАР ТАЙЁРЛАЁТГАН МАСКАН

Чирчиқ шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактабида шу мактаб ташкил топганлигининг тўрт йиллигига бағишлаб байрам тантанаси бўлиб ўтди. Ўтган тўрт йил мобайнида ушбу даргоҳда амалга оширилган ишларга қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, аввало мактабда замонавий услубдаги улуғвор ва кўркам иншоотларнинг қад кўтариши қувонарли ҳолдир. Бу ҳам бўлса, давлатимизнинг миллий армиямиз равнақига, Қуролли Кучларимиз сафларидаги посбонларнинг профессионал шакллануви қаратаётган катта эътиборидан далолат. Шунингдек, мактабдаги кескин ўзгаришларга бошчилик қилиб, ушбу даргоҳнинг ўқитувчи ва офицерларига етакчилик қилиб келаётган сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғи полковник Назиржон Саидовнинг номини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим, деб биламан. Айни дамда, бу ерда курсантлар юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли, жанговар ва ижтимоий-сиёсий билимларни мукаммал эгаллаган етук Ватан ҳимоячилари бўлишлари учун етарли даражада ўқув моддий базасига, юқори малакали, тажрибали ўқитувчилар ва замонавий жиҳозланган синф хоналарига эга. Мана шундай шароитда ҳарб илмидан таълим ва тарбия олаётган курсантларимиз мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган ҳар бир ижтимоий-сиёсий жараёнларга эътибор билан ёндашишади. Масалан, яқинда давлатимиз герби қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишлаб, тарбиявий ишлар бўлими офицерлари подполковниклар – Рисбек Шамбетов, Бахтиёр Чориев, Шавкат Бобомуродовлар ташкилотчилиги остида курсантлар ўртасида «Давлатимиз герби – бизнинг ғуруримиз» мавзусида интеллектуал заковат ўйини ўтказилди. Ўйин жараёнида курсантлар давлатимиз рамзлари тўғрисида чуқур билимга эга эканликларини намоён этдилар. Заковатчилар орасида взводи командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари катта лейтенант Нодирбек Холиқовнинг шахсий таркиби ўйиннинг мутлақ ғолиби деб топилди. Ўйиннинг яна бир қизиқарли томони курсантларнинг бадиий-ижодкорлик йўналишидаги чиқишлари бўлди. Бунда ёш қаламкаш, курсант Мурод Жўраевнинг севимли газетамиз «Ватанпарвар»га бағишланган «Ватанпарвар» шеъри барчанинг олқишига сазовор бўлди.

Сенинг ҳар бир мақолангга интизорман,
«Ватанпарвар».
Ҳар бир нашрнинг рўёбига бахтиёрман,
«Ватанпарвар».
Сен ҳарбийлар фикр нури, сен ҳарбийлар
чин ғурури,
Минг шукурки, бу неъматга сазоворман,
«Ватанпарвар».

Майор Фазлиддин НАРЗУЛЛАЕВ,
Тошкент ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактаби ўқитувчиси.

КАМОЛНИНГ КАМОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Менинг отам Эргаш Мурадов ҳам ўз даврида республикамизда донғи кетган полвон бўлган. У собиқ Иттифоқ миқёсида эркин ва миллий кураш бўйича ташкиллаштириладиган турнирларда иштирок этиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келган. Дадамдаги курашга бўлган бундай юксак иштиёқ ўз-ўзидан менга ҳам ўтган. 5-6 ёшимдан дзюдо билан шуғулланишдим. Менинг жаҳон чемпиони даражасига кўтарилишимни устозим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Рустам Тўраевнинг йиллар мобайнида олиб борган тинимсиз машғулотларининг маҳсули деб биламан. У кишининг ёрдами билан 1987 йилда Чирчиқ Олимпия ўринбосарлари мактаби (ҳозирги Олимпия захиралари коллежи)га ўқишга кирдим. У ерда – Дмитрий Соловёв, Сарвар Мурадасилов, Юрий Ким сингари тажрибали мураббийлар кўмаги билан янада ўз тажрибамни бойитдим.

– Ака-укаларингизнинг ушбу спорт турига муносабати қандай бўлган?

– Кураш билан оиламиздаги ўғил болаларнинг деярли ҳаммаси шуғулланишган. Чунки спортнинг ҳар бир инсон ҳаётидаги ўрни ниҳоятда муҳим. Акаларим Ҳалил ва Жалил спорт устаси. Улар республика миқёсидаги турнирларда иштирок этиб совринли ўринларни қўлга киритишган. Аммо укам Учқуннинг маҳорати ниҳоятда тенгсиз эди. У ёш бўлишига қарамасдан МДҲ ва Осиё минтақасидаги халқаро мусобақаларда қатнашиб, кўпчиликнинг назарига тушган эди. Ҳатто, мураббийлар келажакда Учқуннинг машҳур спортчи бўлишини башорат қилишганди. Афсуски, тақдирида бу кунларни кўриш насиб этмаган экан. Бедаво касал Учқунни орамиздан олиб кетди. Ҳозир унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Чирчиқ шаҳрида ҳар йили анъанавий мусобақа уюштирилиб келинмоқда...

– Ҳарбий бўлиш сизнинг орзуингизмиди?

– Мен муддатли ҳарбий хизматни 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий спорт клубида ўтаганман. Ўша пайти менга шу ерда хизматга қолишни таклиф қилишган. Бу касб ўзимга ёққанлиги боис ҳам рад этмаганман. Ҳозир бу ерда МҲСК спорт маркази бошлиғиман. Бундан жуда хурсандман. Умуман армия мен ўзимни спортчи сифатида янада намоён қилишимга имконият яратди. Бир қанча халқаро турнирларда иштирок этиб совринли ўринларни қўлга киритдим. Бутунжаҳон Қуролли Кучлари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатларида иштирок этиб, жамоа ҳисобида ҳам фахрли ўринларни банд этганмиз. Жумладан, 1997 йил Дуброва (Хорватия) шаҳрида жамоа ҳисобида 3-ўрин, 1998 йил Санкт-Петербург шаҳрида ҳам яна учинчи ўринни эгаллаганмиз. Ўтган йил АҚШдаги муваффақиятимизни ҳам таъкидлаш жоиз.

– Илк ғалабангизни эслай оласизми?

– Ҳаётда бундай қувончни эсдан чиқариб бўлмайди: кечагидай эсимда, 1981 йил дзюдо бўйича Олот тумани биринчилигида иштирок этиб, 7 ёшимда илк зафаримни қучганман. Бу мен учун ниҳоятда қувончли воқеа бўлган. Ундан кейин эса тажриба орттириб, қатор республика миқёсидаги мусобақаларда ғолиб бўлганман. Очиғи, ҳозир уларнинг ҳаммасини ҳам эслай олмайман. Булардан ташқари, халқаро турнирларда, Олимпия ўйинларида ҳам қатнашганман.

– Спортнинг бошқа турлари билан ҳам шуғулланасизми?

– Юқорида таъкидлаганимдек, дзюдо ва курашни бирга олиб бораяпман. Бундан ташқари эрталаб енгил атлетика, бўш вақтларимда тош кўтариш билан шуғулланаман. Албатта, бу спорт турлари билан бирон-бир мусобақада иштирок этмаганман. Фақат ўзимнинг соғлиғим учун.

– Ҳарбийлар ҳаётида спортнинг ўрни қанчалик муҳим деб ўйлайсиз?

– Ҳарбийлар учун спорт ниҳоятда муҳим. Чунки спортсиз армияни тасаввур қилиш қийин. Ҳарбийлардан аввало интеллектуал салоҳият билан бир қаторда жисмоний тайёргарлик талаб қилинади. Жисмоний чиниқмаган инсон қандай юрт посбони бўлиши мумкин? Ўзини ҳимоя қила олмаган киши қандай қилиб юртини ҳимоя қила олади?

– Шогирдларингиз ҳам борми?

–Ҳозирча шогирд тайёрлаганим йўқ. Энди устозликка ўтаяпман, десам ҳам бўлади. Яқинда шогирд тайёрлашни ўзимга ният қилдим. Ниятим, мен тайёрлаган шогирдлар халқаро ареналарда рақибларига муносиб қаршилик кўрсатиб, юртимиз довруғини, шуҳратини бутун оламга ёйишса. Ўйлайманки, ишонч билан шогирд танлаб унга меҳнат сингдирсангиз, у ишончингизни албатта оқлайди.

– Сизнинг фикрингизча, спортчи рақибни доғда қолдириш учун кўпроқ нимага эътибор бериши лозим?

– Жисмоний кучга, техник ва тактик тайёргарликка кўпроқ эътибор бериш керак. Спортчи жисмонан бақувват бўлгани билан унда курашга тушиш тажрибаси бўлмаса, у ғолиб бўла олмайди. Яна спортчи ушбу тайёргарликлар билан бирга рақиб билан учрашиши олдидан руҳий тайёргарликка ҳам эътибор қаратиши керак. Бу мусобақада яхшигина ўз самарасини беради.

– Республикамизда кураш бўйича илк бора жаҳон чемпионати ўтказилганда, биринчи жаҳон чемпиони сифатида тарих зарварағида номингиз қайд этилди. Бу сиз учун тасодифми ёки имкониятларингиз шу даражада чексиз эдими?

– Бу мен учун ҳеч қандай тасодиф бўлмаган. Жаҳон чемпиони даражасига эришиш учун анча тер тўкканман. Ўшанда элликта давлатдан спортчилар қатнашган. Мен йиллар мобайнида халқаро мусобақалар, Олимпия ўйинларида иштирок этиб, ўз тажрибамни оширган ҳолда, олтин медалга сазовор бўлдим. Чунки ҳаётдаги энг асосий орзуларимдан бири ўшанда ушалганди.

– Ҳозир республикамизда спортнинг кураш турига аёлларнинг қизиқиши ҳам ниҳоятда юқори. Гўзаллик рамзи бўлган аёлларнинг курашдаги иштирокини сиз қандай баҳолайсиз?

– Тўғри, диёримизда азалдан кураш билан фақат эркаклар шуғулланиб келган. Ҳозир аёллар барча соҳада ўз ўрнини яратмоқда, жумладан, спортда ҳам. Жаҳон миқёсида кузатадиган бўлсак, дунёнинг барча давлатларида дзюдо бўйича аёллар иштироки кучли. У аёлларни бугун нафақат уй бекаси, балки жаҳон чемпионлари сифатида ҳам кўришимиз мумкин. Бунинг ҳеч қандай ёмон жиҳати йўқ. Аёллар учун ҳам жуда муҳим.

– Ўзбекистон дунёда қайси спорт турида етакчи деб айта оласиз?

– Диёримизда яккакураш турлари бўлмиш кураш, дзюдо, бокс, каратэ ниҳоятда ривожланган деб ўйлайман. Эътибор бериб, халқаро миқёсдаги турнирларни кузатсангиз, бу яққол кўзга ташланади. Кейинги пайтда бу турларга спортнинг бошқа турлари ҳам аста-секин кириб бормоқда.

– Ўзбек миллий спорт турларидан яна қайси бири кураш сингари жаҳонда оммалашади дея айта оласиз?

– Кейинги пайтда юртимизда Турон спорт тури, Фарғонача кураш ҳам ривожланмоқда. Улар ҳам келажакда халқаро даражага чиқиши мумкин.

– Ҳозирда болаларнинг билиб-билмай ҳар хил спорт турлари билан шуғулланиши орқали варикоз сингари турли касалликларга чалиниши содир бўлмоқда. Умуман, кураш билан шуғулланмоқчи бўлган бола кўпроқ нималарга эътибор бергани маъқул?

– Аввало болаларнинг ўзига боғлиқ. У жисмоний машғулотлар билан шуғулланишга тайёр бўлса, беш-олти ёшидан спортга ошно тутиниши мумкин. Баъзилари саккиз-тўққиз ёшидан шуғуллана бошлайди. Аввало боланинг хоҳишига қараб, уни бирор спортга қўйиш керак. Ҳеч қачон ота-она ўз хоҳишлари билан боласини мажбурламаслиги керак. Боланинг ўзида қизиқиш бўлиши керак. Кураш бола танламайди. Қизиқиши бўлган бола ушбу спорт тури билан шуғулланиши мумкин. Албатта, соғлиғи тўғри келса.

– Ватан, ватанпарварлик туйғуларини сиз қандай ҳис қиласиз?

– Албатта, бирон турнирда ғолиб бўлиб, шоҳсупага кўтарилганда, мадҳиямиз садолари остида юртимиз байроғи мағрур сарбаланд бўлса, хаёлингда ўз туғилиб ўсган диёринг гавдаланади. Бундаги ҳаяжонни сўз билан таърифлаш жуда қийин. Ҳар қандай инсон бўлсин, Ватани, мадҳияси янграб, байроғи ҳилпираганда юраги ҳапқириб, ҳаяжонга тушади. Бу айниқса, ўз юртингдан олисда, қоракўз, самимий халқингни соғинганингда янада бошқача намоён бўлади.

«Ватанпарвар» мухбири Комилжон ҲАСАНОВ суҳбатлашди.

ТАМАДДУН БЕШИКЛАРИДАН БИРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жаҳон тараққиётининг ХХ асри охирида ўз мустақиллигига эришган халқлар янги юз йилликка қандай онг, қандай мафкура билан кириб боради? Бу даврда уларнинг маънавий қараши ва нуқтаи назарлари нимадан иборат бўлади? Кундан-кунга ўзгариб, ғоят мураккаблашиб бораётган жаҳон ҳамжамияти тизимидан бу қарашлар ўзига муносиб ўрин топа оладими? Уларнинг халқаро тажрибалар ва демократик тамойиллар билан уйғун ривож топиши учун нималарга эътибор бериш керак?, – каби бир-биридан, долзарб ва мураккаб бўлган саволлар кенг жамоатчиликнинг диққатини тортмоқда. Бундай масъулиятли саволларга жавоб излашда, албатта ижтимоий тараққиёт учун наф келтирадиган томонлари эътиборда туриши зарур. «Мустақиллик» ва «ҳамкорлик» тушунчалари ўзаро узвий алоқада бўлган тушунчалардир. Давлат мустақиллигининг асосий шартларидан бири, жаҳон ҳамжамияти билан бўлган ҳамкорлик алоқаларини ихтиёрий равишда мамлакат манфаатларини кўзлаган ҳолда олиб боришдир.

Бинобарин, ҳамкорлик қилиш масалалари минтақа халқларининг қадим-қадимдан қолган мероси бўлиб ҳисобланса-да, бугунги ҳамкорлик муносабатларининг туб моҳияти эркинликка асосланган бўлиб, унинг юки ва масъулияти ниҳоятда салмоқлидир. Маълумки, Марказий Осиё умумжаҳон тамаддуни бешикларидан бири ҳисобланиб, унинг ривож топган маданияти ва бой тарихини бутун жаҳон тан олмоқда. Ўлкамизда қадим маданиятнинг яратилишида унга шу маконда яшаган кўплаб этник гуруҳлар, эл-элатлар ўз улушини қўшган. Бу – табиий ҳол, чунки ҳеч қачон, ҳеч қаерда фақат бир элат ёки миллатга мансуб маданият бўлган эмас. Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва бир-бирига бўлган самарали таъсирининг маҳсулидир. Эндиликда олимлар археологик қазилмаларга асосланган ҳолда, бу ҳудудни одамзоднинг илк аждодлари макон топган минтақалар қаторига киритмоқдалар. Кишилик тарихида цивилизация илк бор қарор топган бу минтақа бутун инсониятнинг тараққиётида маданий ва хўжалик, ихтирочилик ролини ўйнаган.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида бу ўлкада қадимги шаҳар маданияти ўзининг чуқур маҳаллий илдизига эга эканлиги исботланди. Илк бора бронза давридаги ипакчилик ва пахтачиликка оид ашёлар ва зардуштийлик динига мансуб оташпарастлик ибодатхонаси топилди. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да Марказий Осиё халқларининг ибтидоий ва қадимий илоҳий тасаввурлари, коинот, ердаги ҳаёт, дунёнинг яратилиши билан боғлиқ тушунчалар, афсона ва ривоятлар, фалсафий-ахлоқий қарашлар ўз ифодасини топган. Бу мўътабар, қадимги қўлёзманинг яратилганига уч минг йил бўляпти. Забардаст авестошунос олим Лоуренц Миллз ўзининг «Зардушт гоҳлари» китобида (Лейпциг, 1895) «Авесто маънавиятнинг энг қадимий тарғиботчисидир», деб кўрсатиши бежиз эмас. Ана шу «Авесто» китобида ёзилишича, «берган сўзнинг уддасидан чиқиш, унга содиқ қолиш, савдо-сотиқ ва шартномаларга қатъий амал қилиш, қарзни ўз вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан холи бўлиш имонлилик аломатидир», – дейилганлиги барча замондошлар ва халқлар учун ҳам ибратлидир.

Бизга маълумки, ҳар қандай давлат тузумининг шаклланишида ёзувнинг мавжудлиги катта аҳамият касб этган ва давлатни бошқаришда ана шу ёзувдан фойдаланганлар. Археологик илмий изланишлар эса ёзувнинг ҳудудимизда биринчи бор милоддан аввалги IV-III асрларда пайдо бўлганлигидан гувоҳлик беради. Марказий Осиёнинг ана шу қадимги ёзувлари фанда «Сўғд ёзуви», «Бақтрия ёзуви», «Хоразм ёзуви», «Ўрхун-Енисей ёзуви», «Уйғур ёзуви» номлари билан маълум. Ўлкамиз халқлари V-VI асрларга келиб, миллий давлатчиликка асосланган Буюк Турк ҳоқонлигини вужудга келтирдилар. Бу даврда туркий адабий тил ҳам шаклланди ва ушбу умумтуркий адабий тил ёдгорликлари бизгача тошбитиклар ва бошқа матнларда етиб келди.

Шарқ халқларининг ўрта асрлардаги илғор маданияти, дунёвий турмуш тарзи ва қадриятларининг равнақи Марказий Осиё минтақасидаги тараққиётга асос солди ва шу орқали жаҳон цивилизациясига ўз улушини қўшди.

Сўнгги йилларда дунё туб ўзгаришларни бошидан кечирди ва бу жараён давом этмоқда. Ҳозирги дунё ривожидаги глобаллашув жараёни турмушнинг барча соҳаларида тобора яққол сезилмоқда, чунки одамларнинг ўзаро муносабатларидаги муштарак жиҳатлар кишилик тараққиётининг асосий омили даражасига кўтарилди. Масалан, телекоммуникация алоқаларининг ҳозирги аҳволига бир эътибор беринг. Интернет орқали дунёнинг хоҳлаган нуқтаси билан бир зумда алоқа ўрнатилиб, зарур маълумотлар олинади ва шу билан мисли кўрилмаган даражада вақт тежалади, демакки, меҳнатимизнинг унуми ниҳоятда ортади. Агар Европа Иттифоқи тараққиётига назар ташлайдиган бўлсак, ХХ аср охирларида миллий чегараларнинг аҳамияти аста-секин камайиб бораётганлигини кўрамиз. Аммо бу «миллат» тушунчасининг аҳамияти пасайиб бораётганини англатмайди. Аксинча, бу инсоният олдида турган тўсиқларни енгиб ўтишида ҳамкорликнинг янги, юқори даражасидир.

Тараққиётнинг дунё миқёсидаги ўсиши ҳамда тарихий синалган кўпқиррали муштаракликка асосланган давлатларнинг кенгайиб бораётган минтақавий ҳамкорлигида ўзаро уйғун тамойиллар муҳим хусусият касб этмоқда. Бундай ҳамкорликнинг омил ва йўналишлари ранг-баранг ва хилма-хилдир. Ҳамкорлик ҳақида ўйлаганда, Колумбия университети профессори Эдвард Оллвортнинг 1990 йилда нашр эттирган «Замонавий ўзбеклар» номли китобидаги хотима беихтиёр ёдга тушаверади: «Ўзбекларда замон бор, сабр-чидамлилик бор, қолаверса, чексиз қадрқимматлар бойлиги бор. Агар ўзбек дунёси ҳозирги замон зайлига кўра, ўз аъзоларини фақат Ўзбекистон ҳудуди доирасида ўйлашга мажбур қилса, унда яхлит бир ўзбек миллати руҳий жиҳатдан жипслашади. Йўқ, агар ўзбеклар Ўзбекистон ҳудуди ташқарисидаги кенгроқ цивилизацияларни қамраб олишга интилсалар, унда уруғчиликдан баланд бир Ўрта Осиё миллий онг-сезими қайта шаклланади...» Ушбу сатрлар Марказий Осиё халқларининг барчасига ҳам тааллуқлидир, зеро ҳозирги илғор мамлакатларнинг ҳамкорлик фаолиятидаги тарихий тажрибалари шуни тақозо этмоқда. Ҳамкорлик қилиш борасидаги амалий ишларда Марказий Осиёнинг етакчи мамлакати ҳисобланмиш Ўзбекистон давлати ўз олдига мақсад қилиб, минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, эркин бозор муносабатларини кенгайтириш, демократик қадриятларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркини кафолатлаш, фуқароларининг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароит яратиш вазифасини белгилади ва бу йўлдан дадил бормоқда.

Адҳам ИБРОҲИМОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент,
Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти.

ЗАҲМАТКАШ ХАЛҚ, МУҚАДДАС ВАТАН УЧУН КАМАРБАСТАЛИК

Мудофаа вазирлиги раҳбарияти ва республика оммавий ахборот воситалари ходимларининг учрашувлари, энг муҳим, долзарб масалаларни муҳокама этишлари, ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришлари яхши бир анъанага айланиб қолди. Буни шу йилнинг 1 июль куни пойтахтимиздаги Офицерлар марказий саройида Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, матбуот котибияти ҳамда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан бўлиб ўтган навбатдаги давра суҳбати ҳам исботлаб турибди.

– Таъкидлаш жоиз, бундай тадбирлар умумий ютуқларимиз янада кўпайишига, армия ва халқнинг алоқалари, бирдамлиги ошишига, Қуролли Кучларимизда давом этаётган ислоҳотлар, туб ўзгаришлар тарғиботига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда, – деди тадбир ташкилотчиси Мудофаа вазирлиги матбуот котибияти бошлиғи.

Давлатимиз раҳбари Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригида: «Ҳақиқий журналист ким учун хизмат қилади, ким учун жонини жабборга беради, ким учун ҳаётини таҳдид остига қўяди?

Мана шу заҳматкаш халқ учун, унинг ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун. Шу юрт фарзандларининг ёруғ келажаги, бахту саодати учун. Шу табаррук тупроқ, шу муқаддас Ватан учун», дея таъкидлади.

Шу маънода бугунги кунда ҳарбий хизмат сўзда эмас, балки амалда кун сайин обрў-эътиборли касбга айланганлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Дарвоқе, миллий армиямизнинг жамият ва давлат ҳаётидаги роли, ўрни мустаҳкамланиб бораётгани, шу билан бирга ватанпарварлик, юртпарварлик тарбияси доим устувор аҳамият касб этаётгани барчамизга кундек аён.

Халқ орасида обрў-эътибор қозониш учун аввало Ватан, халқ манфаатларини ҳар нарсадан устун қўймоқ, уни ҳимоя қилмоқ керак. Бундай юксак шарафни, бурчни ҳис қилмасдан, мен юртнинг содиқ фарзандиман, деб бўлмайди.

Мухтасар айтганда, дунё, замон таҳликали. Бизнинг тинч-осойишта ҳаётимизни кўролмайдиган, мустақиллигимизга қарши иш кўраётган тоифалар ҳам пайдо бўлиб қолган. Давлатимиз, бутун ўзбекистонликларнинг тақдири, эртанги куни бизнинг бугунги саъй-ҳаракатларимизга, ёшлар ўртасида ғоявий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни қай даражада олиб боришимизга бевосита боғлиқ. Салафларимиз айтгандек, тарбия биз учун айни чоғда ҳам ҳаёт ва мамот масаласидир.

Шу боис ҳам давра суҳбати тарбия масаласига бағишланди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов бошлаб бериб, олиб борилаётган ишлар, келгуси режалар тўғрисида сўзлади. Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши раиси полковник Абдулазиз Абдуқаҳҳоров ватанпарварлик мавзусида қалам тебратаётган журналистлар клубини ташкил этиш ва шу мавзуда танлов ўтказиш таклифини ўртага ташлади.

«Маърифат» газетаси бош муҳаррири Ҳалим Саидов, «Туркистон» газетаси бош муҳаррири Салим Ашуров, «Ҳуррият» газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи Исмат Худоёров, Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Ёшлар» канали мухбири Лобар Пўлатова бундай учрашувлар, мулоқотлар ўз иш фаолиятларида, айниқса Қуролли Кучларда ўтказилаётган ислоҳотлар, ҳарбий хизматчиларнинг фаолиятларини ёритишларида муҳим самара беришларини таъкидлашди.

Мулоқот чоғида Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот нашри «Ватанпарвар» газетаси, шу номдаги телекўрсатув ижодий жамоалари фуқароларимизни, айниқса ёшларимизни халққа, юртга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида, шу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш учун барча имкониятлардан унумли фойдаланишга баҳоли қудрат ҳаракат қилиб келишаётгани хусусида ҳам сўз борди. Бироқ бу борада ҳали қилиниши зарур ишлар жуда кўп. Бунда, албатта, ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

Давра суҳбатини Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Маннобжон Аҳмедов бошқарди ва берилган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

Тадбир сўнгида Мудофаа вазирининг буйруғига мувофиқ Қуролли Кучларда ўтказилаётган ислоҳотларни кенг тарғиб қилаётгани, ишларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшишаётганлиги, касбий маҳорати, ижодий фаоллиги учун оммавий ахборот воситаларининг бир гуруҳ ходимлари қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мазкур мулоқот ҳар бир иштирокчи учун эртага янада жўшқин, илҳом билан ижод қилишига ўзига хос туртки бўлди.

Абдураззоқ БАЙРАМОВ.

ПИСЬМА ЧИТАТЕЛЕЙ

ОТ ВСЕЙ ДУШИ

Много лет являюсь постоянной читательницей газеты «Ватанпарвар». Отрадно отметить, что в этом году газета в корне изменила свое лицо, стала красочным еженедельником. От всей души хочется пожелать творческому коллективу новых находок в работе по улучшению внешнего вида газеты.

Заметно улучшилось и содержание газеты. В ней мы находим материалы о проводимых военных реформах в Вооруженных Силах, о сегодняшнем дне армии. Ребята, которым в недалеком будущем предстоит стать в армейский строй, с интересом знакомятся с ними, взволнованно обсуждают заинтересовавшие их статьи, очерки, корреспонденции.

Считаю, что творческий коллектив редакции вносит заметный вклад в дело повышения бдительности личного состава, укрепления боевой готовности и мощи наших Вооруженных Сил. Оказывает нам большую помощь в воспитании молодежи в духе патриотизма, любви к Родине, верности идеям национальной независимости.

Софья БОГОМАНОВА,
заместитель председателя Учтепинского районного совета ОСО «Ватанпарвар» г. Ташкента.



ЯГОНАСАН, «ВАТАНПАРВАР»ИМ

Ассалому алайкум «Ватанпарвар» газетасининг тиним билмас ижодкорлари! Мен Шерзод Қурбонов 1999 йилдан буён Қуролли Кучлар сафиданман. Ҳозирда Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва Ҳарбий Ҳаво кучлари қўшинларига қарашли ҳарбий қисм алоқа гуруҳида радиоалоқа маркази бошлиғи лавозимида шартнома бўйича ҳарбий хизматдаман. Ҳарбий унвоним – сержант.

«Ватанпарвар» газетаси ҳақида ўз фикримни баён қиладиган бўлсам, ёшлигимда адабиёт ва тарих фанларига ихтисослашган лицейда ўқиганлигим учунми, газетанинг адабиёт ва тарихга оид саҳифаларини ўқишга тутинаман. Айниқса, газетада нимдан сўнг, бошқа саҳифаларини ўқишга арзийдиган мақолалар буюк алломаларимиз, машҳур саркардаю арбобларимиз ҳақида мақолалар бериб борилиши айни муддао деб ўйлайман. Чунки тарихсиз келажак бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг кўп жиҳатлари билан бошқа нашрлардан тубдан фарқ қилади. Кейинги пайтларда газетанинг рангли саҳифаларда чоп этила бошлагани нур устига аъло нур бўлди. Бундан биз хурсандмиз. Фурсатдан фойдаланиб газетанинг ижодий ходимларига саломатлик, ижодий баркамоллик тилаб қоламан.

Шартнома бўйича хизмат сержанти, Шерзод ҚУРБОНОВ.

ҚИЗИҚИШЛАР ТОБОРА ОРТМОҚДА

Ассалому алайкум «Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг тиниб, тинчимас, янги кашфиётлар қилиб, ажойиб мақолалар, шоу-бизнес янгиликларидан барчани баҳраманд этиб келаётган жонкуяр жамоаси. Биз ҳарбийларнинг жону дили бўлган ушбу газета устида олиб бораётган иш ва изланишларингизга тасаннолар айтамиз. Айниқса, газета кейинги вақтларда ранг-баранг саҳифаларда сержило бўлиб, барчамизни ўзига жалб этмоқда. Мен ҳам унинг ҳар бир сонини катта қизиқиш билан ўқийман. Ундаги ижтимоий-сиёсий машғулотлар учун берилаётган турли мавзудаги мақолалар эса биз аскарларга катта ёрдам бераяпти. Мен ҳарбий хизматга Қарши шаҳридан МИБдан 2004 йил ноябрь ойида чақирилганман. Ҳарбий хизматим мобайнида «Ватанпарвар»нинг ҳар бир сонини қолдирмай ўқиб, ҳозиргача 54 сонини йиғиб, тўпладим. Хизматим тугагунига қадар севимли газетамнинг сонини 100 тагача етказиш ниятим бор. «Ватанпарвар» газетасига яна бир бор ўзим ва дўстларим номидан миннатдорчилигимни билдириб қоламан.

Оддий аскар Уйғун РАҲМАТОВ.

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

ҲАМИША СЕРГАК МИЛЛАТ ЁШЛАРИ

Андижонда содир этилган мудҳиш воқеаларга икки ойга яқин вақт ўтган бўлсада, ушбу хунрезликлар халқимизнинг ҳалигача қалбидан кўтарилгани йўқ. Бу ҳеч қачон ўзбекистонликларнинг ёдидан чиқмайди. Юртдошларимизнинг соддалиги, бағрикенглиги, ишонувчанлигидан фойдаланмоқчи бўлган қабиҳ ниятли кимсалар аҳли Андижонга нисбатан ишлатган зўравонлиги, у ерда олиб борган бузғунчилиги туфайли ўзларининг ким эканлигини фош қилиб қўйишди. Бу ҳақда Президентимиз И.Каримов шундай дейди: **«Муқаддас динимизни ниқоб қилиб олган, ўзини мўминмусулмон қилиб кўрсатадиган, аслида эса охиратини ҳам ўйламайдиган қабиҳ кимсаларнинг асл башараси қандай эканига яна бир бор амин бўлдик».**

Ҳамюртларимиз Андижондаги воқеаларни содир этганларнинг ва улар орқасида турганларнинг асл мақсади нима эканлигини яхши англашади. Айни дамда, мазкур мудҳиш воқеалар мамлакатимизнинг барча кўпмиллатли халқи томонидан қораланаётгани ҳам бунинг яна бир тасдиғидир. Ушбу танқидий муносабатлар бугун республикамизнинг барча даврий нашрларида тез-тез кўзга ташланиб турмоқда. Биз яқинда офицер Ризақул Аринов етакчилик қилаётган ҳарбий қисмда бўлиб, Андижон воқеалари хусусида юртимиз посбонларининг фикрларини ўрганишга қизиқдик. Қуйида уларнинг фикрларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Оддий аскар Бахтиёр Сатторов, Самарқанд вилояти Жомбой туманидан:

– Биз ёшлар, бугун халқимиз ўз қадр-қимматини, ҳақ-ҳуқуқини яхши англаб етганлигини, ҳур диёримизни ҳеч ким ўзи танлаган йўлидан қайтара олмаслиги, ўсиб келаётган ёш авлодга билдирилаётган юксак ишончни албатта оқлашимиз лозимлигини жуда яхши англаймиз. Террорчиларнинг Андижондаги машъум ҳаракатлари оқибатида қанча бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилди. Бу дунёда ҳеч бир жиноят жазосиз қолган эмас. Биз эса ҳамиша ҳушёр ва сергак туришимиз керак. Ахир атрофимизда тинч, фаровон ҳаётимизни бузишга интилаётган «тузимизни ичиб, тузлиғимизга тупираётган» разил инсонлар борлигини ҳам унутмаслигимиз лозим.

– Оддий аскар Азизбек Ҳамдамов, Фарғона шаҳридан:

– Террорчиларнинг ёвуз қилмишлари оқибатида биз сингари юрт посбони бўлган ёш, навқирон йигитларнинг умри бевақт хазон бўлди. Уларнинг ортидан қанча мунис онаизорлар, норасида гўдаклар чирқиллаб қолди. У номардларнинг ўша қабиҳликларини эслаганда юрагингда нафратинг тошади. Боши берк кўчага кириб олган гала бузғунчилар қандай қилиб, эркин, демократик, озод ва обод Ватан тақдири, эртаси, нурафшон келажаги учун бир ғоя, бир мақсад атрофида жипс бўлиб бирлашган халқни енгиши мумкин? Бу пуч ва хомхаёл. Улар ўз мақсадини Ўзбекистонда амалга ошираман, десалар катта хато қилишади. Ўзбекистон ёшлари ҳеч қачон аллақандай «Ҳизб ут-таҳрир», «Ваҳҳобийлик» ёки «Акромийлар» оқимига илакишмайди. Улар давлатининг келажаги учун қайғуришади.

Оддий аскар Шукрулло Дадажонов, Фарғона вилоятидан:

– «Ватанпарвар» газетаси орқали Андижондаги воқеалардан мунтазам хабардор бўлиб бордик. Террорчилар томонидан Андижон халқига қилинган зулм менинг ҳам нафратимни қўзғади. Тўғрисини тан олишимиз керакки, Президентимиз таъкидлаганларидек, атрофимизда бизнинг фаровон турмушимизни кўролмайдиганлар бисёр. Буни 1999 йил февралда мамлакатимиз пойтахтидаги хунрезликлар ёки 2001 йилда террорчиларнинг юртимиз жанубий сарҳадлари орқали суқулиб кирмоқчи бўлганлари, 2004 йил Бухоро ва Тошкент вилоятларидаги бузғунчиликлар ва яқинда Андижондаги машъум воқеалар мисолида кўришимиз мумкин. Уларнинг мақсади халқимизга аён. Турли хил қўпорувчиликлар уюштириб, ҳамюртларимиз қалбига қўрқув, ваҳима солиб, ҳокимиятни эгаллаш. Халқимиз узоқ вақт мобайнида истиқлолни кутиб, эндигина қўлга киритган пайти, аллақандай мақсади йўқ, тайинли бир мустақил фикр эгалари бўлмаган кимсаларга юрт тақдирини осонликча ишониб топшириб қўйишмайди.

Оддий аскар Фарруҳ Собиров, Андижон вилояти Кўрғонтепа туманидан:

– Республикамиз Президенти Ислом Каримов дунё халқлари учун хавф солаётган таҳдидлар қаторида диний экстремизм, радикализм ва халқаро терроризмнинг олдини олиш, уларга қарши кураш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб: **«...биз халқаро терроризмни ота-боболаримиздан қолган муқаддас динимиз – ислом дини билан боғлашдек хавфли ният ва уринишларни кескин қоралаймиз. Бундай оқибати ўйланмаган ва ифвогарона хатти-ҳаракатлар биринчи галда «Ал-Қоида» ёки «Ҳизбут-таҳрир» каби энг ашаддий экстремистик ҳаракат ва ташкилотларга қўл келади»,** – деб таъкидлаган эди. Андижонда ўзларини «Акромийлар» оқими деб таништириб бузғунчиликларни амалга оширган кимсаларнинг экстремистик оқимлардан ҳеч қандай фарқи йўқ. Буни республикамиз нашрлари орқали ўқиб биляпмизки, ўзларининг жиноятларини адолатпарвар ислом дини номидан амалга оширишлари диний соҳа мутасаддиларининг эътирозига учрамоқда. Улар ўзларини «Акромийлар» деб таништирган янги бир оқим намояндаларининг олиб борган хатти-ҳаракати, ислом динига ҳеч қандай мувофиқлиги йўқлигини бир-неча бор таъкидладилар. Эзгулик дини ҳисобланган исломда одам ўлдириш, ноҳақ бировнинг қонини тўкиш, обод масканларни вайроналарга айлантириш ҳамиша қораланган, мусулмон диёри аҳли бунга жуда яхши билишади. Улар ҳар қанча чираниб бақириб-чақирмасин, ўзларининг нопок йўлига халқимизни ҳеч қачон оғдира олишмайди. Биз юрт посбонлари юртимизнинг осудалиги учун доимо интиламиз. Муддатли ҳарбий хизматни тугатгач, шартнома асосида яна хизматимни давом эттирмоқчиман. Келажакда юрт ҳимоячиси бўлиб, мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман. Ахир қачонки, юртда тинчлик, осудалик ҳукмрон бўлса, албатта у ерда ривожланиш бўлади.

Оддий аскар Озод Назаров, Андижон вилояти Андижон туманидан:

– Бундан икки ой муқаддам Андижонда рўй берган бузғунчилик ва хунрезликларни ўзбек халқининг тинч-осуда ҳаёти, ўз кучи билан эришган мислсиз муваффақиятларини кўролмаганларнинг хуружи дейишга тўла ҳаққимиз бор. Улар андижонликлар пешона тери эвазига қурилиб, шаҳар кўркига-кўрк қўшиб турган маъмурий иншоотларни вайрон қилишди. Тинч аҳоли қонини тўкишди. Боз устига, уларнинг тунда ҳамма ухлаб ётган тинч-осуда ҳаёти, ўз кучи билан эришган мислсиз муваффақиятларини кўролмаганларнинг хуружи дейишга тўла ҳаққимиз бор. Улар андижонликлар пешона тери эвазига қурилиб, шаҳар кўркига-кўрк қўшиб турган маъмурий иншоотларни вайрон қилишди. Тинч аҳоли қонини тўкишди. Боз устига, уларнинг тунда ҳамма ухлаб ётган тинч-осуда ҳаётини

2005 ЙИЛ – СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

ШИФОКОРЛИК КАСБИ – ЖАСОРАТ

Инсоннинг ҳаётдаги энг катта эҳтиёжларидан бири – бу саломатлик. Соғлом одамда ҳаракатдан тортиб, фикрлашга қадар ўзига хос шижоат ва теранлик мужассам, десак хато бўлмас. «Бахтимизнинг ўндан тўққиз улуши соғлиғимизга боғлиқ. Бахт, энг аввало, соғлиқ демакдир», дея доноларнинг саломатликка берган таърифи ҳар қадамда унинг қадрига етишимиз лозимлигини англатиб туради. Фидойи шифокорлар эса инсоният мана шу бебаҳо бахтининг ҳақиқий посбонларидир. Бу соҳа вакиллари ҳақида сўз кетганда, алломалардан бирининг «Шифокорлик касби – жасорат, бу касб фидойиликни, қалб ва фикр софлигини талаб қилади», каби сўзларини эсга олиш кифоя.

Фаолияти ҳақида биз сизга ҳикоя қилмоқчи бўлаётган тиббий хизмат подполковниги Бахтиёржон Муҳиддинов ҳам ушбу жасорат йўлини танлаган шифокорлардан бири.

Ҳаёт – аслида ҳар бир инсон учун синов мактаби. Унинг эзгулик йўлини танлаган, бу йўлнинг синовларида тобланган одамзотга омаду иқбол насиб этиши – исбот топган ҳақиқат. Бу ҳаётда ўз ўрнини топиш демакдир. Бахтиёржоннинг касб сирларини эгаллашга қаратилган интилувчанлиги, беморларга шифо улашиш йўлидаги саъй-ҳаракати, чеккан заҳматлари бугун ўз эътирофига эга. Келинг, бу борада унинг ҳаёт йўлига бир назар ташлайлик.

Инсоннинг оёққа туришида – оиланинг ўрни катта. Бахтиёржоннинг омади ҳам шунда, десак тўғри фикрлаган бўламиз. У зиёли оилада дунёга келди. Отаси Эшонбувахон ака муҳандис, онаси Элмира опа ўқитувчи бўлиб, оиладаги икки ўғил ва икки қиз юксак орзулар қанотида вояга етишди. Тўнғич фарзанд бўлган Бахтиёржоннинг шифокорликка қаратилган эзгу мақсадини дастлабки қўллаб-қувватловчилар ҳам ота-оналари эканлигига шубҳа йўқ. Шунингдек, у оилавий шифокорлар сулоласини бошлаб берган, унинг таркиб топишида замин яратганлигига суҳбат давомида гувоҳ бўлдик.

Бахтиёржоннинг ҳаёт мазмунига айланган шифокорлик касби мактабда ўқиб юрган пайтлариданоқ юрагига чўғ ташлади. Одатда, ўсмирлик чоғларидаги бундай орзулар кўп ёшларда ўткинчи бўлади. Бироқ мақсадида қатъий турган, шижоатли йигит нияти сароб эмаслигини исботлай олди.

Шундай қилиб, 1987-1993 йиллар шифокорлик сирларини эгаллашга иштиёқи баланд бўлажак шифокор учун ўқиш, изланиш, ўз ўрнида амалиётлар даври бўлди. Шу давр мобайнида Тошкент педиатрия-тиббиёт институтида таълим олди, у. 1993 йилда олий даргоҳни битирган ёш шифокорнинг Марказий ҳарбий клиник госпиталининг катта ординатор вазифасида дастлабки фаолиятини бошлашида ҳам ўзига хос маъно бор, бизнингча. Нега деганда, шифокорлар тажрибасини ошириб, мустаҳкамлаб борувчи бир неча йиллик амалиётлардан кейингина бу гўшада ишлашга лойиқ топилади. Чунки сараларнинг сарасигагина ушбу госпиталда фаолият юритиш насиб этганига гувоҳмиз. Кўрониб турибдики, ёш, бироқ касб сирларини мукаммал эгаллашга интилиб турган, толиблик давридаёқ амалиётларда ўзини кўрсата олган Бахтиёржон тажрибали устоз шифокорларнинг назарига тушди. Тўғрироғи, улар йигитдаги катта иқтидорни кўра олишди. Албатта, нуфузли даргоҳда, салоҳиятли шифокорлар орасида ишлаш, ўрин топиш осон эмас. Бу бир томондан тинимсиз ҳаракат, унга билдирилган ишончни оқлаш йўлида доимий интилиш, бедорликни талаб этса, иккинчи томондан ўз соҳасида кучли, дея эътироф топган устозлар тажрибасини эгаллашдек омадга етишганди ҳам. Таъкидлаш жоизки, бу ҳаракатлар бесамар кетмади. Айниқса, 1997 йилдан юрак хасталиклари бўлимида катта ординатор вазифасида фаолиятини давом эттириши унинг бу йўналишда ўзига хос мутахассислик қобилияти борлигини намоён этди. Яъни ўз йўлини танлашга муваффақ бўлди, иқтидорли кардиолог сифатида танилиб борди. Мана, тўрт йилдирки, тиббий хизмат подполковниги Бахтиёржон Муҳиддинов Марказий ҳарбий клиник госпиталининг юрак хасталиклари бўлими бошлиғи. У шу йиллар давомида Россия ҳарбий тиббиёт академиясида юрак хасталиклари ихтисослиги бўйича малака ошириб қайтди, тажрибасини мустаҳкамлаб борди. Шунингдек, неча юзлаб беморларнинг касалликдан фориғ бўлиб, оиласи, жамоаси бағрига қайтишига замин ярата олди. Ҳозирда унинг номи тажрибали шифокор, малакали кардиолог сифатида тилга олинади. Мен Бахтиёржонни юрак хуружи сабаб даволанишга ётган бемор билан муомаласини четдан кузатаман. Касаллик руҳиятига таъсир этиб, нигоҳи сўлғин ҳолатда турган бемор шифокорни кўриб бир оз дадилланди. Шифокор уни эътибор билан текширар экан, касаллик ортга чекинганлигини, агар ҳар бир муолажага амал қилинса, тез орада оёққа туриб кетишини ишонтира олди ва ҳамширага бемор учун янги муолажа усулларини тайинлади. Бемордаги тушкун ҳолат бир зумда ортга чекинди. «Соғайишига ишонч яратиш – ярим соғайиш демакдир», деган пурмаъно сўз кўз олдимда шифокорнинг тажрибаси сабаб ўз эътирофини топди.

Мен Бахтиёржон билан суҳбат давомида ҳарбий хизматчиларда нисбатан кўпроқ учрайдиган юрак хасталиклари ва уларнинг олдини олиш ҳақидаги мулоҳазалари билан қизиқдим.

– Терапия касалликлари ичида юрак хасталиги кўп учрайди ва ўта масъулиятлилиги билан ажралиб туради, – дейди суҳбатдошим Бахтиёржон. – Посбонларимиз орасидаги бу юрак хасталиклари асосан, юқумли касалликлардан кейин келиб чиқадиган асоратлардир. Айниқса, кучли шамоллаш, ўткир ичак инфекцияси, бўғинларда учрайдиган касалликлардан кейинги ҳолат юракка албатта ўз таъсирини кўрсатади. Яъни бир касаллик иккинчи – янада жиддийроғини етаклаб келади. Шу сабабли аввало, ҳар бир касалликнинг олдини олган маъқул. Шунингдек, юрак хасталикларига дучор бўлишни истамаган одам албатта ортиқча вазндан асралиши лозим. Хафақон, атеросклероз касалликларига чалинмаслик, асабларни эҳтиёт қилиш, сигарет, спиртли ичимликлардан йироқ бўлиш ҳам юракни асраш демакдир.

Ҳа, бу борада тажрибали кардиологнинг маслаҳатлари посбонларимиз учун айни муддаодир.

Биз юқорида Бахтиёржон оилавий шифокорлар сулоласини бошлаб берганлиги ҳақида сўз юритган эдик. Шу фикримизни давом эттирадиган бўлсак, оиланинг яна икки фарзанди шифокорлик касбини танлади. Ҳозирда ака изидан кетган Маликахон – педиатр, Дилоромхон эса – гинеколог. Бахтиёржоннинг турмуш ўртоғи Барнохон ҳам айни дамда гинеколог шифокор сифатида фаолият юритмоқда. Бу шифокорлар сулоласининг бошланиши, албатта. Чунки шифокорлар тарбиясида камолга етаётган Беҳзод, Шерзод, Азизалар ҳам келажакда ота-оналари йўлини танлашса, ажабмас.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, истеъдодаги тиббий хизмат полковниги Анатолий Резунов ва етук кардиолог тиббий хизмат полковниги Адҳам Қодировни ўз устози, деб билган тиббий хизмат подполковниги Бахтиёржон Муҳиддинов ҳам устозлари сингари эл назарида. Бу элнинг ишонч ва эътибори демакдир.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Камолиддин ТЎРАЕВ олган суратлар.

Сиз буни биласизми?

ИССИҚ ТОШ, СОВУҚ ТОШ

Ҳозирда кенг тарқалган кўп сонли замонавий муолажалар рўйхатига стоунтерапия (тошлар билан даволаш) муолажаси ҳам қўшилди. Янгилик – бу тўлалигича унутилган эскиликдир, деб бежизга айтилмаган. Тошларнинг шифобахш хусусиятларидан Гиппократ ва унинг замондошлари ҳам, қадимги ҳинду қабилалари ҳам кенг фойдаланишган. Қадимги Японияда иссиқ вулқон жинслари ёрдамида организмни тозалашган ва тана қувватини тиклашган.

Тош билан даволаш қайтадан бошланишига эса оддий бир воқеа сабаб бўлган. Айтишларича, бир куни иссиқхонада (сауна) ўтирган америкалик Мери Нелсон елкасида кучли оғриқ бошланганини ҳис қилади ва унга атрофидаги иссиқ тошлардан бирини қўяди. Бироздан сўнг оғриқ таққа тўхтайди. Ана шундан сўнг бу муолажа қўлланила бошлайди ва Америкада стоунтерапия мактаби ривожланиши бошланади.

«Тошсевувчилар»нинг таъкидлашича, икки марта стоунтерапия муолажасидан ўтсангиз бас – ўзингизни «борлиқда эриб кетдим», деб тасаввур қилаверинг. Фараз қилинг: ғира-шира қоронғулик, мусиқа садоси эшитилмоқда, енгил шабада ёки бошни айлантирувчи хушбўй ҳидлар анқиб турибди ва массажчи силлиқ тошлар билан баданингизни уқалаяпти. Шунда ўзингизни қаерда эканлигингизни, жаннатмакон боғлардами ёки мовий денгиз соҳилидами, биломай қоласиз. «Сеҳр-жоду» бир соат давом этади. Лекин илк ўн дақиқадаёқ реаллик ҳиссиёти йўқолиб, кўпчилик ухлаб қолади. Бу жараёнда 18 дона совуқ ва оқ, 54 дона иссиқ ва силлиқ тошлардан фойдаланилади. Булар ноёб иссиқ тошлар – шишасимон вулқон жинслари ҳамда совуқ тошлар – силлиқланган мармарлардир. Вулқон жинслари ва мармар бошқа тошларга қараганда, ҳароратни узоқ сақлаб туриш хусусиятига эга. Улар ёрдамида яхшилаб исиниш ва мушакларни бўшаштириш мумкин.

Тош билан даволаш муолажаси сеҳрли маросимга ўхшайди. Даволовчи аввал беморнинг оғриётган жойини аниқлайди. Сўнг ўша жойга эҳтиёткорлик билан бир тошни қўяди ва бошқаси билан бутун баданни массаж қила бошлайди. Бунда массажчи фақатгина фаол физиологик нуқталар билан эмас, балки энергетик оқим билан ҳам ишлайди. Массаж давомида сифатли ўсимлик мойлари, жумладан, зайтун, буғдой куртаклари ва грек ёнғоқларидан олинган мойларга тетиклантирувчи эфир мойидан бир неча томчи қўшилади. Сўнг бемор пастга юзини ўгириб ётади ва худди шундай муолажа белга ҳам қилинади. Муолажа навбатма-навбат гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ тошлар билан қилинади. Агар тошларнинг ҳарорати +50, -60 даражадан ошиб кетса, уларнинг тагига салфетка қўйилади.

Ҳароратнинг кескин фарқланиши қон томирлар фаолиятини яхшилайди, асабни ва қон босимини нормаллаштиради.

Стоунтерапия кўпгина замонавий касалликларга, жумладан, сурункали чарчаш, стресс ҳолати, уйқусизлик, қаттиқ бош оғриғи ва семизликка қарши ажойиб даводир. Муолажалардан сўнг инсоннинг ишчанлик фаолияти ортади ва кайфияти яхшиланади. Тош билан даволанганингизни атрофдагилардан яшира олмайсиз, чунки у сизнинг ташқи кўринишингизда, яъни кўзларингиз чарақлашида, ёшарган терингизда ва кўтаринки кайфиятингизда намоён бўлади. Шуни ёдда тутингки, бу фойдали ва ёқимли муолажа ҳомиладор аёлларга ва терисида турли касалликлари бор инсонларга тавсия этилмайди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, стоунтерапиянинг ўнта муолажаси (бир ҳафтада 2-3 мартадан) сурункали чарчашдан халос қилади, ҳар ҳафтада олинадиган муолажа эса ўзингизни бутун умр яхши ҳолатда тутишингизда ёрдам беради.

Домашняя фитоаптечка

МЯТА ЗДОРОВЬЕМ БОГАТА

Свое название мята получила в честь римской богини Менты, олицетворяющей человеческий разум. В Древнем Риме мятной водой опрыскивали комнаты, самим растением натирали столы, чтобы создать у гостей жизнерадостное настроение.

Древние греки и римляне полагали, что запах мяты повышает умственные способности. Это поверье сохранилось и в средние века: студенты возлагали на головы венки из мяты в дни экзаменационных диспутов.

Первыми целебные свойства мяты научно обосновали врачи прошлого – Гиппократ и Парацельс, а Авиценна определил широту ее терапевтического применения. Мята, по словам Авиценны, эффективна от головной боли, останавливает рвоту и кровотечения, укрепляет желудок, способствует пищеварению. Мята гонит пот и сильно согревает, полезна при недостатке аппетита, помогает больным желтухой, гонит мочу и помогает от резей в кишечнике.

МЯТНЫЕ РЕЦЕПТЫ:

2 чайные ложки измельченных листьев заварить стаканом кипятка, настоять полчаса и процедить. Пить глотками в течение дня при желудочно-кишечных расстройствах, заболеваниях сердца и желчно-каменной болезни.

20 г листьев на 0,5 литра кипятка заварить, как чай, и пить по половине стакана 2 раза в день перед едой для улучшения пищеварения, избавления от спазмов кишечника и тошноты.

Наружно настой из листьев (10 г на стакан кипятка) в виде фитоаппликаций используют при зуде кожи лица, атоническом дерматите, розовых угрях, увядающей жирной пористой коже, а также при склонности век к отекам, при повышенной потливости, солнечном дерматите.

ОРИЯТИ УЙҒОҚ ИНСОН

Агар эътибор қилган бўлсангиз, ўсмирлик чоғлариданоқ эл манфаатига шижоатини бахшида қилганлар кексалик довонларида ҳам ўз ўрнини асрай олади, элу юртга таянч ва маслаҳатгўй бўлади. Биз ўсмирлик сўзини бежиз ишлатмадик. Чунки боболаримизнинг ўтган умрига назар ташласак, улар меҳнат фаолиятини жуда эрта – ўн тўрт, ўн беш ёшдан бошлаганига гувоҳ бўламиз. Мақоламиз қаҳрамони тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор Қодир ака Бердиқулов ҳам худди шундайлардан.

Мен Қодир акани Термизда, вилоят мудофаа ишлари бошқармасида, бўлажак аскарларни ҳарбий хизматга кузатиш маросимида учратган эдим. Суриштирсам, бу тиниб-тинчимас отахон ҳар гал кузатув маросимларида фахрий сифатида иштирок этиб, ўғлонларимизни Ватанга садоқат, йигитлик бурчига меҳр ва эътибор, посбонларга хос шижоатли ва жасоратли бўлишга чорлаб турувчи даъватлар билан армия хизматига кузатар экан. Умр йўли келажак авлодга ўрнак бўлувчи Қодир ака билан суҳбатлашгач, ушбу мақолани тайёрлашга қарор қилдим.

1934 йилда Шеробод туманидаги Қамчибулоқ қишлоғида таваллуд топган Қодир ака Бердиқуловнинг болалик чоғлари айни уруш йилларига тўғри келган. Уруш даври болаларининг аҳволини ҳозирги ёш авлод тасаввур қила олмаса-да, боболарию моналаридан эшитгани аниқ. Яъни, очарчилигу қаҳатчилик азоби, уруш қурбонларига айланган отаю оғаларидан айрилиқ алами, фронторти меҳнатида эзилган оналарига таянч бўлиш мажбурияти уларни анча эрта улғайтирган. Қўлидан иш келди дегунча меҳнатда ўсган қаҳрамонимиз ҳам ҳақиқий меҳнат фаолиятини 14 ёшидан – ўсмирлик давридан бошлади. 1954-57 йилларда армия сафида ҳарбий хизматда бўлиб, юртига қайтган йигит мутахассислар етишмаслиги сабаб бир йил давомида мактабда ўқитувчилик қилди. Шундан сўнг, болаликдан дилига тугиб юрган шифокор бўлиш истаги Қодир акани Тошкент давлат тиббиёт институтига етаклади. Ушбу институтнинг даволаш факультетини битирган ёш шифокор йиллар давомида халқ хизматида бўлиш билан бирга, Ереван шаҳрида мутахассислик ўқишини битириб, суд-тиббиёт эксперти мутахассислигига ҳам эга бўлади. Шу билан бирга, ишдан ажралмаган ҳолда Москвада сиртқи аспирантурада ўқиди, диссертация ёқлаб, тиббиёт фанлари номзоди бўлди.

Қодир ака ўз вақтида, яъни 1980-1985 йилларда тиббиёт ходими сифатида ҳарбийлар сафида ҳам хизмат қилган. Айтмоқчимизки, бу инсонга ҳарбийларнинг фидойи ҳаёти яқиндан таниш. Шу сабабли Ватан посбонларига унинг ҳурмати чексиз.

Қодир ака Бердиқулов ҳозирда 71 ёшни қаршилаган бўлса ҳам, эл хизматида. Малакали шифокор 1997 йилга қадар вилоят суд-тиббиёт экспертизаси бюросининг айбланувчи ва жабрланувчи шахсларни текшириш бўлими бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатган бўлса, 1998 йилдан шу кунга қадар вилоят юқумли касалликлар шифохонасида ишлаб келмоқда. Унинг фидойи хизмати ҳукуматимиз томонидан ўз эътирофини топиб, 2004 йилда Президентимиз Фармонига кўра фидойи хизматлари учун «Шуҳрат» медали билан мукофотланди.

Мен Қодир ака билан мустақил юртимиздаги ўзгаришлар, Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида суҳбатлашар эканман, уларнинг фикрлари халқ қалбига, халқ дардига яқин эканлигини ҳис қилдим.

– Ҳурликка эришган элимизни, юртимиздаги янгиланишларни таърифлашга тил ожиз, – дейди Қодир ака тўлқинланиб. – Ватанимизни истиқлолга эришиб, дунё назарига тушганлигининг ўзи биз учун катта бахт. Миллий армиямизнинг тез фурсат ичида шаклланиб бораётганлиги ҳам юртимизнинг ёрқин келажагидан далолат. Бу бизнинг жаҳон майдонидаги обрўйимиз, деб ўйлайман. Собиқ Иттифоқ даврида менинг уч ўғлим ўзга юртларда йигитлик бурчини ўтади. Нодирбек Чехословакияда, Шокирбек Венгрияда, Зокирбек Россияда аскарлик хизматида бўлган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг эса, кенжа ўғлим Бобурбек посбонлик бурчини ўз юртимизда ўташ билан бирга, Чегара қўшинлари олий ҳарбий билим юртида таълим олди. Мен доимо фарзандларимга бир сўзни такрорлайман: Ватанимизни, унинг ҳурлигини кўз қорачиғингиздек асранг, доимо элга таянч, ҳалол, виждонли бўлинг. Юртимизнинг, ўзбек номини дунёда обрў-эътибор топишида ўз кучингизни аяманг.

Фарзандларига отанинг юрагидан чиққан бу насиҳат миллатимиз уйғоқ ориятидан бир далолат. Чунки Қодир акадек виждонли, ғайратли, халқпарвар оталари бор авлоднинг ўз танлаган йўли, қатъиятли сўзи бўлади. Шунингдек, Қодир ака сингари фарзандлару набиралар ардоғида бўлган отахонларимизнинг кўпчилиги кексалик гаштини сураётган бу ёшда қаҳрамонимизни ҳамон ғайрат билан эл хизматида турганлиги, ишлаш билан бирга, диний экстремизм, ақидапарастлик ишларига қарши курашда бош-қош бўлиб, ташвиқот ишларини олиб бораётганлигининг ўзи таҳсинга лойиқдир. Маҳаллалар ободлиги, халқимиз ҳаётидаги ҳар бир ўзгаришларга эътиборли бўлиб, меҳнати ва маслаҳати билан доимо эл эъзозида турганлиги ҳам бу инсоннинг маънавияти юксак инсон эканлигидан далолат.

Мақолани якунлар эканман, Қодир акадек забардаст инсонларни миллатнинг уйғоқ ориятига қиёслагим келди. Зеро, бу туйғу барқарор бўлган миллатнинг жаҳонда ўз ўрни ва ҳурмат-эътибори бўлади.

Дилшода НОСИРОВА.

ҲАМ СОҒЛИҚҚА, ҲАМ ЧЎНТАККА ЗАРАР

Ёшлар ўртасида сигарета чекиш урф бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Айримлар бошқаларга ҳавас қилиб чекади. Бошқалар, асабимни тинчлантиради, деб чекади. Баъзилари эса нега чекаётганликларини билишмайди ҳам. Баъзиларга чекиш шунчаки завқ беради ва улар аста-секин сигаретага тобе бўлиб қоладилар.

Одамнинг табиати ғалати, у кўпинча ўзининг манфаати ва соғлиғига зид иш қилади. Жумладан, сигарета чекиш ҳам ана шу ғалатиликларнинг биридир. Бўлмаса билади: чекиш соғлиғигагина эмас, балки чўнтагига ҳам зарар.

Масалан, энди ўрганиб келаётган кашанда учун бир қути «Хон» икки кунга етади, дейлик. Бу оддий арифметика. Демак сигарета учун бир йил мобайнида сарф бўладиган пуллар китоб сотиб олиш, кинотеатр, музей ва шу каби маданий дам олиш ўчоқларига боришга сарфланса, фойдадан холи бўлмас эди. Биз ҳали сигарета чекишнинг соғлиққа зарари ҳақида тўхталмадик.

...Тутун бурқиган, ёшлар бир-бирини зўрға танийдиган чекувчилар хонасида ўтириб ана шулар ҳақида ўйладик, шу фикрлар хаёлдан кечди. Ахир хонадаги бу тутунлар сигаретаникигина эмас, балки ўз фойдаларини билмайдиган, соғлиғини асраб-авайламайдиган кашандаларнинг ҳам тутуни-ку! Бозор иқтисодиётининг моҳиятини ҳаммадан яхши англаган тижоратчиларимиз сиз хоҳлаган сигаретани топиб беради. Фақат пулига чидасангиз бўлгани.

Яқинда Жиззах вилоят Тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати жамоаси уюштирган кўргазма бизда яхши таассурот қолдирди. Унда ўқувчилар асримиз вабоси – гиёҳвандлик, терроризм ва кашандаликнинг оғир оқибатлари акс эттирилган расм ва плакатлари ҳар бир ижодкорнинг аср вабосини теран англаб, ички бир дард, туйғулар билан тенгдошларни уларга қарши курашга даъват этганлар.

Ғаллаорол туманидаги С.Сирожиддинов номли 3-иқтидорли болалар интернат лицейи қошида ташкил қилинган «Ёш авлод кенгаши» аъзолари 2004-2005 ўқув йили давомида «Бахт» ва «Олимлар» маҳаллаларидаги бир қатор мактабларда бола ҳуқуқлари, чекишга қарши кураш, йодланмаган тузни истеъмол қилмаслик каби мавзуларда суҳбатлар ўтказиб келишди. Юқори синф ўқувчилари – Турғун Мухторов, Азиз Ҳайдаров ва Тоҳир Тошматовларнинг илм даргоҳларида уюштирган тадбирлари ҳаётий мисоллар асосида олиб борилганлиги кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, «Ёш авлод кенгаши» аъзоларининг А.Икромов номли 44-ўрта умумтаълим мактаби, Т.Саримсоқов номли 2-иқтидорли болалар лицей интернати ҳамда Фаробий номли 57-ўрта умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатиб келаётган «Ниҳол», «Келажак авлод» клублари аъзолари билан биргаликда ўтказган суҳбатлари ҳам мароқли бўлди.

Шу ўринда улуғ рус ёзувчиси Лев Толстойнинг «Мен сигарета чекканман, кейин чекишни ташладим, одамлар бу ярамас нарсани қандай қилиб оғизларига олишади, ақлим етмайди», деган фикрларини эслатиб ўтишни жоиз, деб ҳисоблаймиз. Агар одам тамаки душмани эканини тўлиқ англаб, бутун иродасини йиғиб, чекишни йиғиштирмаса, кўзланган мақсадга эришиш мушкул. Соғлиғимиз ўз қўлимизда ва унинг учун ҳаммамиз жавобгармиз. Ўйлаймизки, тамаки чекишга қарши олиб борилаётган бу хайрли ишлар самарали натижаларини беради, инсоният умрни хазон қиладиган аччиқ, заҳарли тутундан халос бўлади. Келажакда сигарета ярамас ўтмиш қолдиғи сифатида музей экспонатларидан жой олишини истардик.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти.

Миннатдорчилик мактуби

СИЗЛАРДАН ШИФО ТОПДИМ

Ўн беш йилларча бўлди. Тиззам, белим ва бошқа аъзоларимга туз йиғилиб, даволаниш мақсадида турли шифо масканларига, илмий тиббий тадқиқот муассасаларига мурожаат қилдим. Афсуски, буларнинг бари кутилган натижа бермади.

Ниҳоят, Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий клиник госпитали Травматология бўлимига дардимга шифо истаб, даволаниш ҳақида ариза билан мурожаат қилдим. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида 40 йил фаолият кўрсатганим, иккинчи жаҳон урушининг 1 гуруҳ ногирони эканлигим ҳамда уруш тугаганлигининг 60 йиллиги муносабати билан истисно тариқасида юқорида тилга олинган госпиталда даволанишимга рухсат берилди ва мендек бир оғир, юролмайдиган аҳволдаги ногирон учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Таъкидлашни истардимки, травматология бўлими шифокорлари, айниқса, тиббий хизмат майори Фахриддин Кучаровнинг ўз ишининг устаси, ҳақиқий мутахассис эканлиги муолажаларнинг илк кунларидаёқ ўз таъсирини билдирди. Чунки илгари ҳатто тўшакдан тушиб-чиқишда, ётишда ниҳоятда азоб чекардим. Беадад шукрлар бўлсинки, шифо улашувчиларнинг саъй-ҳаракатлари, меҳнатлари эвазига оғриқлар аввал бир оз, сўнг бутунлай чекинди.

Эллик тўрт йил бирга яшаган жуфти-ҳалолим, умр йўлдошимнинг ўлими мен учун катта жудолик бўлганди. Ўшанда кўзларим оғир касалликка чалинди. Мажбурлигимдан, ўнг кўзимни операция қилдирдим. Орадан бир оз вақт ўтгач эса, чап кўзим ҳам кўрмай қолди.

Марказий ҳарбий клиник госпиталида даволанишим пайтида кўз касалликлари бўйича малакали мутахассислар кўзимни операция қилишиб, бу ёруғ дунёни кўриш бахтини менга инъом этишди. Бунинг учун бўлим бошлиғидан, барча шифокор ва ҳамширалардан бениҳоя миннатдорман. Ҳаётимга қувонч олиб кирди, улар.

Даволаш ва ташкилий ишлар тўғри йўлга қўйилган, беморларнинг соғайиши, оёққа туриши учун барча шароитлар, муолажалар муҳайё ушбу шифо масканининг ҳар бир вакилига, бизларнинг соғлиғимизни ўйлаб куну тун бедор касб фидойиларига яна бир бора раҳмат, дея сермашаққат ва масъулиятли меҳнатларида муваффақиятлар тилаб қоламан.

Комил ҲАКИМОВ.

БОЛА – ДУНЁНИ ТЕБРАТАР

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Жамиятимиз тараққиётида аёл-қизларимизнинг ўрни бениҳоя каттадир. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини уларнинг иштирокисиз тасаввур этиш қийин. Бугунги суҳбатдошимиз Сурхондарё вилояти хотин-қизлар қўмитаси етакчиси Дилбар Усмоновна АВЛИЁҚУЛОВА.

Дилбар Авлиёқулова 2003 йилдан бери шу лавозимда ишлаб келмоқда. Узоқ йиллар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси раиси вазифасида фаолият юритган. Оилали. Икки нафар – Бунёд ва Шаҳло исмли фарзандлари бор.

«Ҳалоллик, софлик, янги кунга умид ва ишонч инсонни юксакликка олиб чиқади», – бу Дилбар Авлиёқулованинг ҳаётий шиоридир.

– Ҳурматли Дилбар Усмоновна, маълумки, 2004 йил 25 майда мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. Фармонда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан Сурхондарё вилояти хотин-қизлар кенгаши қандай ишларни амалга оширмоқда?

– Аввало, Истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ муҳтарам Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва беқиёс ғамхўрлик ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Бу иззат-ҳурматнинг самараси ўлароқ, аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мустақил мамлакатимиз тараққиётидаги ҳиссаси кундан-кун ошиб бормоқда. Мамлакатимиз Президентининг ушбу Фармонидан эса таъбир жоиз бўлса бошимиз осмонга етди. Шу билан бирга зиммамиздаги масъулият ҳам осмон қадар эканлигини яна бир бор англатди. Биз Фармонда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида вилоят ва барча туман ҳокимликлари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бир қанча тадбирлар режасини ишлаб чиқдик. Воҳамиздаги ҳар бир оила, ҳар бир аёл ҳаётига ҳамнафас бўлиш бу тадбирлардан кўзланган бош мақсадимиздир.

Вилоятда аёл-қизларни спортга жалб этиш, уларга жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида «Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи», «Соғлом оила», «Оилавий кросс», «Тўмарис қизлари», «Маҳалла футболи», «Футболимиз келажаги», «Маҳалла спортчилари», «Соғлом танда – соғ ақл», «Кичкинтой», «Маҳалла паҳлавонлари» каби спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Қўмита ҳаракат дастурига мувофиқ, қишлоқларда яшовчи аёллар ва қизлар учун репродуктив саломатлик, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибати, туғма ногиронликнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзи масалаларига бағишланган «Ҳаёт учун далиллар» китоби чоп этилди ва ўз ўқувчиларига етказилди. Бундан ташқари, қишлоқларда истиқомат қилаётган, ишлаётган аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида «Жайрахона», «Хўжаикон», «Вандоб», Семашко номли Тошкент илмий-текшириш институтининг Термиз филиали, «Омонхона» каби дам олиш масканларида имтиёзли равишда соғломлаштириш ташкил қилинган.

Амалга ошираётган ишларимиз ойинаси сифатида қўмита муассислигида чиқадиган, истеъдодли ёзувчимиз Жамила Эргашева етакчилик қилаётган «Аёл ва замон» газетасини ифтихор билан тилга олиб ўтсам арзийди.

– Юртимиз келажагини белгиловчи ёшлар тарбиясида аёлларимизнинг ўрни беқиёс. «Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак», деган фикрни бугунги аёлларимиз мисолида изоҳлаб бersангиз.

– Шу ўринда халқ таълимида фидойилик намуналарини кўрсатиб хизмат қилаётган минг-минглаб муаллима опасингилларимиз кўз олдимга келмоқда. Кенг дунёқарашли, мустақил фикрли, онгли, билимли ёшларни кўрганимизда, албатта, уларга таълим-тарбия бераётган ана шу муштипар аёллардан миннатдор бўламиз. Инсон боласининг руҳига, уни инсонлик мақомига элтувчи – эзгулик туйғуси, аввало, она сути ва меҳри билан сингади. Ахир донишманд бежиз айтмаган-ку: «Сиз бизга тарбияланган оналарни беринг, биз сизга тарбияланган жамият яратамиз».

– Халқимизда «Бола берса, суйгулик берсин...» деган мақол бор. Албатта бундай бола соғлом аёлдан дунёга келади. Аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш учун олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталсангиз.

– Аёл зоти учун фарзандининг камолини кўришдан ортиқ бахт йўқ. Қолаверса, кўп бор таъкидлаганимиздек, фарзандларимиз – келажагимиз. Улар Ватан келажаги, ҳаёт давомчилари. Биз келажагимиз порлоқ ва абадий бўлиши учун аввало ана шу келажак яратувчилари бўлмиш аёлларимиз соғлиғига кўпроқ эътибор қаратишимиз керак. Биз бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантирдик. Барча мутасадди раҳбарларни ишларимиз самарали бўлиши учун жалб қилганмиз.

Жони-танидан узиб, ҳаёт яратувчи муқаддас зот – аёл соғлом бўлиши учун, аввало, ана шу қўрғонга дарз етказаётган сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш бу борада биз амалга ошираётган ишларнинг асосини ташкил этади.

Ўтган ойлар мобайнида репродуктив саломатликнинг долзарб масалалари бўйича хотин-қизлар қўмитаси томонидан кенг миқёсда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди. Вилоят ҳокими раҳбарлигида соғлом авлод, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш ва оиланинг тиббий маданияти даражасини ошириш масалалари бўйича вилоят комиссияси тузилиб, доимий равишда фаолият юритмоқда.

– Ҳар томонлама етук инсон – мустаҳкам, соғлом турмуш тарзига эга оилада камол топади. Оила мустаҳкамлигини сақлаш учун нималарга суянмоқ керак? Нафақат раҳбар, балки аёл, она сифатида қандай маслаҳатлар бера оласиз?

Юқорида таъкидланган Фармонга асосан, маҳалла фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозими тайинланди. Маслаҳатчиларнинг қизғин фаолияти туфайли жиноятлар, ажримлар, шикоятлар сони кескин камайди. Бу ютуқларимиз бошида ўзининг одилона сиёсати билан ҳукуматимиз, Республика хотин-қизлар қўмитаси, вилоят ҳокимлиги бош-қош бўлиб турибди. Бир оиланинг бузилиши – бутун жамият фожиаси десак, фикримга қўшилсангиз керак.

– Армия ва халқ якдиллиги бугун турли кўринишларда ўзини намоён этмоқда. Сиз етакчилик қилаётган кенгашнинг бу борадаги ҳамкорлиги ҳақида гапириб бersангиз?

– Вилоят хотин-қизлар қўмитаси вилоятимизда жойлашган ҳарбий жамоалар билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйган. Ахир у ерда ҳам бизнинг фарзандларимиз хизмат қилишади. Турли байрамлар, тадбирлар баҳона улар ҳолидан хабар олиш, қандай хизмат қилаётганликлари билан танишиш, улар билан турли мавзуларда суҳбатлар қуриш йигитларимизнинг маънавий-маърифий дунёлари бойишига ҳисса қўшиш, шунчаки тадбирбозлик эмас, бу бизнинг оналарга хос бедорлигу безовталигимиз деб ўйлайман.

– Қуролли Кучларимиз сафида аждодларига муносиб шердил йигитлар, ҳарб санъати сирларини мукаммал эгаллаган, ҳеч кимдан кам бўлмаган посбонлар хизмат қилишади. Шунқорлар учун руҳий қувват манбаи, маънавий таянч эса аёлларимиз – оналар, опа-сингиллар, дилбар рафиқалардир. Уларга тилакларингиз?

– Тўғри айтасиз. Улар Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Маҳмуд Торобий, Мирзо Бобур каби марду майдон боболарнинг, Амир Темур каби Соҳибқиронларнинг муносиб ворисларидир. Улар бизнинг суянган тоғларимиз. Юртимизнинг мустаҳкам қўрғонлари, ишончли посбонларидир. Улар бизнинг юрагимизда тошган фахр-ифтихор туйғуларидир. Алпқомат ўғлонларимиз туфайли уйқумизда ҳаловат, ҳаётимизда нурафшонлик, Ватан сарҳадларида осойишталик ҳукмрон. Тилагим, она юртимизни Оллоҳ ёмон кўзлардан асрасин. Тинчлик барқарор бўлсин. Фарзандларимиз боши омон бўлсин. Дуою жонингизни қилувчи оналарингиз, бахту омадингизни тиловчи эгачи-сингилларингиз юзи сизнинг мардлигингиз туфайли ҳамиша ёруғ эканлигини унутманг, азиз ўғлонлар, дегим келади.

«Ватанпарвар» мухбири Инобат ИБРОҲИМОВА суҳбатлашди.

МУРУВВАТНИНГ ҚАМРОВИ УЛКАН

Ўзбек халқи болажон, меҳр-мурувватли ва сахийлиги ҳамда меҳмондўстлиги билан башар эътиборини қозонган улуғ миллат. Тарихдан маълумки, давр ва замонларнинг турфа синовлари, гоҳо қирғинбарот урушлар, қаҳатчилик ва бошқа алғов-далғов вазиятларда ҳам у ўз эътиқодига, самимийлигию меҳрибонлигига содиқ қолиб келмоқда. Юртимизга ташриф буюрган сайёҳ ёхуд мусофир борки, элимизнинг бу юксак анъаналарини эътироф этиб, унинг олий ҳиммати олдида таъзим бажо қилади. Кўп узоққа бориб ўтирмайлик, II жаҳон уруши йилларини эсланг. Ўшанда жангу жадаллар ваҳшати туфайли ота-онасидан, осойишта маконларидан жудо бўлган минг-минглаб гўдаклар серқуёш диёримиздан, бағрикенг юртдошларимиз кучоғидан паноҳ топди. Пойтахтимиз – кўҳна ва навқирон азим Тошкент – нон шаҳри, дея эътироф этилди. Бу юрт фуқароларининг кўрсатган мислсиз мурувватлари ҳақида китоблар ёзилди, кинолар суратга олинди. Меҳрибон ўзбек халқи меҳмон келса, бор топган-тутганини дастурхонга қўйиб баҳам кўриши, қийналган, муҳтож одамларга доимо саховат қўлини чўзиши гўё бир аксиома даражасида белгиланади. Бугунги кунда ҳам юртдошларимиз орасида бу анъана давом этиб, турли кўринишларда ўз аксини топиб келмоқда. Яқинда хизмат сафари билан Нукусда бўлганимда, гарнизон ҳарбий қисмларидан бирида «Меҳрибонлик уйи»дан олинган тарбияланувчилар вояга етказилаётганига гувоҳ бўлдим.

– Тарбияланувчиларни қисмимиз оталиққа олган, – дейди командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Исроил Тўраев. – Улар гарнизондаги ҳарбий шаҳарча ҳудудида жойлашган мактабда таҳсил олишади. Озиқ-овқат, кийим-кечак, ётоқ жойлари ва бошқа барча таъминотлар ҳарбий жамоа томонидан амалга оширилади. Гарчи ҳали мактаб ўқувчиси бўлишсада, улар ҳам муддатли хизматни ўтаётган оддий аскарлар меъёридаги барча имтиёзларга эга. Келажакда уларни етук мутахассис қилиб тарбиялаб, вояга етказиш мақсадимиз.

Халқимизнинг саховатпеша, бағрикенглигига таъриф йўқ. Бундай урф-одатлар, таъбир жоиз бўлса, кўҳна қадриятлар давлат эътибори даражасида улуғланяпти. Жумладан, ўтган 2004 йилнинг Юртбошимиз томонидан «Меҳр ва мурувват йили» дея номланиши ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам жавоби бор, – дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, ҳурмат қилган – иззат топади, меҳр кўргузган эса бир кун келиб мурувватга, раҳматга сазовор бўлса, не ажаб. Айни пайтда қарамоққа олиниб, ҳарбий қисмда тарбияланаётган бу болалар вақти келиб халқига, Ватанига муносиб фарзандлар бўлиб етишишига шубҳа йўқ. Чунки уларнинг жажжи ва беғубор юракларида бугун ўзлари кўраётган мурувват ёғдулари ўрнашган. Йиллар ўтса-да, бамисоли тошга битилган ёзувдек ушбу ёғдунинг ўчмаслиги кундек равшан.

– Айни пайтда 9-синфни битиряпман, – дейди Эрбўл исмли тарбияланувчи. – Бу ерда дўстларим Амед ва Жумабой билан биргаликда дарсга борамиз, бирга дарс тайёрлаймиз. Ҳарбий акаларимиз бизга жуда ғамхўр ва меҳрибон. Ҳар доим ва ҳар бир нарсада ёрдам беришади. Меҳрибон юртдошларимиздан, Юртбошимиздан чексиз миннатдормиз. Қисм менинг уйим, десам ҳам бўлади. Барча шароит бор. Бемалол китоб ва газета-журналлардан, телевизор ва видеоаппаратуралардан фойдаланамиз. Тарих, тил ва адабиётга, спортдан футбол, югуриш ва бокс кабиларга қизиқаман. Келажакда эса етук офицер бўлиш асосий мақсадим. Жонажон Ўзбекистонимга ва она халқимга сидқидилдан хизмат қилиб, фарзандлик бурчимни оқламоқчиман. Дўстларим ҳам ҳарбий бўлиш орзусида. Бизни бу соҳага қизиқтирган нарса – ҳарбийлар орасида яшаб, жангчилар ҳаётига уйғонган чуқур ҳурматимиздир. Улар ҳар соҳада илғор, билимдон ва собит шахслардир. Бизга ҳам фақат эзгуликдан ва ҳалолликдан сабоқ беришади. Хуллас, уларни ҳурмат қиламан ва ўзим ҳам улар қаторида бўлишга интиламан.

Эрбўлнинг беғубор қалбига ҳиммат, саховат уруғини қадаган туйғу ҳам юқорида айтиб ўтганимиздек, ана шу меҳр-мурувват шуълалари эди. Ҳозирча юлдуз мисол милтиллаб, учқун сачраб турган бу юраклардаги муқаддас туйғу вақти келиб гуриллаб аланга олишига, юрак соҳибларининг эса элим деб, юртим деб ёнишига асло шубҳа йўқ.

Лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

CHEGARACHI BO'LAMAN

Dunyoda turli kasb-hunarlar bor. Hammasi ham yaxshi, odamlarga foyda keltiradi. Men katta bo'lganimda chegarachi bo'laman.

Biz har gal ta'til kunlari bobomlarnikida bo'lamiz. Bobom va buvim juda ham olisda, ya'ni Surxondaryo viloyatida yashaydilar. Menga butun oilamiz bilan ularnikida mehmon bo'lish yoqadi.

Yo'lda qiziqarli narsalar juda ko'p. Chiroyli bog'lar, dalalar, baland tog'larni tomosha qilib ketish mazza. Eng qizig'i, yo'lda chegarachilarni ko'rishdir. Ularni ko'rganda quvonib ketaman. Chegarachilarning yonida bahaybat, aqlli, o'rgatilgan itlari ham bor. Askar akalarga qarab ularga juda havasim keladi.

Chegarachi bo'lish haqidagi orzuimni ustozimiz Flora opa Musayevaga aytganimda, ular meni hammaning oldida maqtadilar. Ularning aytishlaricha, harbiylar bolalar, ayollar, qariyalar hamma-hammaning tinchligi va osoyishtaligi uchun kecha-kunduz tinmay xizmatda ekanlar. Men ham ular kabi qo'rqmas, jasur chegarachi bo'laman.

Sirojiddin QO'YBOQOV, Toshkent shahridagi 256-maktab o'quvchisi.

(O'zbek xalq ertagi)

Qadim zamonlarda Xivada bir xon o'tgan ekan. Bu xon Shovot anhoridan Xivaga bir ariq qazdiradigan bo'libdi. Qo'l ostidagi barcha odamlarni ana shu ariqni qazishga haydabdi.

Xon juda zolim ekan, jallodlariga: «Kimda-kim ishga bir daqiqa kech qolsa, qamchi urilsin, agar bir soat kech kelsa, dorga osilsin, bordi-yu, bir kun ishga kelmasa, bola-chaqasi bilan o'ldirilsin!» deb buyruq beribdi. Xonning jallodlari ham xonga o'xshagan berahm, zolim kishilar ekan. Ariq qazish juda qiyin ekan, ming-minglab odamlarning bugun qazigan arig'ini ertasi qum bosib qolaverar ekan.

Shovot anhorining bo'yidagi qishloqlarning birida Zuhra degan juda chiroyli bir qiz Cho'lpon degan bur yigitni yaxshi ko'rar ekan. Yigit ham qizni jon-dilidan sevar ekan. Yigit kuni bilan og'ir mehnat qilib, kechalari qizni ko'rish uchun shu qishloqqa kelar ekan. Zuhra bo'lsa, kunduzlari gilam to'qir ekan. Kechalari Zuhra bilan Cho'lpon suv bo'yida o'tirishib, lapar aytishar ekan. Kunlardan bir kun tong paytida yigitning uyqusi kelib uxlab qolibdi. Uyg'onib qarasa, quyosh ancha ko'tarilib qolgan emish. Cho'lpon nima qilishini bilmay, boshi qotib qolibdi.

Qazuvga boray desa – dorga osiladi, bormay desa – baribir xonning jallodlari o'zini ham, qavm-qarindoshlarini ham o'ldiradilar. Yigit Zuhraga: «Endi mening boshim baloga qoldi. Xonning jallodlari meni albatta o'ldiradi, hay attang, yosh umrim zoye bo'ldi, sendan ham ayrildim!» deb qayg'uga botibdi. Zuhra unga tasalli berib: «Sen xafa bo'lma, seni o'limdan qutqaraman», debdi-da, yigitni uyga olib kiribdi.

Otxonadan oq otni olib chiqib egarlabdi, otning bir yonini qizilga, bir yonini qoraga bo'yabdi. So'ng erkakcha kiyinib, qilich-qalqonlarni osib, boshiga jig'a taqib, otga minibdi-da, yo'lga tushibdi. Qiz qazuvchilarga yaqinlashganda, otiga qamchi bosibdi. Ariqning bir tomonidan ot choptirib boribdi-da, qamchisini silkitib: «Hoy-yu, hoy, katta-kichik odamlar, eshitmadim demanglar! Zolim jallodlarni, berahm miroblarni tutib olib, o'ldiringlar, xonning buyrug'i shu», – deb qichqirib o'taveribdi. So'ng ariqning boshqa tomonidan ot choptirib borib, yana haligiday deb jar solibdi. Jallod va miroblarning zulmi jonlaridan o'tib ketgan odamlar hay-haylashib, yaramas jallodlarni, ablah miroblarni tutib olib, do'pposlayveribdilar, hamma yoq ur-sur, to'polon bo'lib ketibdi, bir qancha zolimlar o'ldirilibdi, bitta-yarimtasi qutulib qochibdi. Ish ham to'xtabdi.

Bu xabarni eshitgan xon darg'azab bo'lib, darrov otlanibdi-da, askarlari bilan yetib kelibdi. Keyin pishqirib: «Bunday buyruqni sizlarga kim aytdi?» deb so'rabdi. Qazuvchilarning bir qismi: «Qora ot mingan odam kelib aytdi» desa, ikkinchi qismi: «Qizil ot mingan, qilich-qalqon taqqan, shohona kiyingan bir yigit aytdi», debdi. Xon kimni jazolashni bilmay, noiloj orqasiga qaytibdi. Shunday qilib, Zuhra o'z sevgan yigitini o'limdan saqlab qolgan ekan.

Бола кулса, олам кулади. Шодон қийқириқлари-ю, хушчақчақ қаҳ-қаҳаси билан кўнгилларни масрур айловчи болажонлар қувончига қараб, ҳаёт бардавомлигига шубҳа қилмайсан, киши. Улар бизнинг келажагимиз, эртамиз соҳибларидир. Келажак ворисларимизга тарбия, меҳримизни қанчалик кўпроқ беролсак, соғлом авлод камолига шунча мўл ҳисса қўшган ва эртанги кунимизга ҳам мустаҳкам замин ҳозирлаган бўламиз. Фарзандларимиз вақтида ўйнасин, кулсин, спорт билан ҳам шуғуллансин, шунингдек, тафаккур дунёларини ҳам бойитсин. Зеро, бола билан ҳаётимиз гўзалдир.

ҲАМ ЖИСМОНАН, ҲАМ РУҲАН

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш мустақил юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги йил, ой эмас, балки кун сайин ўз мевасини бермоқда. Бугун биз Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортга ошуфта, ишқибоз ва чанқоқ халқ яшайди, дея баралла айтишимиз мумкин. Энг нуфузли халқаро мусобақаларда миллий байроғимизнинг баланд ҳилпираб туришига, спортчиларимизнинг ғолиб бўлиб, совринлар билан қайтишларига, уларни тантанали кутиб олишга ҳам ўрганиб қолдик. Эндиликда ўзбек спорти дунёни ҳайратга солмоқда. Ҳозирги кунда спортнинг барча турлари бўйича юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган спортчиларимиз етарли. Энди шахмат ва шашка, оғир ва енгил атлетика, бокс, каратэ, таэквандо, дзюдо, гимнастика ва теннис, эркин, юнон-рум ва ўзбек кураши бўйича дунёнинг етакчи мамлакатлари спортчилари билан тенгма-тенг беллаша оламиз.

Мен жисмоний тарбия ва спортни миллат куч-қудрати, маданияти тимсоли дегим келади. Ҳар бир халқ, миллатнинг жаҳон ҳамжамиятининг фаол аъзоси эканлиги биринчи навбатда жисмоний тарбия, спорт орқали намоён бўлаётганлиги ҳам бунинг яққол исботидир. Спорт – тинчлик элчиси, деган ибора бугунги кунда ўзининг ёрқин ифодасини топаётганлиги, бир-бирларига кўз олайтириб келган давлатлар, халқлар ўртасида спорт туфайли дўстлик, ҳамкорлик, биродарлик ришталари мустаҳкамланиб бораётгани-да айни ҳақиқат. Бир сўз билан айтганда, дунёдаги барча ривожланган мамлакатлар ўз куч-қудратини спорт орқали намойиш этишга интилмоқдалар, десак хато бўлмайди. Бу ўз навбатида спорт халқаро алоқаларнинг муҳим воситасига айланиб бораётганлигидан далолат беради. Ушбу тарихий объектив жараённи олдиндан кўра билган Юртбошимиз мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ жисмоний тарбия ва спортнинг оммавий тус олишига, ижтимоий ҳаракатнинг ушбу соҳасига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг юқори поғоналарга кўтарилишида олий ҳарбий билим юртлари, сержантлар тайёрлаш мактаблари, ҳарбий қисм ва муассасалар шахсий таркибининг улушлари катта. Тўғри, ҳарбийларни жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, уларда руҳий кўтаринкилик, она Ватанга, халққа юксак садоқат туйғуларини шакллантириш, касбий маҳоратини тинмай такомиллаштириш одатдаги бир вазифа ҳисобланади. Шу боис, ҳарбий билим юртларида ҳам жисмоний ва спорт тайёргарлиги асосий фанлар қаторидан ўрин эгаллаган. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти «Жисмоний тарбия ва спорт» кафедрасининг бошлиғи подполковник Руслан Багиров бу ҳақда шундай деди:

– Кафедра ходимларининг диққат-эътибори курсантларнинг жисмоний тайёргарлик масалаларини юксак савияга кўтаришга қаратилган. Илмий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, жисмоний тайёргарлик ижодий, сиёсий, мафкуравий, педагогик, ахлоқий-эстетик тарбия соҳаларини ва шу билан бирга ҳатто, моддий ва маънавий таъсир этиш усулларини ҳам ўз ичига олувчи тизимдир. Ушбу жараённи тўғри тушунган ҳолда, бизнинг ўқитувчи-тренерларимиз курсантларнинг жисмоний тайёргарлигини, улардаги биологик ривожланиш, руҳий камол топиш, касбий қобилиятини ўстириш ва шу билан бирга уларнинг соғлиғини янада мустаҳкамлашни ҳам ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этмоқдалар.

Ҳа, Билим юртида курсантларда юксак жисмоний сифатларни шакллантириш билан бирга курсант ва офицерлар, сержантларнинг мураббийлар ва тренерларнинг республика ҳамда халқаро чемпионатларида ҳам фаол иштирок этишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, капитанлар – И.Бобомуродов, В.Бондарчук, А.Мальцев, лейтенант Ф.Ҳусанов, сержантлар – И.Кибирев, С.Горбанлар Россия, Хитой, Италия ва Испанияда ўтказилган беш кураш бўйича жаҳон чемпионатида совринли ўринларни эгаллаб қайтдилар. Сержант И. Кибирев узоқ масофага югуриш бўйича жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. Ўзбекистон Қуролли Кучлари миқёсида ўтказилаётган Умумармия ўйинларида тош кўтариш спорти бўйича капитан Р.Одилов беш марта, катта лейтенант Н.Назиров икки марта, лейтенант О.Имомов уч марта, курсант О.Муқимов бир марта чемпионлик шоҳсупасига кўтарилганлар. Катта лейтенант Т.Тожиев уч марта Қуролли Кучлар чемпиони ва спорт устаси меъёрини бажарган бўлса, унинг шогирдлари курсантлар – Ч.Аҳмедов, А.Рисбеков, А.Исматовлар биринчи разряд меъёрини бажардилар.

Билим юртида миллий ғуруримиз бўлмиш ўзбек курашига кейинги йилларда эътибор янада кучайган. Масалан, сержант И.Тўлаев ушбу соҳага анча йиллардан бери мураббийлик қилиб келмоқда. Унинг раҳбарлигида бир неча спорт усталари ва спорт усталигига номзодлар тайёрланди. Лейтенант Я.Жабборов, кичик сержант С.Рўзиев, курсантлар – Д.Тўлаганов, У.Ҳақбердиев, К.Пўлатовлар шулар жумласидандир. Кичик сержант О.Аллаберганов мураббийлигида эса курсантлар – А.Исломов, М.Калдибеков, Ж.Раҳимов, А.Ҳамдамов, Ф.Сайжалолов, Ш.Омоновлар бокс бўйича қизғин машғулотлар билан банд. Билим юртида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда кафедра бошлиғи, шунингдек, подполковниклар – Л.Эниветлин, Х.Авазматов ва капитан И.Боймуродовларнинг ҳам хизматлари таҳсинга сазовор. Ўрни келганда билим юртида енгил атлетика спортини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, узоқ масофага югуриш бўйича жаҳон чемпионати совриндори капитан Маҳмуджон Сайфуллаевнинг номини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бизнингча, кафедра аъзолари, билим юрти спортчиларининг имкониятлари бундан-да катта. Фақат мавжуд имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш керак, холос. Ҳозирги кунга қадар эришилган муваффақиятлар олий ҳарбий билим юртлари орасида энг қадимий ва нуфузли бўлмиш Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти жамоаси учун етарли деб бўлмайди. Курсантларни республика, халқаро спорт мусобақаларига янада кўпроқ тайёрлаш, уларнинг совринли ўринларни эгаллаб давлатимиз, Мудофаа вазирлиги ва ўз билим юртининг шон-шарафини, обрў-эътиборини муносиб ҳимоя қилишларига эришиш лозим. Биз келгусида билим юртидан миллатимизнинг шаънини, шон-шавкатини оширадиган машҳур спортчилар янада кўпроқ чиқишига ишонамиз.

Қодиржон ОФАРИНОВ, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди.

ИЖОД ГУЛШАНИ

Ботирнинг шеърларига ошно бўлар экансиз, унинг муҳаббат куйчиси, ишқ куйчиси эканлигини беихтиёр ҳис қиласиз. Ҳассос шоирлари билан донг таратган гўзал Наманганда вояга етган ижодкор йигитнинг шеърлари сизни беэътибор қолдирмаслиги аниқ. Қалби бедор қаламкаш – Ботир МУКАРРАМОВга эса ижодий баркамоллик тилаб қоламиз.

НЕЧУН СЕВМАЙДИ?

Кўзларимга илинмас уйқу,
Мен севган ёр
мени севмайди,
Тинчлик бермас бу
қандай туйғу,
Мен севган ёр
мени севмайди.

Хаёлимдан кетмас
кўзлари,
Юрак-бағрим эзар
сўзлари,
Менмас, ишва қилган
ўзлари,
Мен севган ёр
мени севмайди.

Кетгим келар тоғу
тош ошиб,
Тўлқин бўлиб дунёдан
тошиб,
Ҳижрон турар
юрагим босиб,
Мен севаман,
мени севмайди.

Мен ҳам севмай
десам, у гўзал,
Ҳусни ила ойданда ўзар,
Кўзим тушиб қолса
кўз сузар,
Бироқ нетай
мени севмайди.

Оллоҳ, мени унга
қаратдинг,
Уни шунча гўзал
яратдинг,
Боқишларин ишқдан
таратдинг,
Мен севаман,
нечун севмайди?!

●

Кўнглингиз дўстларни
хумор этганда,
Ёр васли тунлари
бедор этганда,
Юрак ўтмишларни
бир ёд этганда,
Яшайсизми, бизларни
ҳам ёд этиб?

Қалб боғида шўх
булбуллар сайраса,
Қувончдан кўнглингиз
тўлиб яйраса,
Ўзга ёр севгиси гар
маст айласа,
Яшайсизми, бир
боргина ёд этиб?

Биз каби тунлари
бедор эмассиз,
Биламан, бераҳм
дилдор эмассиз,
Ва лекин биздайин
ночор эмассиз,
Яшайсизми, ночорларга
раҳм этиб?

Ҳижронлардан бу
юрагим қон ютиб,
Кетсам ночор сизни
буткул тарк этиб,
Қайтмаслигим
билсангизда, лек кутиб,
Яшайсизми, бизларни
ҳам ёд этиб?

●

Муҳаббат достони
сўнгига етди,
Ғанимлар чоғ бўлиб,
кулишди кетди,
Бизларни шум тақдир
бегона этди,
Иккимиз иккиён
айрилиб кетдик,
Ҳижрон саҳросига
қайрилиб кетдик.

Юраклар бир-бирга
интилди қолди,
Қадамлар йўлидан
адашди, толди,
Тақдир ўз домига
бизларни солди,
Иккимиз икки ён,
айрилиб кетдик,
Фиғон дунёсига
қайрилиб кетдик.

Бевафо дунёда яшаб
ҳам тўйдик,
Муҳаббат гулининг
кўзларин ўйдик,
Аламга, ҳижронга
юракни қўйдик,
Оқибат икки ён,
айрилиб кетдик,
Айрилиқ чўлига
қайрилиб кетдик.

Танамда бор жоним,
ёд этгум сени,
Тоабад унутма
севгингни, мени...
Бу кўзлар кўрмади
аламла нени,
Иккимиз икки ён,
айрилиб кетдик,
Армон водийсига
қайрилиб кетдик.

СЕВГИДАН КУЙГАН БУ ЮРАК

Қошингиз минг қаро
камон бўлса ҳам,
Сиз билан бахтли бир
замон бўлса ҳам,
Қалбим қўри сизсиз
ёмон бўлса ҳам,
Севолмам, севгидан
куйган бу юрак.

Ҳа, мен бош эгаман
жамолингизга,
Ҳавасларим бор ҳар
томонингизга,
Айлансамда
яхши-ёмонингизга,
Севолмам, севгидан
куйган бу юрак.

Хаёллар кўнглимни
қўймасалар тинч,
Сизсиз бўлса ҳамки,
ҳаёт кўп ўкинч,
Тож бўлиб келса ҳам
бошимга севинч,
Севолмам, севгидан
куйган бу юрак.

Сизда мужассамдир
ибо-эътиқод,
Ҳаё-иффатларга
тўлган хўп бисот,
Кўнглим сизни истар,
лек нетай, бироқ,
Севолмам, севгидан
куйган бу юрак.

БЕВАТАН ҚОЛГАНДАН СЎРАНГ ВАТАННИ

Қиёс айлар Ватанга
оқ саманни,
Эзгулик уруғи унган
чаманни,
Лозим деб бахш этар
жонни, ҳам танни,
Беватан қолгандан
сўранг Ватанни.

Қадри унга азиз,
унга муқаддас,
Бир бора кўрсам деб,
минг қилар ҳавас,
Пойига эгилиб
бошин қўйса бас,
Беватан қолгандан
сўранг Ватанни.

Ўзи шоҳ бўлса-да,
кўнгли гадодир,
Бир гиёҳ унмаган,
сувсиз саҳродир,
Ишқида куяр у,
Мажнуннамодир,
Беватан қолгандан
сўранг Ватанни.

Талпиниб яшайди
мудом бағрига,
Ўкиниб, оҳ чекар
сочган қаҳрига,
Олтин, зар алишмас
Ватан меҳрига,
Беватан қолгандан сўранг
Ватанни.

Тушда ҳам кезади, қайда
деб Ватан,
Умрига беради жило,
зеб Ватан,
Бобуру Фурқатдан
сўранг, не Ватан?!
Беватан қолгандан
сўранг Ватанни.

●

Ғафлат уйқусида ётган
эй, инсон,
Қалбинг ҳукмдори
бўлибди шайтон,
Ғофил кўзларингни
очиб сен бу он,
Уйғонгил азобда
қолмасин виждон.
Бу дам англамасанг
савоб-гуноҳинг,
Қиёмат Тангрига
етмагай оҳинг.

Наҳот фарқламайсан
дўсту душманни,
Қалбингга шайтонлар
солган кишанни,
Оёқ ости қилдинг
ор-номус, шаънни,
Аждодлар эъзози,
қутлуғ Ватанни.
Бу дам англамасанг
савоб-гуноҳинг,
Қиёмат Тангрига
етмагай оҳинг.

Озодлик, бу тинчлик
қалбинг ёқдими?
Қонингда нокаслар
қони оқдими?
Ғаразгўй, хоинлар
сенга боқдими?
Бўйнингга ҳасаддан
тумор тақдими?
Бу дам англамасанг
савоб-гуноҳинг,
Қиёмат Тангрига
етмагай оҳинг.

Оллоҳдан қалбингга
иймон сўрагин,
Илтижо қил, инсоф,
виждон сўрагин,
Юртга тинч, осуда
замон сўрагин,
Муқаддас заминнинг
гулга ўрагин.
Бу дам англамасанг
савоб-гуноҳинг,
Қиёмат Тангрига
етмагай оҳинг.

Феруза АЗИМОВА.

СЕВГИЛИМГА

Атиргулдек жисмингиз,
Унга монанд исмингиз,
Мени девона қилган,
Ширин-ширин сўзингиз.
Гўзалликда тенгсиз қиз,
Ахир сизнинг ўзингиз.
Юрагимга ўт солди,
Қаро-қаро кўзингиз.
Соғинганим билмайсиз,
Балки, парво қилмайсиз.
Қийнагандан не фойда,
Нечун кўксим тиғлайсиз?
Бироқ унутманг асло,
Меникисиз, сиз танҳо.

Оддий аскар Уйғун РАҲМАТОВ.

Ҳарбий журналист

ТОПИБ ЁЗАДИ

Подполковник Холмурод Алланазаровни анча йиллардан буён биламан. Ҳарбий соҳага ўтишдан олдин бир неча йил газета-журналларда фаолият кўрсатган.

– Ҳарбий бўлганимга ҳам анча йиллар бўлди, – дейди у. – Шу йиллар давомида шу соҳани баҳоли қудрат ўргандим. Қўлимдан келганича Қуролли Кучлар соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар, ҳарбийлар фаолияти тўғрисида ёзиб келяпман.

Х.Алланазаров имзоси билан мақола, очерк, лавҳалар тез-тез «Ватанпарвар» саҳифаларида ҳам чоп этилиб туради. «Халқ сўзи», «Народное слово», «Фидокор» газеталари муштарийлари ҳам унинг номини яхши билади. Мазкур газеталарда ҳам тез-тез чиқишлар қилиб туради. Айни чоғда у Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари матбуот маркази бошлиғи.

– Бизга хизматга келгач, – дейди МХХ чегара қўшинлари тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи полковник Мусаллим Нуриддинов, – чегара хизмати, чегарачилар фаолиятини матбуотда тарғиб қилиш анча яхшиланди. Бизнинг фаолиятимиз тўғрисида телевиденида бир туркум кўрсатувлар тайёрлади.

– Подполковник Холмурод Алланазаров, – дейди Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ҳамидович Ғуломов, – ватанпарварлик мавзусида қалам тебратаётган етук журналистларимиздан. Икки йилдан буён уюшмамиз қошидаги Ватанпарварлик кенгашига раислик қилиб келяпти. Яхши ташкилотчи. Республикамиз матбуоти ва оммавий ахборот воситаларида ватанпарварлик мавзуида ёзаётган журналистларнинг ҳақиқий маслаҳатгўйи, ёрдамчиси.

Фаол журналист 2001 йилда «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинган ватанпарварлик мавзусидаги туркум мақолалари учун таҳририят Фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғаси билан тақдирланган.

2002 ва 2005 йилларда Холмурод Алланазаров «Йилнинг энг яхши журналисти» танловида иштирок этиб, ғолиблар сафидан жой олди.

Подполковник Х. Алланазаров бадиий ижод билан ҳам муваффақиятли шуғулланиб келяпти. Кўплаб ҳикоялар, масаллар ёзган, ёзмоқда.

– Мен, – дейди журналист, – ватанпарварлик мавзусида ёзаётган журналистларимиз кўп бўлишини истайман. Агар биз ёшларимизни ёзаётган материалларимиз билан юртнинг ҳақиқий ватанпарварлари, фидойилар этиб тарбиялаш ишига озгина бўлсада ҳисса қўша олсак, бундан катта бахт борми?!

Мен ватанпарвар бўлсам, сен ватанпарвар бўлсанг, ҳаммамиз ватанпарвар бўлсак, Ватанимиз янада қудратли бўлади, мустақиллигимиз янада мустаҳкам бўлади.

Кейинги вақтда «Ватанпарвар» газетасида бўлаётган жиддий ўзгаришлар ҳарбий киши сифатида мени ҳам жуда қувонтирмоқда. Жамоага улкан ижодий муваффақиятлар тилайман.

Подполковник А. НУРМАТОВ.



Ҳовлимиздан чиқаётганда ҳам, қайтиб кираётганда ҳам дарвоза ёнида ўсган бир туп тут дарахтига қараб ўтаман.

Отам раҳматли бўлгач, баҳор кунларидан бирида Умар бобо уйимизга бир туп тут кўчати кўтариб келдилар:

– Отанг билан ака-ука эдик. Отанг беҳад ҳурматли инсон эди, раҳматли. Шу ҳурмат ҳақи, шу тутни кўрганингда эслаб юрарсан, – деб бобо кўчат ўтқазишга жой сўрадилар.

– Жойини ўзингиз танланг, ҳовли кенг, – дедим кутилмаган илтифотдан таъсирланиб.

– Ке, ўғлим, ҳовлига кираверишга, дарвоза ёнига ўтқаза қолайлик. Ишдан келганингда ҳам, кетаётганингда ҳам мевасидан татиб турасан. Ёзгача томир олсин, келиб пайванд қилиб бераман.

Бобо бир оёғи ногирон бўлса-да, белкуракни қўлига олиб, жойни кавлай бошлади. Кейин мен давом эттирдим. Чуқурча тайёр бўлгач, Умар бобо кўнгилдагидай қилиб ниҳолни ўтқаздилар.

Ниҳол гуркираб ўсди. Мавриди келиб, Умар бобо алоҳида келиб ёш ниҳолга икки хил тут куртагини пайванд қилдилар.

Орадан саккиз йил ўтди. Тут жуда бўй чўзди. Икки хил ҳосил беради. Дарахтнинг бир томонида оқ, иккинчи томонида тим қора меваси пишади. Айниқса, шотутнинг қора меваси кеч кузгача адо бўлмайди.

Яқинда Зомин туманида бўлганимда ўзим учун ажойиб воқеани кашф этдим. Зоминлик дўстим Эгамбердининг ота-онаси қабрини зиёрат қилиб, қайтишда туман марказидаги масжидга кирдик. Кираверишда гуркираб ўсиб турган тут дарахти беихтиёр эътиборимни тортди. Ҳовлимиздаги тут дарахтининг ўзгинаси эди.

Дарахтга ишора қилиб дўстимдан бу ҳақда сўраганимда, у:

– Тўғри сезибсан, бу тутни Умар бобо (раҳматли дўстимнинг отаси билан яқин қариндош бўлган) уйидан келтириб ўтқазган эди. Мана, шунга ҳам ўн йилча бўлди.

Аввалига бу гапга сал ишонмагандай бўлдим. Негаки, 250 чақирим жойга ногирон одамнинг кўчат олиб бориб ўтқазиши... Лекин дўстимнинг гапига ишонмаслик ҳам мумкин эмасди, чунки кўчат экишда шахсан ўзи ҳам иштирок этган экан.

Бу воқеа сабаб бўлиб қишлоқдан келгач, Умар бобонинг тенгқурлари, уни билганлар, қариндош-уруғлари ва фарзандларидан тут дарахтлари билан боғлиқ воқеалар ҳақида сўраб-суриштирдим.

Маълум бўлдики, Умар бобо умрининг сўнгги 15-20 йили мобайнида кўплаб масжидлар, мактаблар, турли идоралар ҳовлиларига, қариндош-уруғ, фарзандлари, ўз кўнгли тортган кишилар хонадонларига ўнлаб тут кўчатлари ўтқазган эканлар. У киши кўчат ўтқазиб кетган хонадонлар, ҳовлилар жуда бисёр экан.

Умар бобо бандаликни бажо келтиргани ҳам анча бўлди. Ҳовлимизга кирсам ҳам, чиқсам ҳам дарвозамиз ёнида шохлари тарвақайлаган тут дарахтига қарайман. Юрагимда чуқур бир энтикиш, соғинч ҳисларини туяман...

Холмурод АЛЛАНАЗАРОВ.

Гулом МИРЗО

ТУРОН ҚОПЛОНИ

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Хўжанд саройи. Темур Малик тахтда ёлғиз ўтирганча шатранж доналарига тикилиб, ниҳоят от юриш қилади. Шу пайт Шодмулк кириб келади:

ШОДМУЛК: Ассалому алайкум, ҳазрат!

ТЕМУР МАЛИК: Келинг бегим, яхши жойлашдингизми, ўғлимиз саломатми?

ШОДМУЛК: Шукур, жойлашиб олдик. Бироқ ҳа деганда сиз келавермаганингиздан мен хавотирланиб, ўзим хабар олай, деб чиқиб келдим.

ТЕМУР МАЛИК: Дуруст, меҳрибончилигингиз учун қуллуқ! Кўнглимни тоғдек кўтардингиз. Мен сиздан бағоят миннатдормен.

ШОДМУЛК: Ҳазратим! Уч кун ичида анчагина қорайиб, ўзингизни олдириб қўйибсиз. Бунақада ётиб қоласизку. Вақти-вақти билан ўзингизга дам ҳам бериб туринг. Иншоолloҳ, ёғийларнинг додини бериб, ғалабани қўлга киритарсиз, ҳали.

ТЕМУР МАЛИК: Айтганингиз келсин, бегим. Сиз ва ўғлим ёнимда қўш қанот бўлиб турсангизлар, албатта, мен ўз зиммамдаги вазифани тўла-тўкис адо қилурмен.

ШОДМУЛК: Худо хоҳласа! Ўша кунларни кўришни ҳаммамизга насиб айласин. Ўзингизни асранг, ҳазратим. Сиз бизга кераксиз. Сизни Оллоҳга топширдим (чиқиб кетади).

ТЕМУР МАЛИК: Шодмулк... вафодорим... ғамхўрим... пари пайкарим... Оллоҳга минг қатла шукурки, сендай оқила аёлни менга йўлдош қилди.

Арслонбек ва Шамсиддин кириб келишади.

ТЕМУР МАЛИК: Келинглар, имилламанглар. Қиладиган ишларимиз кўп. Баён эт Арслонбек, нима ишлар қилинди?

АРСЛОНБЕК: Амрингизга мувофиқ шаҳар аҳолиси бугун ҳам қалъа деворини таъмир этишга сафарбар қилинган. Мен назоратчилар қўйдим. Кечаси ҳам машъалалар ёруғида ишлашяпти.

ТЕМУР МАЛИК: Хўш, Шамсиддин, сенга топширилган иш қандай бормоқда?

ШАМСИДДИН: Амрингизни бажо келтирдим, ҳазрат. Шаҳар атрофидаги хандақ чуқур қазиб чиқилди. Мўғул отлари қанот чиқариб ҳам учиб ўтолмайдур бу ҳандақдан.

ТЕМУР МАЛИК: Хандақ-ка Сайҳундан сув тўлатилсин. Ҳар бир дарвоза олдига занжир билан кўтариладиган осма кўприклар ўрнатилсин.

ШАМСИДДИН: Бош устига.

ТЕМУР МАЛИК: Ким билади, бу уруш қачонгача чўзилади. Қўшин учун озуқа, отлар учун ем-хашак жамғариш лозим. Омборларни ғаллага тўлдириш керак.

АРСЛОНБЕК: Хўжанд вилоятида мевалар фаровон, аммо ғалла кам битадур. Шул сабабли ғалла Усрушана (Ҳозирги Ўратепа тумани) ва Фарғона каби қўшни вилоятлардан олиб келинур.

ТЕМУР МАЛИК: Ғалла савдо қилиб келишга карвонлар ҳозирлансин. Хазинадан керакли маблағ берилади. Савдогарлар бизга ғалла келтиришини кутиб туролмаймиз.

АРСЛОНБЕК: Карвонлар ҳозирланур. Дарё суви орқали кемалар ва соллар ҳам узатамиз. Сув йўли кам вақт оладур.

ТЕМУР МАЛИК: Биз қўшин сонини яна мингтага оширдик ва яхшилаб қуроллантирдик. Жами сарбозлар тўрт мингга яқиндир. Лекин бу ҳали кам. Шаҳар аҳолисидан, вилоятдаги деҳқонлардан аскарий қисмлар тузиб, уларга қурол-яроғ берамиз.

ШАМСИДДИН: Қора халққа қурол-яроғни ишониб бўладими? Кошки жанг қилиш уларнинг қўлидан келса. Ғанимнинг қорасини кўрган заҳотиёқ тумтарақай қочишади улар. Ортиқча харажат бу, ҳоким ҳазратлари.

ТЕМУР МАЛИК: Аксинча, бу ғоят зарур бўлган тадбир. Халқ ҳеч қачон ўз юртига хиёнат этмайдур. Ўз экинзори ва қишлоғини деҳқондан ҳам кўра кўпроқ, ўз маҳалласи ва шаҳрини эса ҳунарманд-косибдан ҳам кўра кўпроқ севадиган яна ким бор? Қурол ишлатишни эса биз ўргатурмиз. Биз ўрнини ўргатсинлар. Шамсиддин, сен ҳозироқ бориб, ғалла учун кемалар ҳозирланишини назорат қил.

ШАМСИДДИН: (чиқиб кетаётиб). Бир соат ўтмаёқ натижасини ўзингизга маълум қилурмен.

ТЕМУР МАЛИК: Бугун тонгда қалъа девори ва шаҳар атрофини яна бир бор кўздан кечира туриб, бир фикр келиб қолди бошимга. Сенга яхши маълум, шаҳардан сал пастроқда, Сайҳун ўртасида бир бутазор орол бор. Биз ана шу оролни мустаҳкамлаб, унда минг аскар қўйсак. Уларни қайиқ ва кемалар билан таъминласак. Шунда мўғулларнинг дарё томондан ҳужум қилиш хавфи олинган бўларди. Мўғуллар бу томондан суқилмоқчи бўлсалар, ҳам шаҳардан, ҳам оролдан отилган ўқлар ёмғири остида қолишади. Кемаларда сузиб ҳам ёвга зарба бериш мумкин. Бунинг устига оролда қўшин жойлаштириш шаҳарни сув билан таъминлайдиган анҳорни муҳофаза қилишга имкон берадур.

АРСЛОНБЕК: Ажойиб режа, ҳоким жаноблари. Сиз чиндан буюк саркардасиз.

ТЕМУР МАЛИК: Режанинг қанчалик ажойиблиги уни амалга оширганимиздагина яқ-қол кўринг усидир. Хўжанд шаҳрида моҳир кемасоз усталар бор-а?

АРСЛОНБЕК: Бор, ҳазрат. Хўжанддан жуда кўп кемалар Сайҳун суви орқали бошқа шаҳарлар билан борди-келди қилади. Шу кемаларни ҳам жалб қилиш мумкин.

ТЕМУР МАЛИК: Жуда соз, аммо кемалар савдо-сотиқ-ка эмас, жангга мўлжалланган бўлсин. Иложи бўлса усти ёпилиб, лой шувалсин. Ўқ ёғдириш учун дарчалар қилинсин. Мўғулларнинг ёндирувчи ўқларига бардош бера оладиган кемалар лозим. Сен бир бўлук аскарни олиб оролга ўтиб, зудлик билан тошдан девор қурдирасен.

АРСЛОНБЕК: Бош устига, ҳазратим. Сарбозларим билан бирга ўзим ҳам тош кўтариб, девор бунёд этмоққа тайёрмен.

ТЕМУР МАЛИК: Баракалло, эшитган эдимки, Рум, Миср ва Юнон подшоларида қуруқликда жанг қиладиган қўшиндан ташқари, денгиз сувида жангу жадал қиладиган баҳриялари ҳам бўлар экан. Сайҳун бизнинг денгизимиз. Ёғийга ҳам шаҳардан, ҳам дарёдан туриб зарба берамиз.

АРСЛОНБЕК: Душманга қарши курашда она Сайҳуннинг сувлари ҳам бизга мадад бўлса, бизнинг бир кучимизга ўн куч қўшилади.

ТЕМУР МАЛИК: Ҳақ гап, сен энди бориб фармон бер: мингта аскар чодирлари, озуқалари, қурол-аслаҳалари билан оролга ўтишсин. Атрофларини ихота, қилиб, қайиқ, кема боғлайдиган жойлар ҳозирлашсин. Шу қамишзор ва бутазор орол энди уларга макон бўлур. Шаҳар билан алоқалари кема ва қайиқлар орқали бўлади.

Арслонбек таъзим қилиб чиқиб кетади. Абдухалил ва девонбеги кириб таъзим қилишади: Ассалому алайкум, ҳазрат!

ТЕМУР МАЛИК: Ваалайкум ассалом, марҳамат қилинглар, сизларни чақиришдан мақсад, муҳим бир ишни кенгашмоқдур. Шаҳримиз томон мўғул отлиқ қонхўр душман бостириб келмоқда. Улар қалъани забт этса, одамларни қириб, шаҳарни вайрон, хотин, болачақаларимизни банди этадурлар. Тирик қолганларни ёв қул қиладур.

АБДУХАЛИЛ: Бундай қисматдан кўра ўлим яхшидур.

ТЕМУР МАЛИК: Ҳа, ёвга қул бўлишни ҳеч ким хоҳламайди. Хўжанд қўшини вилоятни душмандан ҳимоя қилмоққа тайёр. Лекин аскарларимиз камлик қиладур. Шул сабабли бу нарсада сизнинг ёрдамингизга муҳтожмиз. Сиз Хўжанд халқи олдидаги обрў-эътиборингиздан фойдаланиб, аҳолини қўшин сафига киришга чақирсангиз, бу шаҳар мудофааси учун ғоят катта ҳисса бўларди.

АБДУХАЛИЛ: Ҳоким жаноблари, қорахитойлар юртимизга бостириб кирганларида ҳам шаҳар косиблари фаол курашган эдилар. Мўғуллар билан ҳам жанг қилурмиз. Шаҳримизда довюрак йигитлар кўп. Фақат уларга қурол-яроғ бериб, ҳарб ишини ўргатмоқ зарур.

ТЕМУР МАЛИК: Муҳтарам оқсоқол, биз жибохонадаги (қурол-аслаҳа омбори) бор қурол-яроғни берамиз. Сарбозлар уларга қиличбозликни ўргатишади. Лекин биз бирикки юз киши эмас, балки бутун шаҳримиз йигитларини қуроллантиришимиз лозим. Лекин аслаҳамиз етмас, дейман.

АБДУХАЛИЛ: Биз косиблар кечани кеча, кундузни кундуз демай қилич, қалқон, совут, найза ясаймиз. Қанча қурол-яроғ зарур бўлса шунча ҳозирлашга тайёрмиз. Фақат темир кам ва маблағдан қисиляпмиз.

ТЕМУР МАЛИК: Темир ҳам, маблағ ҳам хазинадан керагича бериладур. Қурол-яроғ кўп миқдорда зарур бизга. Девонбеги! Шаҳар атрофидаги деҳқонларга ҳам хабар қилмоқ зарур. Шу уч-тўрт кун ичида ҳосилни йиғиштириб бекитсинлар. Хоҳлаганлари қалъа ичига кўчиб кирсинлар, ҳимоячилар сони ошадур. Қурол кўтаришга ярайдиган ҳар бир хўжанднинг аскар бўлмоғи керак.

ДЕВОНБЕГИ: Балли, ҳазрат.

ТЕМУР МАЛИК: Барча масжид имомларига етказинг. Беш вақт намоз пайтида Оллоҳдан шоҳимизга зафар, мажусий ёвларга ўлим тиласинлар. Масжидларда ваъз айтиб, хўжандликлар юрагида ғанимга қарши нафрат оловини ёқсинлар.

ДЕВОНБЕГИ: Ҳоким ҳазратлари, амрингизни албатта бажо келтирурмен.

ЯСОВУЛ: (ҳаяжонланган ҳолатда кириб): Ҳоким ҳазратлари, Банокат қалъадан ошиғич хабар билан чопар келди. Оғир ярадор бўлгани учун кўп қон йўқотган экан. Хабарни айтишга улгуриб, ўша заҳоти жон таслим қилди.

ТЕМУР МАЛИК: Баён қил тезроқ. Банокатда не кори ҳол бўлибдур?

ЯСОВУЛ: Чопар айтишига қараганда, Чингизнинг ваҳший саркардаси Сақту нўён йигирма минг суворийси билан Банокатни қуршаб олибдур. Банокатликлар мағлуб бўлишибдур. Қалъа ҳокими, кўп саркарда ва сарбозлар шаҳид бўлишган. Мўғуллар шаҳарга бостириб кириб ёшу қарини тиғдан ўтказибдурлар. Қиз-жувонларни банди қилиб хўрлабдилар. Банокатнинг ўрнида бир култепа қолибдур, холос.

АБДУХАЛИЛ ВА ДЕВОНБЕГИ: (ёқаларини ушлаб) Ё Оллоҳ! Алҳазар!

ТЕМУР МАЛИК: Душман яқин келибди. Ҳозироқ шай турган тўрт минг отлиқ билан қонхўр душманга пешвоз чиқамиз. Ғанимнинг илғор қисмларига шикаст етказмоқ керак. Ходарвеш даштида мўғулларни ўн кунча тўхтатолсак ҳам биз учун катта ютуқ. Бу вақт ичида шаҳар мудофаага тўла тайёр бўлмоғи лозим.

ПАРДА.

(Давоми бор).

Сўровнома

Муштарийларга маълумки, «Ватанпарвар» газетаси бугунги кунда буткул янгича қиёфада, муҳим сифат ўзгаришлари билан ҳамда мазмун-мундарижаси ҳам газетхон талабларига жавоб берадиган тарзда чоп этилмоқда. Кенг ўқувчилар оммасига айни пайтда ушбу нашр Қуролли Кучлар ҳаёти билан биргаликда ранг-баранг мавзуларда маълумот бериб боряпти. Таҳририят ходимларини эса амалга оширилаётган бу каби ўзгаришлар мухлислар томонидан қандай кутиб олинаётганини, яна қандай мавзулар уларни қизиқтиришини билиш доим қизиқтиради. Шу муносабат билан яқинда бир гуруҳ шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар орасида «Ватанпарвар» газетаси ҳақида қисқача сўровнома ўтказдик. Қуйида ушбу сўровнома натижалари билан танишасиз.

ДИЛДАН МУЛОҚОТ

Дастлабки сўровимиз, «Ватанпарвар» таҳририяти билан алоқа ўрнатганмисиз?» – деган саволдан иборат эди. Бунга фақат 15 фоиз эътироф этилган жавобни, 45 фоиз «энди алоқа ўрнатмоқчиман», 40 фоиз «алоқа ўрнатмаганман» деган жавобни олдик. Кейингисида эса «газетанинг бугунги ҳолати сизга маъқулми?» – дея сўралган. Қувонарли томони, бунга иштирокчилар бир овоздан, маъқул, дея жавоб беришган. Шу билан биргаликда «машҳур ўзбек спорт юлдузлари ҳаётидан лавҳалар, дунёвий воқеалар, тарихий, бадиий асарларга кўпроқ жой ажратилса, янада яхши бўларди», деган таклифлар билдирилган. Аксарият жавобларда газетанинг рангли ҳолда чоп этилаётгани ижобий баҳоланган.

«Газета ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва жанговар хизматнинг қайси жиҳатларини унутиб қолдиряпти?» – деган саволимизга эса 10 фоиз бетараф, 45 фоиз «Ҳаммаси мукаммал», 45 фоиз маъқулланган ва қўшимча таклиф-мулоҳазалар билдирилган жавоб олдик.

«Газетада ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда рўй бераётган муҳим воқеалар, жанговар хизматдаги ислоҳотлар, дала машғулотлари, тактика илмига доир, мавсумий ўқув машғулотларининг бориши, профессионал армия барпо этиш борасида қилинаётган ишлар мунтазам бериб бориляпти. Шунинг билан бир қаторда ҳарбий-техника шарҳларига кўпроқ жой ажратилса, яъни мазкур мавзуда маълумотлар кенгайтирилса ҳамда Ўзбекистон Қуролли Кучларидаги янги қурол-яроғлар, ҳарбий техникалар ҳақида ҳам батафсил маълумот бериб, ҳарбийларга ва уларнинг оила аъзоларига яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида маълумотлар чоп этиб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди», – дейилади билдирилган таклифларда.

Иштирокчилардан доимий кузатиб борадиган рукнлари ҳақида ҳам сўрадик. Билдирилган жавобларни таҳлил қиладиган бўлсак, рукн, мавзу ёхуд муаллифлардан қатъи назар, барчасини кузатишлари ва энг мақбул материалларни албатта мутолаа қилишларини билдиришган. Ватан тарихи, машҳур шахслар ҳаёти, севги-муҳаббат ҳақидаги ҳикоялар, шеърларга эса кўпчилик қизиқиш билдиришини айтган.

Ҳуқуқий билимлар ягона куни ва ижтимоий-сиёсий машғулотларда эса 100 фоиз овоз билан «Ватанпарвар»дан фойдаланишларини билдиришган. Шунингдек, мақолаларнинг ёзилиш услуби ва тилига ҳам ҳеч қандай эътироз йўқ. Аммо бирор камчилик ёки муваффақиятли томонини аниқ кўрсатиб ўтишни лозим топмаганлар.

Ниҳоят, уларга берилган сўнгги, «охирги ўқиган китобингиз», – саволига 40 фоиз овоз «Шайтанат», 15 фоиз Навоий асарлари, 15 фоиз овоз Ҳусниддин Шарипов шеърий тўпламлари, 10 фоиз китоб эмас, кўпроқ газета-журналлар мутолаасини маъқул кўришини, 20 фоизи эса умуман китоб ўқишга вақти йўқлигини билдирган. Ҳайратомуз жавоб: наҳотки ўқишга вақт тополмаса?! Ахир профессионал посбон бўламан, деган шахс учун бу жавоб умуман ярашмаслиги кундай равшан-ку!

Ҳар ҳолда, ҳеч бўлмаса ушбу мақолани ўқигандан сўнг улар ўзлари учун тегишли хулосани чиқариб олишларига умид билдирамиз. Шу билан биргаликда таҳририят номидан кенг ўқувчилар оммасини ҳамкорликка чорлаб, ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини мактуб ёки телефон қўнғироқлари орқали ўртоқлашишларини сўраймиз. Чунки муштарийлар фикри таҳририят учун жуда муҳим. Газетага ҳаққоний баҳони улар беради. Шундай экан, мактуб ва қўнғироқларингизни кутамиз, қадрли газетхонлар.

Лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ШКОЛА ВЫЖИВАНИЯ

ЕСЛИ НЕТ МЕДРАБОТНИКА • ОРИЕНТИРОВАНИЕ

В путешествии или туристском походе, рассчитанном на два дня, неделю и больше, а также на дальнее расстояние, может случиться так, что кто-то заболеет или получит ушиб, натрет ноги, пострадает от укуса пресмыкающегося или членистоногого. Поэтому, как правило, в состав группы туристов подбирается профессиональный медицинский работник. Но если его не будет, то каждый турист может оказаться перед проблемой – оказать первую медицинскую помощь товарищу. Важно – не растеряться! Вот некоторые советы.

Придерживайтесь обязательно правила: вышел в путь – имей при себе аптечку с самым необходимым набором медикаментов.

ПИЩЕВОЕ ОТРАВЛЕНИЕ

Первые признаки – тошнота, рвота, боль в подложечной области, головная боль, а потом – понос. Нужно немедленно промыть желудок. Для этого надо выпить один за другим 5 – 6 стаканов теплой воды и вызвать рвоту. Процедуру повторить 4 – 5 раз.

ОЖОГ

В походе чаще всего случается ожог I степени (появление красноты и отечности) и II степени (образование пузырей). В первом случае обработайте кожу спиртом, водкой или одеколоном и наложите стерильную повязку. При ожоге II степени пузырь не вскрывайте! Наложите стерильную повязку на место ожога. При сильной боли нужно дать пострадавшему таблетку анальгина или амидопирина. Если пострадавший имеет обширные ожоги, срочно эвакуируйте его в больницу.

ФУРУНКУЛ

На коже появилась припухлость с резко выраженной краснотой, затем в центре возник небольшой гнойный стержень. Наложите повязку с мазью Вишневского. Если этой мази в аптечке не окажется, сделайте повязку, смоченную крепким раствором поваренной соли в кипяченой воде. После отторжения стержня накладывают стерильные повязки. Совершенно недопустимо раздавливать или выдавливать фурункулы, так как это может привести к общему заражению организма.

СОРИНКА В ГЛАЗУ

Любое инородное тело, попавшее в глаз, вызывает резкую боль и слезотечение. Попросите пострадавшего смотреть вверх и оттяните нижнее веко пальцем вниз. Обнаружив соринку, удалите ее кусочком марли или жгутиком ваты, смоченными кипяченой водой. Если соринка за нижним веком не найдена, осторожно прижмите верхнее веко к верхнему краю глазницы и за ресницы оттяните немного книзу, а затем поверните вверх. Пациент должен все время смотреть вниз. Если после удаления соринки боль сохранится, введите в глаз 2 - 3 капли жидкого вазелина.

В УХО ПОПАЛА МУХА

Чаще всего в ухо попадают семена растений, но может заползти и насекомое. Если есть хлопковое (подсолнечное, соевое) масло, закапайте 5 – 6 капель и попросите больного лечь (этим ухом вниз) на 20 минут. Вместо масла можно воспользоваться теплой водой. Не пытайтесь извлечь инородное тело из уха каким-либо инструментом – можно разорвать барабанную перепонку. Те же, кто раньше болел гнойным отитом, должны сразу же обратиться к врачу.

РЫБЬЯ КОСТЬ В ГЛОТКЕ

Чаще всего рыбья кость застревает в миндалинах или слизистой задней стенки глотки. Если есть пинцет, можно попытаться осторожно извлечь кость. При неудавшейся попытке пострадавшего отправьте в больницу. Не предлагайте протолкнуть кость хлебной корочкой. Кость может застрять в пищеводе, и тогда потребуется операция.

КРОВОТЕЧЕНИЕ ИЗ НОСА

Иногда оно появляется при случайном ушибе, но может возникнуть и при некоторых заболеваниях. Посадите больного, слегка наклонив его голову назад, на переносицу положите холодный компресс. Больной должен воздержаться от кашля и сморкания. Через некоторое время кровотечение приостановится. Если этого не произошло, то в носовые ходы нужно вставить тонкие полоски из бинта, оставив концы снаружи. При продолжающемся кровотечении эвакуируйте больного в лечебное учреждение.

УКУС ПРЕСМЫКАЮЩЕГОСЯ ИЛИ ЧЛЕНИСТОНОГОГО

Не мешкайте! Готовьте все для эвакуации больного в больницу. А тем временем постарайтесь высасывать яд ртом в течение 7 – 10 минут. При этом нужно быть уверенным, что у оказывающего помощь во рту нет ссадин, царапин слизистой оболочки рта. Пострадавшему, пока идет транспортировка его в больницу, надо давать обильное питье – горячий чай, кофе, молоко, воду – часть яда через почки и потовые железы удалится из организма.

О.АХМЕДОВ,
кандидат медицинских наук.



Собран рюкзак, и вы встали на тропу путешественника. Впереди загадочные километры, необычные, удивительной красоты места. Но не спешите восхищаться. Под ногами не только приветливая, но и строгая земля: то равнина, то холмы, то плавные спуски, то крутые подъемы, то бурные речки, то горы. Чтоб одолеть такую дорогу, пройти через препятствия, которые могут встретиться на пути, туристу нужно многое знать и уметь. И прежде всего – уметь ориентироваться. Иными словами, в любой момент надо уметь ответить на вопрос: «Где я нахожусь?».

Верными помощниками туристам служат компас, карта, описание маршрута и т.д. Однако в силу сложившихся обстоятельств путешественники или потерпевшие аварию могут оказаться без этих средств ориентирования. Заблудиться же всегда довольно легко.

Итак – компас. Правила пользования им общеизвестны. Напомним лишь, что в момент пользования компасом вблизи не должно быть стальных и железных предметов (топора, лопаты, альпенштока, котла и т.д.); во время грозы и возле высоковольтных линий электропередач показания компаса искажаются.

Направление движения, заданное компасом, нужно периодически проверять. Признаками, облегчающими движение в нужную сторону, могут служить: прямолинейность собственного следа, если он виден (на песке, на снегу); положение ряби на песке.

В экстремальной ситуации найдется немало способов и приемов ориентирования. В солнечный день можно ориентироваться по солнцу и часам. В 7 часов утра солнце – на востоке, в 7 часов вечера – на западе. В 1 час дня оно на юге, и в это время все предметы отбрасывают самую короткую тень.

Но и в другое время можно найти направление на юг. Для этого надо положить часы горизонтально, повернуть их так, чтобы часовая стрелка была направлена на солнце, разделить угол, образованный часовой стрелкой и направлением на цифру 1 циферблата, пополам. Линия, делящая угол пополам, будет направлена на юг. Способ не очень точен, но для туриста приемлем.

Вечером и ночью север можно найти по Полярной звезде. Ее местоположение определяется по известному созвездию Большой Медведицы. Расстояние между крайними звездами «ковша» Большой Медведицы мысленно отложите вверх примерно пять раз. Яркая звезда в конце последнего, пятого отрезка – Полярная. Она всегда указывает на север.

А что предпринять, если небо затянуто тучами? Не отчаивайтесь! Главное – сохранить спокойствие и уверенность в себе. Весной над степью и пустыней почти повсеместно идет пролет птиц с зимовки к местам гнездовий. Рано утром и вечером совершают они перелеты в направлении с юга на север. Осенью птицы летят в обратном направлении – на юг. Кроме того, весной птицы даже в пасмурную погоду встречают рассвет пением, повернувшись в сторону восхода солнца.

На открытом месте всегда встретятся деревья-отшельники. По ним сразу видно, где – юг, а где – север: с южной, солнечной стороны дерева веток больше, они длиннее остальных, на них и листва гуще, чем с северной, прохладной стороны. Но этой приметой нельзя пользоваться, если на пути группа деревьев, так как в данном случае крона будет гуще у тех деревьев, где нет препятствий для ее развития.

Стволы почти всех деревьев светлее с южной стороны.

А вот – пень. Весной и в начале лета с южной стороны трава всегда выше, сочнее, а с северной – ниже. В конце же лета, наоборот, трава заметно свежее и зеленее уже с северной стороны пня.

В горах ищите отдельные валуны и кусты. С северной их стороны трава выглядит свежее, хотя и ниже ростом. В балках, оврагах трава быстрее выгорает с солнечной стороны, с северной же стороны продолжает зеленеть даже в жару.

Николай БОДРОВ.

Из истории оружия

ПИСТОЛЕТ ТТ: ИСТОРИЯ СОЗДАНИЯ

В конце двадцатых годов прошлого века встал вопрос о модернизации вооружения и личного оружия ближнего боя. Перед конструкторами стояла задача – разработать автоматический пистолет под имевшийся патрон «маузера» образца 1896 года калибра 7,63 мм.

В конкурсе приняли участие конструкторы Токарев, Коровин и Прилуцкий. Токарев одержал победу, как говорят, за явным преимуществом. По техническим характеристикам его пистолет «Тула-Токарев» (ТТ) не уступал лучшим образцам военных пистолетов того времени, а по ряду показателей даже превосходил их. Например, радиус рассеивания при стрельбе из ТТ на дистанцию 50 м составляет лишь 15 см, тогда как современные западные стандарты для служебных пистолетов при стрельбе на такую же дистанцию вполне допускают рассеивание в радиусе 35,5 см.

ЧТО ОБЕСПЕЧИЛО СЛАВУ?

Что же стало причиной успеха пистолета Токарева? Автоматика оружия работала на основе отдачи ствола при его коротком ходе. Сцепление ствола с кожухом-затвором при запирании канала ствола осуществлялось с помощью подвижной серьги. Ударный механизм – курковый, с открытым расположением курка, в специальном канале которого размещена витая боевая пружина. Предохранителя пистолет не имел. Его роль выполнял предохранительный взвод курка. Однако он не обеспечивал достаточной безопасности. Это стало одним из основных аргументов для критиков ТТ.

Меткость стрельбы из пистолета обеспечивалась за счет низкого расположения оси канала ствола по отношению к рукоятке для уменьшения плеча отдачи, снижения скорости отдачи за счет применения массивного кожуха-затвора, а также за счет приближения центра тяжести оружия к рукоятке.

Для обеспечения удобной, простой и быстрой разборки и сборки оружия многие детали были выполнены в виде отдельных блоков и агрегатов.

ПРОТОТИПЫ И ПОСЛЕДОВАТЕЛИ

В последующем в конструкцию пистолета были внесены изменения (изменены некоторые детали ударно-спускового механизма, ствол и рамка), улучшающие технологию производства. Пистолет успешно прошел испытания Второй мировой войной. Он состоял на вооружении более чем в двадцати пяти странах. В Китае, Польше, Венгрии и некоторых других странах ТТ выпускается и по сей день. Так, например, в Китае его выпустили под обозначением «Тип 51», в Корее – «Тип 68», в Венгрии на основе ТТ создали пистолет «Токагипт-58».

СОВРЕМЕННАЯ ЖИЗНЬ ОРУЖИЯ

Популярность пистолета оказалась обусловленной его высокой надежностью, малой стоимостью производства, высокой пробивной способностью пули, достаточной меткостью стрельбы.

Тем не менее, многие критики отмечали, что Токарев не стал выдумывать что-то новое, а взял за основу бельгийский «Браунинг». Несмотря на внутренние отличия, пистолеты и вправду смотрятся как братья-близнецы. Например, в США ТТ называют не иначе как «Браунинг-Токарев». Впрочем, это не умаляет уникальности ТТ.

(По материалам зарубежной печати).

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Погода ополчилась на Европу

В Европе жару сменяет потоп. Францию и Испанию, где еще накануне люди изнывали от зноя, заливают дожди. В Швейцарии жертвой стихии вновь стали национальные железные дороги. К такой резкой смене погоды жители французской столицы оказались совершенно не готовы. Буквально за час некоторые городские районы оказались под полуметровым слоем воды. Похожая ситуация сложилась и в Испании. А в Швейцарии гроза стала причиной новой энергоаварии. Молния попала в одну из подстанций. В результате было прервано железнодорожное сообщение между Женевой и Лозанной.

В Махачкале блокированы боевики

В столице Дагестана Махачкале в ходе обыска дома было совершено нападение на сотрудников милиции. Два милиционера ранены, двое из нападавших убиты, также погиб один из понятых. В ходе спецоперации уничтожены два боевика и еще одного удалось задержать. Боевики вели огонь из автоматического оружия и забрасывали штурмующих дом милиционеров гранатами. В доме, где скрывались боевики, найдены станок для нарезки арматуры, оружие и ваххабитская литература.

Райский островок притягивает туристов

В ОАЭ «бриллиантовый» - по сравнению с «золотым» прошлогодним - сезон. Дубайские гостиницы достигли рекордной рентабельности благодаря высокой заполняемости. Такие успехи гостиничного бизнеса стимулируют возведение новых современных отелей в Дубае. В конце 2006г. в дубайском «Медиа Сити» будет открыта 5-звездная высотная (287 м) гостиница «Люалюа» (Жемчужина). Все 760 номеров 60-этажного отеля будут выходить на воды Персидского залива. На высоте 230 метров над уровнем моря строится смотровая площадка с видом на жилой комплекс «Пальма Джумейра» и морское побережье.

Земля атаковала космос

Комета Tempel-1 со скоростью 37 тыс. км/час столкнулась с медным зондом Impactor, выставленным на пути ее движения американскими учеными. Это первая в истории бомбардировка космического тела. Медный снаряд, как предполагают ученые, оставил на поверхности кометы кратер диаметром около 200 метров и глубиной 50 м. Момент столкновения наблюдали более чем в 40 обсерваториях на Земле и телескопы Hubble и Spitzer в космосе – они собирали информацию о пыли и газах.

Банда похитила и продала 63 новорожденных

Правоохранительные органы Ирана расследуют дело о похищении и последующей продаже 63 новорожденных младенцев (преимущественно девочек). По данным судебных органов, под уголовным преследованием находится преступная группировка из 26 человек. Во главе группировки стояла женщина, занимавшая одну из должностей обслуживающего персонала. В полиции полагают, что похищено было гораздо больше детей. По информации предварительного следствия, детей, от которых по различным причинам отказывались родители, как правило, продавали бездетным семьям.

Приглашение стать соискателем на «Оскара»

Американская академия киноискусства направила 91 стране приглашения представить свои фильмы на премию «Оскар» в категории «лучший иностранный фильм» 2005 года. Каждая страна имеет право представить лишь один фильм. В 2004 году на приглашение киноакадемии откликнулись 50 стран. Обладателем золотой статуэтки – «Оскара» стала испанская лента «Море внутри».

Аномальное явление в тайге

В Хабаровском крае на площади около 3 кв. км по неизвестной причине попадали деревья. В тайге в 40 км восточнее города Вяземский на площади до 3 кв. км зафиксировано аномальное падение деревьев. Специалисты зафиксировали, что все деревья повалены в одну сторону и скручены против часовой стрелки. Есть предположения, что странное явление может быть результатом воздействия НЛО.

Столица Олимпиады 2012 года – Лондон

6 июля в рамках 117-й сессии Международного олимпийского комитета (МОК) в Сингапуре был объявлен город, который примет летние Олимпийские игры 2012 года. За это право боролись пять претендентов: Москва, Париж, Лондон, Мадрид и Нью-Йорк. Столицы Франции и Великобритании стали фаворитами гонки. Столицей XXX Олимпийских Игр с перевесом всего в 4 голоса стал Лондон. За его кандидатуру проголосовали 54 члена МОК, а за Париж - 50. В британской столице Олимпиада проходила уже дважды - в 1908 и в 1948 годах. Свои третьи Игры Британия получила с четвертой попытки. До этого в 1992 году МОК отверг кандидатуру Бирменгема, а в 1996-м и 2000-м фиаско потерпел Манчестер.

(По страницам Интернета).

ТВОЙ ИНТЕРЕС

ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Дунёни гўзаллик қутқаради, дейдилар. Инсон гўзалликдан баҳра олади. Ижодкорлар ўз асарларида гўзалликни мадҳ этишади. Не-не буюк шоиру шуароларга илҳом бахш этган, уларни башар оламида машҳуру жаҳон қилган, ана шунга ундаган бетакрор туйғу – гўзаллик эмасми?

Самимият ила гўзал табассум қилиб турган қора марварид кўзлар соҳибаси Нигорахон Абдуллаева – газетамизнинг бу галги «ҳафта гўзали» рукни меҳмони. Тошкент юридик коллежини тамомлаб, ҳозирда ўз фаолиятини Матлуботсавдо уюшмасида давом эттираётган Нигорахон ҳаётда қувноқ, самимий ва дилкаш инсон. Унга бемалол ишониш, дўстлашиш мумкин. Доимий амал қиладиган шиори ягона, яъни «ҳақиқат гоҳо эгилади-ю, аммо ҳеч вақт синмайди, бамисоли сув бетидаги мойдек ёлғоннинг юзига қалқиб чиқади».

Ҳа, унинг қизиққан соҳаси ҳуқуқшунослик бўлганлиги боис, доимо ана шундай доно фикрларни ўзига йўлдош билади. Атрофидагиларни ҳам доимо ҳақиқатдан юз бурмасликка чақиради. Дўстлари орасида ўзининг етакчилик қобилияти, мустақил фикри, ҳақгўйлиги, самимийлиги билан яққол ажралиб туради.

Замонамизнинг Нигорахондек илғор, кенг фикрли қизларига қараб ҳавасингиз келади, албатта. «Омадингизни берсин, замонамиз Барчинойлари!» – дегим келади уларга қарата.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10x15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

В МИРЕ РЕКОРДОВ

ТОЛЬКО ПРАВЫМ УХОМ

39-летний китаец Занг Синьюань – один из немногих бурлаков-рекордсменов. В отличие от коллег, он тягает поезда исключительно правым ухом. Недавно он протянул 24-тонный поезд на 40 метров за 4 минуты. Первые две попытки закончились неудачно. Китаец привязывает один конец троса к поезду, а другой – к специальному железному устройству. Оно действует по принципу прищепки и закрепляется на ухе длинным болтом. А дальше – эх, дубинушка, ухнем... Отец пятнадцати детей не советует повторять свой трюк.

ЛИНЗЫ И ВАШ УСПЕХ

Сменив очки на контактные линзы, можно вполне рассчитывать на успех у противоположного пола, утверждают британские ученые. В опыте участвовали 38 парней и девушек в возрасте 18–25 лет. Студентов разделили на три группы. В первую вошли люди, которые продолжали носить очки или линзы. Во второй группе студентам заменили контактные линзы на очки, в третьей – наоборот. Большинство людей, сменивших очки на контактные линзы, почувствовали себя гораздо более уверенно, 75% тех, кто надел очки, сообщили об обратном. Успех объясняется несколькими причинами. Людей без очков считают более привлекательными. Хотя при устройстве на работу на интервью лучше идти в очках.

(По страницам Интернета).

ХИТТА АЙЛАНГАН ҚЎШИҚЛАР РЕЙТИНГИНИ «TV – MARKAZ» ТЕЛЕКАНАЛИ ТАҚДИМ ЭТГАН.

МИЛЛИЙ ЎНЛИК

1. Ҳеч айрилма (Райҳон)
2. 16 қўшиқ (Акбар)
3. Биламан (Сетора)
4. Я ҳабиби (Феруза Жуманиёзова)
5. Megamix (Наҳотки сен)
6. Ичим ёнар (Лола)
7. Йиғладим (Анвар Санаев)
8. Нозигим (Ёдгор Мирзажонов)
9. Бахтлиман (Шаҳзода)
10. Баландда (Шоҳрух)

ЕВРОПЕЙСКАЯ ДЕСЯТКА

1. How we do (The Game)
2. Лала (Жанна Фриске)
3. Like toy solders (Eminem)
4. Get right (Jennifer Lopes)
5. Kuzu-kuzu remix (Tarkan)
6. Etjattends (Leslie)
7. Gentlmen (Traghedi)
8. Obsession (Aventura)
9. Get the party started (Pink/Redman)
10. No way in hell (Boomfunk MC)

БОБИЛ ОСМА БОҒЛАРИ

Дунёнинг «етти мўъжизаси» ичида энг бетакрор ва антиқаси Вавилон осма боғлари бўлса керак. Чунки унда айнан табиий гўзаллик акс эттирилган.

Навуходоносор ўз умр йўлдоши – Мидея маликасини жуда севган. Тоза ҳаво ва дарахтлар шитирлаши, она юртининг яшил табиатини соғинган малика учун Вавилон ҳукмдори ўша иссиқ водий марказида боғлар барпо этишга аҳд қилади.

Боғлар яратилишига қадимги подшоликнинг бутун куч-қудрати, барча қурувчи ва соҳа мутахассисларининг тажрибаси сафарбар қилинган. Ушбу мўъжизакор боғлар тўрт қаватдан иборат бўлиб, ҳар қаватини баландлиги 25 метр бўлган устунлар кўтариб турган. Қаватларга аввало текис тошлар терилган, қамиш тўшалган. Сўнгра эса, асфальт қуйилиб қўрғошинли листлар тўшалган. Буларнинг барчаси сувнинг пастки қаватларга сизиб ўтмаслигига хизмат қилган. Ана шундан кейингина катта дарахтлар ўсиши учун етарли даражада тупроқ тўкилган. Қаватларни кенг зинапоялар бирлаштириб турган.

Гўзал ва мафтункор, салқин боғларни яратиш мақсадида дарахт, гул ва ҳар хил ўсимликларнинг энг ноёб навлари экилган, у ерга. Вавилоннинг ниҳоятда баланд деворлари устидан осма боғлардаги дарахтлар узоқ масофаларгача кўриниб турган.

Таъкидлаш жоизки, сўлим ва оромбахш боғларга сув ҳудуд яқинидаги Евфрат дарёсидан етказилган. Уларнинг гуллаб-яшнашида айнан куну тун бетиним ишлаб турган суғориш тизимининг пухта ташкил этилганлиги сабабчидир.

Тарихдан маълумки, Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) вафотидан сўнг унинг қудратли империяси парчаланиб кетган. Шундан сўнг Вавилон давлати ҳам илгариги мавқеини йўқотди. Навуходоносор қурдирган иншоот, яратган боғлар эса сув тошқини, шунингдек, қисқа вақт ва шошилинчда кечган қурилиш ишларида охиригача пишириллмаган ғиштлардан фойдаланилгани сабабли узоқ умр кўрмади.

Шу тариқа, тахминан милоддан аввалги 600 йилларда мавжуд бўлган Вавилон боғлари сўлди. Лекин у севги-муҳаббатга атаб бунёд этилган улуғвор ёдгорликлардан бири сифатида тарихда из қолдирди.

У ЖЕНЩИН СВОИ СЕКРЕТЫ

О том, что у зверей и птиц есть свой язык, человечество знает давно. Но, оказывается, в китайской провинции Хуньан на протяжении вот уже более 3000 лет существует единственный в мире язык женщин. Вернее... существовал, потому что недавно скончалась последняя его носительница.

На таинственном наречии нушу китайские женщины делились друг с другом своими секретами, обсуждали семейные проблемы, мужей и любовников. При этом мужчины, как ни старались, не могли понять, о чем же щебечут их женушки и сестры. Ведь язык нушу передавался от матери к дочери, а вот от представителей сильного пола эти знания держали в строжайшем секрете. Правда, со временем, когда эмансипация достигла границ Китая и местные дамочки получили возможность говорить о женских пустяках, не стесняясь мужчин, необходимость в специальном языке отпала. Последней, кто мог свободно общаться на нушу, и была девяностолетняя Янг Кхси.

11 ЕЩЕ СТРАШНЕЕ, ЧЕМ 13

В мире появилась новая несчастливая цифра. Вместо 13 ею стала 11. По удивительному совпадению оба самых кровавых террористических акта в Нью-Йорке и Мадриде произошли 11-го числа, причем их разделили 911 дней, а такой телефон у службы спасения США. Кроме того, дата 11 сентября состоит из 9 букв и 2 цифр, которые в сумме образуют все то же число 11. Совпадения поразительны. Кроме того, 11 сентября – 254-й день в году, и если сложить 2, 5 и 4, то опять получится 11.

Математики всего мира очень заинтригованы, потому что здесь явно присутствует мистика – ведь небоскребы в Нью-Йорке, разрушенные террористами, тоже представляли собой число 11.

К тому же первый похищенный террористами 11 сентября самолет летел рейсом АА 11, и захватившие его четверо террористов имели инициалы А.А., которые тоже легко перевести в цифру 11. Один из главных террористов – пилот Мохамед Атта – имел в своем имени 11 букв. На борту самолета находились 92 пассажира – опять же в сумме получается 11. На самолете находились 11 членов экипажа. Если идти дальше, то Нью-Йорк стал 11-м штатом, вошедшим в США. В английских словах «небоскреб» и «торговый центр» по 11 букв. Первая башня обрушилась в 10 часов 28 минут. Сложите цифры – и получится 11. Первой на место катастрофы прибыла пожарная машина под номером 11. В борьбе с огнем погибли 11 человек ее команды.

Официально объявленное число погибших в крушении Всемирного торгового центра было 2801. Посчитайте – и выйдет 11. На борту самолета, направленного на здание Пентагона, находились 65 человек – в сумме 11. Человек, организовавший теракт, который изменил мир, – Усама бен Ладен – родом из Саудовской Аравии, а в ее английском названии 11 букв.

Математики считают, что цифры всего лишь отражают управляющие нами тайные законы природы.



ЗЕҲН СИНОВИ

ТЕСТ

1. Диний тасаввур нима?

А) Дин тўғрисидаги турли фикрлар;
В) Диний китоблар бизга диний тасаввурни беради;
С) Диний тасаввур — бу, табиатнинг кундалик ҳаётда рўй берадиган ҳар хил ҳодисалари осмонда, сувда, тоғларда ёки тоғ ортида яшовчи, лекин одамлар кўзи кўрмайдиган қандайдир сирли, аммо қудратли кучлар томонидан содир этиладиган деб изоҳланишидир;
Д) Бизга диний тассаввурни Қуръони карим, Ҳадиси шариф китоблари беради.

2. Уч денгиз ўраб турган давлатни биласизми?

А) Германия;
В) Болгария;
С) Греция;
Д) Польша.

3. Дунёнинг етти мўъжизасига нималар киради?

А) 1. Миср эҳромлари. 2. Бобил осма боғлари. 3. Маъбуда Артемида ибодатхонаси. 4. Олимп худоси Зевснинг ҳайкали. 5. Қуёш худоси Гелиос ҳайкали. 6. Александр маёғи. 7. Галикарнас мақбараси;
В) 1. Самарқанд. 2. Бухоро. 3. Хива. 4. Тошкент. 5. Амир Темур мақбараси. 6. Ал-Бухорий қабри. 7. Нақшбандий зиёратгоҳи;
С) 1. Темур боғлари. 2. Темур дарвозаси. 3. Самарқанд дарвозаси. 4. Шоҳи зинда. 5. «Пахтакор» стадиони. 6. Шаҳрисабз. 7. Шердор мадрасаси;
Д) 1. Пахта. 2. Ипак. 3. Жун. 4. Ўзбек дўпписи. 5. Палов. 6. Кўкалдош мадрасаси. 7. Халқлар дўстлиги саройи.

4.Буюк Ипак йўли қачон очилган?

А) Милоддан аввалги 4 асрда;
В) Милоддан аввалги 3 асрда;
С) Милоддан аввалги 2 асрда;
Д) Милоддан аввалги 1 асрда.

Ҳурматли муштарийлар! Газетамизнинг 2005 йил 24 июнь 56-сонида чоп этилган «Зеҳн синови» тест саволларига кўплаб жавоблар олдик. Бироқ тўғри жавоб йўллаганларнинг номларини эълон қилиши лозим топмадик. Тўғри жавоб йўллаганлар: 1. с) Ал-Хоразмий. 2. с) Кужула Калфиз. 3. в) Фаробий.

В ОБЩЕСТВЕ СКОРПИОНОВ

отпраздновала свой 27-й день рождения малайзийка Нор Малена Хасан.



Даже ради личного торжества жительница города Куантан не прервала экстравагантный эксперимент, закрепивший за ней титул мировой рекордсменки по продолжительности проживания среди ядовитых насекомых. 36 дней Нор Малена провела в компании 6 тысяч 69 опасных тварей, которых в свой праздник щедро угощала именинным тортом. Это необычное и, честно говоря, малоэстетичное шоу происходило в ярко освещенной витрине местного супермаркета. И хотя новая чемпионка «положила на лопатки» предыдущего рекордсмена – таиландца Канчана Кеткава, 32 дня обитавшего в окружении более 3 тысяч скорпионов, она продлила срок пребывания за стеклом еще на 4 дня, чтобы уж наверняка стать лидером. Суровые условия состязания не позволяли претендентке умышленно избегать прикосновений и даже укусов страшных насекомых. На этот случай по другую сторону стекла находились врачи с противоядием наизготовке. Вместе с ними дежурили и представители компании «Книга рекордов Гиннесса». Покидать свой «террариум» Нор Малена могла лишь на 15 минут в сутки – для ежедневного туалета. Зеваки не смущали девушку – ведь в повседневной жизни она выступает в цирках со змеями и к зрителям привыкла.

4 ЁШИДА АБСТРАКЦИОНИСТ

Ўтмишга айланган 2004 йил янги истеъдод соҳибларини кашф этди. Уларнинг орасида энди бутун оламга машҳур америкалик Марла Олистид ҳам бор. Нью-Йоркда бўлиб ўтган кўргазмада ҳаммаси одатдагидек кечди. Унинг суратлари бир талай меҳмон ва журналистлар ҳамда тадқиқотчилар томонидан юксак баҳоланди. Фақатгина одатий шампан виноси бўлмади, чунки маросим сабабчиси эндигина 4 ёшга тўлган эди. Ёш хонимнинг барча асарлари сотиб бўлинди. Энг паст нарх 12 минг доллар бўлди. Унинг кўргазмасига қизчанинг акрил суратларига ҳайрат ила боққани 3 минг нафар мухлис келди. Марла – вундеркинд ва энг нуфузли нью-йорклик абстракционист рассомдир, дея ном қўйишди малласоч жажжи санъаткорга журналистлар. Отаси Марк қизи бор-йўғи 1 ёшга тўлганида илк бор унга бир варақ қоғоз берган.

